

ЮСУПОВА МАРИНА РИМОВНА

**МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎЎҚИТИШ
УСЛУБИЯТИ**

ТОШКЕНТ – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ
ИНСТИТУТИ**

МАРИНА ЮСУПОВА

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИ

**Магистратуранинг 5A150301 – Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги
санъати) ва 5A150401 – Режиссёрлик (оммавий тадбирлар режиссёрлиги)
мутахассислиги учун дарслик**

ТОШКЕНТ – 2015

Аннотация. Данный учебник обращён к театральной педагогике. Цель этого учебника в привлечении внимания к некоторым вопросам усовершенствования методики обучения студентов театральных вузов.

Annotation. The given textbook is devoted theater pedagogy. The purpose of this tutorial is drawing attention to some issues to improve methods of teaching students of theater schools.

Аннотация. Мазкур дарсликда театр педагогикаси илмий-назарий жиҳатдан ёритилган бўлиб, унда санъат институтида талабаларни мутахассислик фанларидан таълим бериш услубияти ҳақида тавсиялар берилган.

Мазкур дарслик “Махсус фанларни ўқитиш услубияти” фанини ўрганишнинг назарий ва амалий асосларини қамраб олган бўлиб, унинг асосий мақсади актёр ва режиссёрларни тайёрлашда замонавий жаҳон стандартига мос келадиган дарс машғулотларини ташкил этиш, ўқитиш методлари, соҳадаги кечаётган изчил жараёнлар, мутахассисликнинг ўзига хос хусусиятлари ва магистрантларда мутахассислик фанларидан дарс ўтиш малакасини ҳосил қилиш бўйича билим беришга қаратилган.

Дарслик магистратуранинг 5A150301 – Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати) ва 5A150401 – Режиссёрлик (оммавий тадбирлар режиссёрлиги) мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: *Хамдам Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент*

Такризчилар: *Антонина Кошелева – педагогика фанлари номзоди, доцент*
Хайрулла Саъдиев – Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат – шуҳрати” ордени совриндори

Ушбу дарслик Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилган.

“Тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди.”¹

Ислом КАРИМОВ

Кириш

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётини зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. “Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётини омил — бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. “...Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ,”² — деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, қайси давлатда кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғри ва омилкорлик билан ташкил этилса, ўша давлатда ҳар доим тараққиёт бўлади.

¹Президент И.Каримовнинг 2014 йил 15 майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқидан. Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.

² Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: Маънавият, 2008. — Б. 60-61.

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради. Шу маънода мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб, Президентимизнинг «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!»¹ - деган даъватлари туфайли мамлакатимизда таълимни ислоҳ қилишга киришилди.

1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил қилади. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди. Президентимиз таъкидлаганидек, “Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур тасодифан пайдо бўлгани йўқ – бу айнан шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми”².

Дастурда шунингдек, таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар ҳисобланган бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкорлик ғоялари руҳида камол топтириш кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс, юқори малакали кадрлар етиштирилмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб борилаётганлиги – фуқароларнинг энг асосий конституциявий

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: «Шарқ», 1999. – Б. 53.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: «Шарқ», 1999. – Б. 50.

хуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, эгаллаётган касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш каби ўта долзарб ва муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Баркамол авлод – жамият тараққиётининг асосидир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 4 мартда қабул қилинган фармонига мувофиқ таъсис этилган мустақил Ватанимизнинг илк ордени “Соғлом авлод учун” деб номланиши ҳам истиклолнинг илк йилларидан бу масалага нечоғли улкан эътибор қаратилганидан далолатдир. Зеро, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу ниятни амалга ошириш имконияти мустақиллик шарофати билан пайдо бўлди. Буюк давлатни барпо этишга қодир баркамол авлодни – мустақил инсонни тарбиялаш учун зарур барча иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавий имкониятлар тобора кенгаймоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз”¹. Мантиқан бир-бирига ҳамоҳанг бўлган “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ёшлар йили”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”, “Баркамол авлод йили”, “Мустаҳкам оила йили”, “Соғлом бола йили”да ҳам баркамол авлод тарбияси, унинг манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Ёшлар тарбияси масаласи бугунги куннинг энг долзарб масаласидир, ХХI асрда яшаб самарали меҳнат қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини бунёд этиш асосан бугунги ёш авлод зиммасига тушади. Уларнинг билимли, маданиятли, меҳнатсевар, ташаббускор изланувчан этиб шакллантириш ҳаёт

¹ Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. - Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 7 декабрь.

тажрибасига эга, турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган қийинчиликларда тобланган ёши улуғларимиз, фахрийларимизнинг, шу билан бирга мазкур ишга даъват этилган тарбиячилар, муаллимлар, устозларнинг бош вазифасидир.

Ҳеч шубҳаланмасдан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, кўхна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даврига айланди. Мустақилликнинг илк давриданок маданият ва санъат соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди.

Президентимизнинг 1995 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”га Фармони, 1998 йил 22 майдаги “Ўзбектеатр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2001 йил 21 сентябрдаги “Ҳамза номидаги Ўзбек давлат Академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармони, 2012 йил 4 июндаги “Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, 2014 йил 22 январдаги “Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек 2010 йилда Бухоро шаҳрида қад кўтарган “Боқий ва навқирон Бухоро” монументи, ҳамда Бухоро давлат театри янги биносининг ишга туширилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётидан нишонадир.

2012 йил 4 июнда муҳтарам президентимиз И.А.Каримов халқимиз, миллатимиз тараққиётига улкан ҳисса қўшувчи “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 1771-сонли Қарорга имзо чекдилар. Мазкур қарордан кўзланган мақсад Республикамизда маданият ва санъат соҳасида театр, кино, телевидение, халқ ижодиётини ривожлантириш борасидаги замонавий талабларга, халқимизнинг тобора ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларига жавоб берадиган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш даражаси ҳамда сифатини такомиллаштириш ва тубдан ошириш, шунингдек, мазкур йўналишдаги олий

таълим муассасаларида яратилган мавжуд моддий-техник базадан янада самарали фойдаланишдир.

“Махсус фанларни ўқитиш услубияти” фани ҳам ёшларни ўз мутахассислиги бўйича етук кадр қилиб тайёрлаш, замонавий санъат соҳасида кечаётган изчил вазиятлар, янгиликлар, янгича методларни ўргатиш, тўғри таҳлил қилиш, талабаларни жаҳон стандарти асосида ўқитиш кабиларни бош мақсад қилиб олган.

Дарслик Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасида юқоридаги фикрлар ва талаблар доирасида яратилди. Дарсликни тайёрлашда театршунос олимлар ва ижодкорлар К.С.Станиславский, Немирович-Данченко, Д.М.Генкин, И.Шароев, Т.Хўжаев, Ж.Обидов, М.Раҳмонов, М.Қодиров, Т.Исломов, Т.Турсунов, Т.Бояндиёв, Ҳ.Икромов, Ҳ.Абдусаматов, С.Турсунбоев, Б.Сайфуллаев, М.Тўлахўжаева, Т.Азизов, Қ.Хўжаев, Т.Маҳмудов, Т.Ғофурбеков, А.Тўлаганов, М.Ҳамидова, А.Носирова, Р.Усмонов, педагогика соҳасида илмий тадқиқот олиб борган Г.Мухамедов, Х.Тўракулов, Р.Хайдаров, В.Зиёмуҳаммадов, З.Исмоилова, Ж.Ҳасанбоев, К.Мирсаидов, Н.Исакуловаларнинг илмий тадқиқот ишларидан, саҳналаштириш усулларида фойдаланилди.

Мазкур дарслик юқоридаги мақсад ва вазифаларни тўлақонли қамраб олган бўлиб, ўқитиш тизимида бирламчи умумий жиҳатларга эга бўлса, иккинчи жиҳатдан “Актёрлик маҳорати”, “Режиссура” каби мутахассислик фанларини чуқур ўргатишга қаратилган ва шу билан биргаликда мазкур фанларни ўқитишда фаннинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларида фақат ўзигагина хос нозик қирраларини ёритишга ҳаракат қилинган. Санъат таълимида бошқа соҳаларга қараганда талабанинг индивидуал маҳорати бирламчи восита бўлиб, бу борада бир академик соат ҳисобида талаба билан якка машғулот олиб борилиши режалаштирилган.

Дарслик кўрсатилган магистратура мутахассислиги учун илк манба бўлиб, муаллиф ўз ўрнида сиз азиз ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларингизни кутиб қолади.

Махсус фанларни ўқитиш услубиятининг мақсади, вазифалари ва предмети

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг мақсади;
- ✓ Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг вазифалари;
- ✓ Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг предмети;

Мазкур мавзуда Республикамиздаги таълим, хусусан санъат таълими юзасидан амалга оширилаётган муҳим вазифалар, Кадрлар тайёрлашнинг муҳим босқичлари, махсус фанларни ўқитиш услубиятининг мақсади, вазифалари ва предмети ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, фаннинг назарий ва амалий хусусияти, кадрлар тайёрлашда мазкур фаннинг аҳамияти ёритилган.

Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг мақсади. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-хунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада спорт мусобақалари бераётган юксак самаралар, болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Муҳтарам Президентимиз таъбири айтганда “Тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб,

унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди”.¹

Етук кадрлар тайёрлашда, ёшларнинг мафкуравий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқ зарур. Чунки мафкуравий тарбия – ёшларни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо қилишда муносиб шахс, комил инсон ва етук кадр қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Мафкуравий тарбия таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ва йўналишларида амалга оширилади. Оиладан бошлаб, мактабгача таълим, ўрта умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий ўқув юрти муассасаларида узлуксиз, ҳар қандай ўзибўларчилиikka йўл қўймай, изчил равишда амалга оширилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг қонун-қоидаларига амал қилган ҳолда мавжуд барча мутахассисликларга “Махсус фанларни ўқитиш услубияти” фани киритилди.

Махсус фанларни ўқитиш услубияти - мутахассислик фанлар бўйича таълим беришда мақсад, мазмун, метод, шакл, воситаларни қўллашни ўргатади.

Фанни ўқитишдан мақсад – актёрлик ва режиссёрлик фаолиятининг мураккаб жараёнларини эгаллаш, магистрантни ижодий шахсга айлантириш жараёнида таълимнинг самараси ва интенсификацияси жараёнини ривожлантириш, магистрантни педагогик фаолиятига олиб кириш, педагогнинг иш фаолияти, вазифаси билан таништириш, ўқув жараёнига оид меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш, уларни тайёрлаш, жаҳон стандартига мос дарс машғулотларини ноанъанавий тарзда ташкил этиш кабилардир.

Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг вазифалари. Фаннинг вазифаси – таълим жараёни элементлари тизимининг боғлиқлигини ўргатиш, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш жараёнида уларда меҳнатга онгли муносабатни таркиб топиши учун қулай шароитларни вужудга келтириш йўллариини ўргатиш, таълим-тарбия жараёнини режалаштириш ва ташкил этишни ўргатиш, магистрантларни ўқув фанларини фаол ўзлаштиришга

¹ Президент И.Каримовнинг 2014 йил 15 майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривождаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нутқидан. – Т. “Халқ сўзи”. 2014 йил 16 май.

йўналтириш, мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш, уларнинг натижаларини таҳлил қилишда янги технологияларни излаш ва ишлаб чиқиш, умумлаштириши ҳамда амалиётга татбиқ қилиш, илмий семинарлар, илмий-амалий-ижодий конференцияларда иштирок этиш, илмий-ижодий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш, санъатнинг замонавий жанрлари ва соҳаларида ижодий ижрочиликни, жумладан, эстрада театри актёрлиги ижрочилигини, эстрада хонандалиги ижрочилигини, оперетта, цирк артисти ижрочилигини, конференсье, бадиий сўз устаси ижрочилигини амалга ошириш, кинофильм, видеофильм, телерадио спектакллари, майдон томошаларида ижрочи-иштирокчи вазифасини амалга ошириш, ўз устида мунтазам ишлаш, ижодини такомиллаштириб бориш, маданият ва санъат соҳаларидаги ижодий ишлаб чиқариш бирлашмалари, уюшмалари ва ассоциацияларида ишни бошқариш, ижодий ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши кабиларни қамраб олади.

Мутахассилик фанларини ўқитиш услубияти фани доирасида магистрантнинг билим, малака ва кўникмаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг предмети, мақсад ва вазифалари;
- махсус фанларни ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;
- махсус фанлар таълим мазмунини танлаш мезонлари;
- махсус фанларни ўқитиш услуби ва воситалари;
- махсус фанларни ўқитишнинг ташкилий шакллари;
- махсус фанларни ўқитишнинг ахборот технологиялари;
- махсус фанларни ўқитиш технологиялари;
- махсус фанлардан ўқув амалиётини ташкил этиш;

- ўқув-ишлаб чиқариш ишларини меъёрлаштириш ва ташкил этиш;
- махсус фан ўқитувчисининг ўқув-меъерий ҳужжатлари ва услубий ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш услубияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- махсус фанларни ўқитиш жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойиллари; махсус фанларни ўқитиш жараёнида профессор-ўқитувчининг вазифалари ва талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини ошириш услублари ва воситалари, махсус фанларни ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти)ни ташкил этиш ва ўтказиш услубиятини, махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини таххис этиш турлари, шакл ва услубларини, махсус фанларни ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- махсус фанларнинг дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш, махсус фанларнинг ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш, махсус фанларни ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллаш, махсус фанларни ўқитишда машғулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш; очиқ машғулотларни ўтказиш ва ҳужжатларини расмийлаштириш, йил, семестр бўйича ўқув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш, аудиториядан ташқари иш шаклларига раҳбарлик қилиш, ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларни қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг предмети. Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг предмети – бу дарс бериш (ўқитиш) жараёнининг ўзидир.

Ўқитиш жараёни педагогнинг ва у раҳбарлик қилаётган талабаларнинг билим, ўқув ҳамда малака тизимини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришга қаратилган изчил ҳаракатлари мажмуидан иборат. Таълим ўқувчилар шахсини

шаклантиришнинг, уларни ақлий ва жисмоний камол топтиришнинг, умумий ҳамда касбий билим беришнинг энг муҳим воситасидир. Ўқитиш жараёни давомида талабаларнинг билиш кучлари ривожлантирилади. Ўқитиш ўқитувчининг ўқувчиларга билим, кўникма ва малака тизими бериш, уларнинг билиш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш борасидаги фаолиятдир.

Ўқиш – ўқувчиларнинг оқув фани материални ўзлаштириш борасида қиладиган мунтазам ва онгли меҳнати.

Ўқитиш икки томонлама жараёндир; у ўқитувчининг фаолияти ва ўқувчилар фаолиятини ўз ичига олади. Ўқитувчининг фаолияти ўқув материални баён қилишдан, ўқувчиларда фанга қизиқиш, фикрлар ва эътиқодни таркиб топтиришдан, ўқувчиларнинг мустақил машғулотларига раҳбарлик қилиш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини текшириш ҳамда баҳолашдан иборат.

Ўқитиш жараёнинг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материални ўзлаштиришдан ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлар ва эътиқодни ҳосил қилиш юзасидан олиб бориладиган мунтазам меҳнатдан иборат.

Ўқитиш мазмуни ҳамма вақт тегишли ўқув фани дастури билан белгиланишни ўқувчиларнинг ўқишини эса ўқитувчи йўлга солиб туришини назарда тутиб, муваффақиятли таълим беришнинг асосий шarti таълим бериш мазмуни, ўқитиш ва ўқиш орасидаги чамбарчас узвий боғланиш деб ҳисобламоқ керак.

Ўқув жараёнини тўғри йўлга қўйилиши шу билан ифодаланадики, ҳар қайси босқичда ўқувчилар ўрганиладиган материални тушуниб оладилар, ўқув ва малакаларини такомиллаштирадилар, бирорта янги нарсани идрок этадилар. Аммо ҳар хил бўғинлар айна пайтда муайян юмушни бажаради ҳамда ўзига хос кўриниш ва методлар билан ифодаланади.

Таълим жараёнининг тузилмаси деганда унинг ўқув вазифасини бажаришга ёрдам берадиган қисмлари, босқичлари нисбати ва уларни амалга ошириш изчиллиги тушунилади.

Таълим жараёнини амалга оширишда ўқув мақсадини аниқ ва тўғри белгилаш ўқитувчининг асосий вазифасидир. Ўқув мақсадлари ДТСлари, ўқув режа ва дастурлар асосида белгиланади. Ўқув мақсадларига эришиш учун таълим жараёнида мазмунни ўқувчиларга этказиш учун турли таълим методлари, шакллари ва воситаларидан фойдаланилади. Таълим методлари, шакллари ва воситаларидан фойдаланишдан мақсад - ўқувчининг аниқ белгиланган натижаларга эришишидир. Ўқувчининг қандай натижаларга эришганлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш орқали аниқлаш мумкин. Баҳолаш ва таҳлил қилиш натижалари ўқув мақсадига қай даражада эришилганлигини кўрсатади.

Ўқитишнинг ташкилий кўринишлари деганда, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мутахассислик ташкил этилган, белгиланган тартибда ва муайян режимда ўтадиган фаолияти тушунилади. Ўқитишнинг у ёки бу ташкилий кўриниши ўқувчилар гуруҳини ва ҳар бир ўқувчини ўқитишнинг ҳар хил кўринишларида қўшиб олиб борилиши, ўқитишда ўқувчилар мустақиллигининг турли даражаси, ўқувчиларнинг ўқишига ўқитувчи раҳбарлигининг ҳар хил усуллари билан ифодаланади.

Методика (услугия) - педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, инсонни шакллантиришда муайян мақсад сари қаратилган систематик фаолият тўғрисидаги ҳамда таълим-тарбия беришнинг мазмуни, шакл ва методлари (услугиялари) ҳақидаги фандир.

Методология эса фаолиятнинг таркиби, мантикий тузилиши, метод ва воситалар ҳақидаги таълимотдир.

Метод — ибораси (юнонча - тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод — педагогик жараён элементи сифатида мазмун — мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда — тарбия, таълим ривожланиши амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси - қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда

методнинг асосий кўрсаткичи - унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир.

Методологик билим, биринчидан, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўз ичига олган одат ва нормалар шаклида, иккинчидан, амалда бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳозирги замон адабиётларида методология дейилганда, аввало илмий билиш методологияси, яъни илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари тушунилади.

Махсус фанларни ўқитиш услубияти фани мутахассислик фанлари билан биргаликда педагогика фани билан изчил боғлиқдир.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян Амос Коменский номи билан бевосита боғлиқдир. Коменский томонидан таклиф этилган принциплар шакл ва услублари «Педагогиканинг олтин фонди»га кирган. Унинг машҳур «Буюк дидактика» асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Ўқув жараёнида таълим-тарбия, маълумот ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида ўқитувчи болаларга билим асосларини баён этади. Шу материаллар мазмуни асосида тарбиянинг бирор томонини ҳал этади, болалар дунёқарашини шакллантиради, маданий хулқ-атворини тарбиялайди.

Педагогика фанининг предмети бўлган илмий билиш асосида жамиятнинг алоҳида функцияси - тарбия мазмуни ётади. «Педагогика» атамаси қадимий Юнонистонда келиб чиққан. Бу ерда қулдорлар болаларни мактабга кузатиб қўядиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. «Педагог» атамаси латинча «пайне» - бола, «агогейн» - етакламоқ маъносини билдиради. Мактабларда ишлайдиган, яъни таълим бериш билан шуғулланадиган ўқитувчиларни эса «Дидакаллар» деб аташган, бу латинча «Дидако» сўзидан олинган бўлиб «мен ўқитаман» деган маънони англатади.

Кейинчалик бу атамаларнинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланадиган шахслар «педагог» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб

келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг умумий принциплари фақат болалар тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди. Педагогика фанининг баҳси бўлган илмий билиш асосини таълим тарбиянинг мазмуни ташкил қилади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг мақсади нималардан иборат?
2. Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Махсус фанларни ўқитиш услубияти фанининг предмети нималардан иборат?
4. Мазкур фаннинг кадрлар тайёрлашдаги аҳамияти қандай?
5. Мутахассилик фанларини ўқитиш услубияти фани доирасида магистрантнинг билим, малака ва кўникмаларига қандай талаблар қўйилган?
6. Ўқитиш жараёни деганда нимани тушунасиз?
7. Метод, методика ва методология тушунчаларига изоҳ беринг?
8. Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский фаолияти ҳақида нималарни биласиз?

Резюме

Республикамизда кечаётган изчил сиёсий ва иқтисодий ривожланишнинг муҳим тармоғи сифатида санъат ва маданият соҳаси ҳам аҳамият касб этади. Санъат ва маданият соҳаси учун етук кадрлар тайёрлашда аввало, мутахассислик фанларининг илмий-назарий асослари, амалий жиҳатларига эътибор қаратиш, таълим тизимининг сифатини юқори даражаларга кўтариш куннинг долзарб масаласидир. “Махсус фанларни ўқитиш услубиёти” фани магистратуранинг “Оммавий тадбирлар режиссёрлиги” ва “Эстрада актёрлиги

санъати” мутахассислиги магистрларини учун ўзига хос муҳим жараён бўлиб, бунда шу соҳада кечаётган таълим жараёни, ўқитиш тизими, педагоглик фаолияти, методика, методология, фаннинг мақсад-вазифалари ва предмети кенг ёритилади. Шунингдек, фанни ўзлаштиришда педагогика фани ва унинг намоёндалари фаолияти ва уларнинг ўзига хос методларини ўрганиш ҳам тавсия этилади.

Таянч сўзлар:

«Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», фаннинг мақсади, фаннинг вазифаси, фаннинг предмети, метод, методика, методология, педагогика, дидактика, актёр, режиссёр, махсус фанлар.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Миллий таълим модели асоси

Бобнинг қисқача мазмуни:

✓ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури;

✓ Мактабгача таълим;

✓ Умумий ўрта таълим;

✓ Ўрта-махсус, касб-хунар таълими;

✓ Олий таълим;

✓ Олий ўқув юртидан кейинги таълим;

✓ Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

✓ Мактабдан ташқари таълим.

Мазкур мавзуда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари, Ўзбекистон таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишнинг муҳим омиллари, таълим босқичлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш давлари, унинг асосий таркиби, миллий дастурни амалга оширишда педагоглар олдидаги муҳим вазифалар ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Бугунги кунда юксак маънавий ва ахлоқий ғазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айнан шу боис, ХХІ аср – интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ юрт келажаги, ватан равнақи бўлмиш ёшларги, жумладан, битирувчиларнинг илмий-амалий салоҳиятига, жамият турли соҳаларининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб,

таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш, бўлажак ёш мутахассисларда ишчанлик, илмга чанқоқлик, ташаббускорлик каби фазилатларни тарбиялашга эътибор берила бошлади.

Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган самарали миллий моделини яратишда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;
- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;
- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Мазкур дастурнинг мақсади таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қуйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутди:

– Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;

– кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

– кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;

– таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

– янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

– таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан

давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) - мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- "Таълим тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ таълим тизими мазмунини таркибий қайта қуриш ва тубдан янгилаш;

- педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлилик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базасини тайёрлаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришни ҳам

назарда тутган ҳолда таълим хизмати кўрсатиш соҳасида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;

– таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– халқаро алоқаларни кенгайтириш ва кучайтириш, кадрлар тайёрлашда халқаро донорлик ташкилотлари ва фондлари фаолиятига тегишли шароитлар яратиш, шунингдек республика таълим соҳасига чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича реал чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

– Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг мониторингини олиб бориш.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.

Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади.

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади.

Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар) - тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади.

Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади.

Таълим жараёнини ахборотлаштириш узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

- шахс - кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

- давлат ва жамият - таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

- узлуксиз таълим - малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- фан - юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очик бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларидан биридир.

Узлуксиз таълим тизими ва турлари қуйидагилардан иборат:

- Мактабгача таълим;
- Умумий ўрта таълим;
- Ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими;
- Олий таълим;
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- Мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим. Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача тарбияни ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакали тарбиячи ва педагог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;

- замонавий ўқув-услугий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;

- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;

- мактабгача муассасаларнинг ҳар хил турлари учун турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача тарбиянинг барча масалалари бўйича малакали консультация хизмати кўрсатиш имкониятини яратиш;

- мактабгача тарбия ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Умумий ўрта таълим. Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бу тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий ғазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Умумий ўрта таълимнинг янгича тизими ва мазмунини шакллантириш учун қуйидагилар зарур:

- мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли умумий ўрта таълим олишни таъминловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, бунда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидан кейин олинадиган таълим дастурлари билан мантиқий боғлиқлик ҳисобга олиниши лозим;

- юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш;

– ҳудудларнинг географик ва демографик хусусиятларига, шахс, жамият ва давлатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

– ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш;

– таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш;

– ўқувчилар касб-ҳунар танлайдиган ва психологик-педагогик жиҳатдан маслаҳатлар оладиган марказлар тармоқларини ташкил этиш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими. Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши, чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосликни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисослик ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишининг норматив базаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг географик ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг

ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

– академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Олий таълим. Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари негизига ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб бўйича “бакалавр” даражаси берилади ва давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Магистратура аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизига таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

“Магистр” даражасини берадиган давлат малака аттестацияси магистрлик дастурининг интиҳосидир. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Икки босқичли олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

– бакалавриат ва магистратура учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

– олий таълим муассасалари учун профессор-ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, шу жумладан чет эллардаги етакчи ўқув ва илмий марказларда тайёрлаш;

– олий таълим муассасаларида таркибий ўзгартиришлар ўтказиш;

– олий таълим муассасалари бошқарувини такомиллаштириш, бу муассасаларнинг мустақиллигини кучайтириш, муассислар, васийлар кенгашлари, жамоат назорат кенгашлари шаклидаги жамоат бошқарувини жорий этиш;

– таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграцияси таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

– ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш;

– янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш;

– халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида (докторантура, мустақил тадқиқотчилик) олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим босқичи (докторантура) диссертация ҳимояси билан якунланади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– “Таълим тўғрисида”ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- касб таълими тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- фан, технология ва таълим соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидагилар зарур:

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

- юқори малакали ўқитувчи-мутахассис кадрлар тайёрлаш ва соҳани улар билан тўлдириб боришни таъминлаш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган муҳитни шакллантиришни ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш;

- кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторлари, мулкчиликнинг турли шаклидаги ташкилот ва муассасаларнинг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ кадрлар ва мутахассисларни илдам қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни

таъминловчи давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

– профессионал тренингнинг илғор технология ва ускуналарини, шунингдек мураккаб, фан ютуқларини талаб қилувчи технология жараёнлари имитаторларини ишлаб чиқиш, яратиш ва амалий ўзлаштириб олиш.

Мактабдан ташқари таълим. Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий, эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-мундарижасини такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

– таълим бериш ва камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

– миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

– ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шакллари такомиллаштириш, миллий турлари ва шакллари тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар, маънавий янгиланишлар жараёни билан кадрлар тайёрлашни уйғун олиб бориш, таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамияти ва мавқеини юксалтириш, бу жараёнга малакали, фидойи инсонларни жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда янги авлод кадрларини тайёрлаш иши жамиятнинг бугунги, келажакдаги талаб ва эҳтиёжлари аниқ ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнларига уйғун тарзда олиб борилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилганидек, таълимнинг барча босқичлари узвийлигига эришиш, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртлари ўртасида услубий-амалий ҳамкорлик, ахборот алмашиш йўлга қўйилгани ўзининг юксак самараларини бераётир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда олий таълимнинг замонавий икки босқичли – бакалаврият ва магистратура йўналишига ўтилгани тизимдаги энг муҳим ўзгаришлардан биридир. Бугунги кунда олий таълимнинг мазкур йўналишларида асосий эътибор тайёрланаётган кадрларнинг илмий салоҳияти ва амалий тажрибасига, иш берувчининг талабларига, яъни рақобатбардошлигига мос келишига қаратилмоқда.

Олий таълимнинг ўқув-услубий, меъёрий таъминоти, давлат стандартларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳам тизимли ишлар олиб борилаётир. Жумладан, бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати қайта кўриб чиқилди, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича классификатор янгиланди. Муҳандислик ва техника йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш қўлами ва салмоғи босқичма-босқич ошириб борилмоқда.

Магистратурада илмий диссертацияларни тайёрлаш ва баҳолашга бўлган талаблар кучайтирилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Зеро, юқори суръатлар билан ўсиб бораётган жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишга интерфаол педагогик ва ахборот

технологияларини жорий этиш орқали эришилади. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидан фарқли равишда, бугун таълим жараёнларини мунтазам янгилаш талаб этилмоқда.

Айни вақтда замонавий ахборот технологиялари самарадорлигини оширишда асосий эътибор ёшларни компьютер воситаларидан фойдаланиш имкониятини оширишга, уларда интернет тармоғи орқали олинаётган ахборотларни самарали қўллаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ахборот-ресурс марказларида электрон ахборот таълим ресурслари ҳажми ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълим профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш – замонавий кадрлар тайёрлаш жараёнида энг муҳим вазифалардан. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи малака ошириш механизми тубдан ислоҳ этилди. Ҳукуматимиз қарори билан ташкил этилган 5 минтақавий, 10 тармоқ малака ошириш маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва хорижий олий ўқув юртлари, илмий ва таълим марказлари ўртасида тобора мустақамланаётган ҳамкорлик ҳам Ватанимиз мустақиллиги, Конституциямиз берган улкан имкониятлар самараларидандир.

Бугун юртимиздаги 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида эришилаётган ютуқлар хорижда ҳам кўпчиликнинг ҳавасини тортмоқда. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2012 йил февраль ойида пойтахтимизда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълимнинг миллий моделини яратиш борасидаги тажрибаси БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар, Буюк Британия, Германия,

Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония каби ривожланган давлатларнинг таълим соҳаси бўйича йирик мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Улар мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг тобора ўсиб бораётганига, ҳозирги шароитда демократик тараққиёт ва модернизация борасида юксак натижаларга эришишда билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш энг муҳим кадрият ва ҳал қилувчи куч эканига мамлакатимиз мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Мазкур форумда иштирок этган хорижлик юзлаб олим ва мутахассислар Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади. Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этилди. Халқимиз эришаётган бундай улкан муваффақиятлар Президентимиз Ислом Каримов томонидан соҳага, жумладан, таълим тизими ривожига қаратилаётган доимий эътибор самаралари эканлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг натижалари тайёрланаётган кадрларнинг сифати, билими, малакаси, маънавий-интеллектуал савиясида яққол намоён бўлмоқда. Бугун иқтидорли ёшларимиз автомобилсозлик, нефть-газ саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, энергетика каби юртимиздаги янги, энг замонавий талаблар асосида фаолият юритаётган тармоқларда мураккаб технологияларни бошқармоқда, илм-фан, маданият, спорт соҳаларида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларига қуйидаги талаблар қўйилган:

- таълим бериш маҳорати;
- тарбиялай олиш маҳорати;

- ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилатлари;

- таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила олиш маҳорати.

Таълим бериш маҳорати педагогга қўйиладиган талаблар ва ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш шароитлар билан боғлиқ бўлган қуйидаги бош (доминант) омиллар билан аниқланади:

- қўллаб-қувватлаш ва ўқув жараёни муҳити;
- педагогнинг психологик-педагогик тайёргарлиги;
- фанни чуқур билиши, касбий омилкорлик ва эрудиция;
- янги педагогик ва компьютер технологияларини билиш;
- касбий ахборот манбаалари сифатида чет тилларини билиш;
- янги услубий ва билим манбааси сифатида илмий-услубий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш;

- узлуксиз таълим тизимининг меъёрий ҳужжатларини билиш;
- ўқув-тарбия жараёнини амалга оширишнинг моддий техника базаси билан боғлиқ бўлган ахборот базаси ва ресурслари. Тарбиялай олиш маҳорати педагогнинг юксак маданий ва маънавий савиясига, шахсий ахлоқий, ватанпарварлик ва бурч (ҳислар)ига асосланади. Таълим олувчиларда дунё яхлитлиги юксак маданият, маънавий тафаккурни шакллантириш учун педагогнинг ўзи гуманитар ва гуманистик руҳда тарбияланган ҳамда ўқув-тарбия ишини ташкил этиш маҳоратига эга бўлиши шарт.

Педагогнинг ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилатларига қуйидагилар киради:

- талабчанлик ва адолатлилик;
- ҳалоллик ва ҳайрихоҳлик;
- киришимлилик ва ҳазил-мутойиба ҳисси.

Ушбу фазилатлар педагогнинг таълим олувчилар олдида обрўсини белгилайди. Педагогнинг шахсий фазилатлари унинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Таълим олувчиларнинг билимларини рейтинг асосида баҳолаш ва назорат қилиш маҳорати психологик-педагогик жихатдан педагогнинг таълим бериш ва тарбиялай олиш маҳорати билан узвий боғлиқ.

Педагог таълим олувчиларнинг билимларини объектив баҳолаш механизмларини билиши ва уларни мукамал равишда рейтинг назоратида қўллай олиши, ҳамда стандарт тестларни ишлаб чиқа ва қўллай оладиган бўлиши лозим.

Олий таълим - мустақил фикрловчи шахсни шакллантиришни таъминловчи, узлуксиз таълимнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ўзи танлаган билимлар соҳаси йўналиши (ихтисослиги) бўйича ижодий фаолиятига тайёр, республиканинг илмий-техникавий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини таъминлашга қодир, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни амалга оширувчи мустақил таълим туридир. Олий таълимнинг касбий таълим дастурларини ўзлаштириш ўрта махсус касб-хунар таълимидан кейин, улар негизида амалга оширилади. Олий таълим аудитория машғулотлари, аудиториядан ташқари (ўзича тайёрланиш), мустақил билим олиш ва экстернет шаклларда ташкил қилинади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қачон қабул қилинган?
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Узлуксиз таълим деганда нимани тушунаси?
4. Таълим босқичлари ва уларнинг таснифи бўйича маълумот беринг?

5. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда педагоглар олдидаги муҳим вазифалар нималардан иборат?

6. Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари нималардан иборат эди?

7. Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари қандай босқичларда амалга оширилмоқда?

8. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари ва улар таснифи ҳақида маълумот беринг?

Резюме

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этиш ва эски мафкуравий тизим ғояларидан ҳоли баркамол авлод тарбиясини шакллантириш мақсадида 1997 йил 27 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Бу муҳим давлат ҳужжатлари мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ички механизмини асослаб, уни рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини ташкил қилади.

Дастурда таълим ва тарбия жараёни орқали ёш авлодни юксак маънавий фазилатлар – бағрикенглик, ватанпарварлик, меҳр-оқибат, умуминсоний ва миллий қадриятлар, бунёдкор ғоялар руҳида камол топтириш кўзда тутилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб бориш орқали баркамол инсон, янгича тафаккурга эга бўлган шахс, юқори малакали кадрлар етиштирилмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириб борилаётганлиги – фуқароларнинг энг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири – билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, эгаллаётган касби бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш каби ўта долзарб ва муҳим вазифалар бажарилмоқда.

Мавзуда “Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсад ва вазифалари, таълим босқичлари ҳақида илмий-назарий ва ҳуқуқий далиллар ёритилган. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош субъекти ва объекти саналмиш шахс ва унинг ижтимоий фаолияти, ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур дастурни амалга оширишдаги вазифалари берилган.

Таянч сўзлар:

“Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим, шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Эстрада санъати профессионал фаолият сифатида

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Эстрада санъатининг ўзига хослиги;
- ✓ Эстрадада актёрлик маҳорати мактаби;
- ✓ Эстрадада жанрлар хилма-хиллиги.

Мазкур мавзуда эстрада санъатининг таснифи, ўзига хос хусусиятлари, бошқа санъат турларидан фарқли жиҳатлари, эстрадада санъатлар синтези ва унинг бадиий ифодавийлиги, махсус фанларни ўқитишда эстрада санъатида педагогик ва мутахассислик жиҳатидан ёндашувнинг илмий-назарий асослари, эстрада санъатининг жанрлар хилма-хиллиги ва жанрлар таснифи илмий ва амалий жиҳатдан ёритилган.

Эстрада санъатининг ўзига хослиги. Даврлар ўзгариши билан ижтимоий ҳаётнинг муҳим қисми саналмиш санъат соҳасида ҳам янги йўналишлар пайдо бўла бошлади. Шундай йўналишлардан бири бу эстрада санъати йўналишидир.

Эстрада сўзи лотин тилидин олинган бўлиб, томоша учун махсус жой маъносини англатади. Бу йўналиш Европа давлатларида XIX аср охирига келиб яқка тартибда, кичик шаклда ижод қилиш маъносини англата бошлаган бўлса, бизнинг Республикамизга том маънода мустақилликка эришгандан сўнг эътибор берилга бошлади. Биргина собиқ М.Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида “Эстрада актёрлиги санъати” ва “Эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги” таълим йўналишларининг очилиши сўзимизнинг исботидир.

XX асрга келиб эстрада йўналиши санъатнинг алоҳида тури бўлиб ажралиб чиқа бошлади. Унинг асосини кичик шаклдаги номерлар ташкил қилган. Номер эса – ғоявий образли композицияга эга бўлган, 5-10 минутлик кичик шаклдаги бадиий томоша деб қабул қилинган. Концертлар – кичик шакл турида – номер ижод қиладиган барча йўналишларни бир кечада, бир сахнага

жамлаш ва уларни конференсье ёрдамида бошқариш ҳамда улуғлаш қудратига эга бўлган томоша туридир. Шунингдек, концертлар – бир ижодкор шахс фаолиятига ҳам бағишланиши мумкин. Бу ерда ҳам конференсье бир ижодкорнинг номерларини навбатма–навбат эълон қилиб, унинг янги–янги қирраларини мухлисларга таништириб боради. Баъзи ҳолларда шахсий концерти бўлаётган ижодкорни ўзи конференсье вазифасини ҳам уддалаган.

“Саҳнавий шахсиятлилик – бу энг аввало рухий қиёфадир,- деб ёзади К.С.Станиславский,- бу санъаткорнинг ўз ижодига бўлган нуқтаи назаридир, бу санъаткор дунё, одамлар ва ижодга назар соладиган бадиий нигоҳдир”.

Актёр – бу доимий ҳаракатдир, унинг ҳар бир лаҳзаси зоҳирий эврилишлар давомидир ва айни пайтда унинг хусусиятини кўрсатувчи янги психологик ҳолатга ўтиш йўлидир. Шунинг учун актёрнинг ҳар лаҳзаси ҳаракатдан иборат. Бошни эгиш, қовоқни уйиш ёки очиш, юзда пайдо бўлган табассум, ҳайратга очилган оғиз, кўзайноқни зиёлинамо ушлаб турган панжалар ёки икки ёнга тушириб турилган кафтлар, актёрнинг муқим назар солиб турган пайтидаги норозилик ёки меҳрни ифодаловчи кўзлар - буларнинг барчаси ҳаракатда бўлади, тинч ҳолат улар учун бегона.

Эстрада санъати актёр ва томошабин ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа ўрнатилишини талаб қилади. Эстрада театри актёри томошабинда юмор хисси мавжудлиги, комедия образини албатта тушуниш ҳислати борлигини назарда тутлади. Нуқсонлар устидан кулиш жараёни актёрни хатти-ҳаракатга чорлаши учун ундан томошабин билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиши зарурлигини талаб қилади. Нуқсонлар устидан кулиш - бу инсоннинг ахлоқий соғломлашаётганидан дарак беради. Муболағадан фойдаланаётганда эстрада актёри меъёрни ниҳоятда нозик ҳис этиши лозим бўлади. Бу ҳақида Чарли Чаплин шундай деган эди: “Мен жуда ошириб юборишдан ёки бировнинг бирор нозик жойига тегиб кетишдан қўрқиб тураман, муболағани фақат яхши кулгу билан текислаб кетиш мумкин”. Эстрада актёрининг ўзига хослиги драматиклик ва комиклик, трагиклик ва эксцентрикликни ўзаро уйғунлаштириб

юборишида кўринади. Бунга XX асрнинг буюк актёри Чарли Чаплин фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Кўпинча эстрада театрини “бир актёр театри” деб номлайдилар. Бунда бир актёр кўпгина қаҳрамонлар билан бирга сахнада кичик сюжетни ижро қилиш ҳуқуқини олади. Бунда эса актёр, биринчидан, юқоридаги ишни аъло даражада бажара олиши, иккинчидан, бу айнан бир актёрга мўлжалланган ва қиёфани тез ўзгартира олиши билан боғлиқ эстрада жанри эканлигини назарда тутиш зарур. Қиёфани ўзгартиришда актёр вазиятни тўла изоҳлаб ўтириши шарт эмас. Вазиятнинг аҳамияти бунда катта эмас, у актёрда рўй бераётган қиёфа ўзгаришини ҳаққоний эканлигини таъкидлаш, ҳаракатнинг ниҳоятда шартли бўлган белгиларини кўрсатиш учунгина мавжуд бўлади холос. Шу ўринда яна ёрдамчилар ҳам талаб қилинади. Қиёфани ўзгартиришда кийимлар тез-тез ўзгартириб турилади, шунинг учун бу ерда эпчиллик ва чаққонлик, диққат ва эътибор, бир лаҳзада англаб олиш ва образга тез кира олиш хусусияти зарур бўлади. Эстрада актёри қиёфасини ўзгартириши - бу фақат яхши тайёрланган техник трюкгина эмас, балки бу ноодатий шароитда кўпгина шахслар иштирок этаётган кичик спектаклдир.

Эстрадада бундай бир лаҳзада қиёфа ўзгартира олиш қобилияти ноёб хислат ҳисобланади. Кўпинча актёр грим ва париксиз ҳам томошабинларга ўнлаб бир-бирига ўхшамаган ҳарактерларни кўрсата олади.

Актёр ўз ролини қандай ифодали ижро этаётганлиги, ҳеч қандай либос, ниқоб ва грим билан бериб бўлмайдиган инсоний хислатларни талқин эта олиши ҳайратга солади ва завқ-шавқ бағишлайди. Артист қиёфасини ўзгартира олиши - бу энг муҳим мўъжизадир.

Эстрада актёри сўзсиз ўйнаш санъатини ҳам тўла эгаллаши лозим. Бирор сўз айтмай рол ўйнаш юксак маҳоратдан далолатдир. Актёр пантомима орқали инсоннинг ҳар бир ҳаракати ва ҳолатини, кўп қиррали юриш-туришини очиқ бериши зарур бўлади. Артист ижтимоий воқелик моҳиятига дадил кириб боради, инсоний қиёфалар, хусусиятларни яратади, худди ҳаётдагидек умумлашма ва жонли шахсларнинг қиёфасини вужудга келтиради. Имкон

топиб актёр сўзсиз сахнада уч дақиқали ҳаракати билан инсонни туғилганидан бошлаб ҳаётининг охиригача бўлган давр ҳақида ҳикоя қилиб бериши керак. Санъат ҳаётни айнан такрорламайди, ўзининг воситалари ёрдамида қайта намоён қилади.

Эстрада актёри касби пантомима, нутқ жанрлари, кўшиқ, рақс, цирк маҳорати жиҳатлари кабиларнинг барчасини ўзида жамлайди.

Актёрлик санъати, трагикомедия ва сатира, публицистика ва лирика воситалари билан ифодаланган фикр, дард ва ҳаракатларнинг барчаси эстрада актёрининг қудратли қуроли ҳисобланади.

Эстрада актёри ҳикоя қилади, воқеани тасвирлайди, оммага намоёиш этади. Томошабин актёрни чин дилдан тинглашга тайёр туради. Томошабин актёрга ишонади, актёр фикрини ҳаққонийлиги ва адолатлилигига эътиқод қилади, инсонни кўкларга кўтарувчи ва танқид қилувчи, мағрур ва кулгили ҳар бир сўзига ишонади. Актёр сахнада нимаики гапирса, айнан унинг ўзига тегишли бўлади, шахс, санъаткор сифатида ўз фикрини айта олади, унинг сўзлари кўтаринки рух, лирика, сатира, инсоний кечинмалар кабиларга бой бўлади.

Умуман эстрада ҳам қадимий, ҳам замонавий жанр ҳисобланади. У ҳам ёшлар, ҳам катта ёшдагиларнинг санъатга бўлган муҳаббатини ўзида жамлайди. Эстрада санъати айниқса ёшлар қалбига мос тушади, шунинг учун унинг келажигига, янада тараққий этишига тўла ишонч бор.

Эстрадада актёрлик маҳорати мактаби. Актёрлик маҳорати мактаби театрни эстрада санъатига таъсирининг қудратли ва асосли омили бўлиб қолди.

Актёр эстрадада асосий рол ўйнайди. Драматик театрга хос бўлган ифодавий воситалар билан қуролланиб, томошабинлар эътиборини тортиб, кўпинча сахна безаги, ёруғлик, грим, реквизит, трюкларсиз ёки уларнинг барчасидан кам даражада фойдаланиб, у номер, томошада бош иштирокчи бўлиб қолади.

Эстрадада актёрлик маҳорати – бу ролнинг бутун концепциясида таяниладиган асосларнинг асосидир. Эстрада артисти, унинг ички ҳаётини

мавжуд бўлиши ҳар қандай жанрда сахнавий асосланган бўлиши керак. Акс ҳолда эстрада номери соф трюклар, қолиплаган гэглар йиғиндиси, бепарда латифалар, кўпол талқин этилган реприз кабилардан иборат бўлиб қолади. Буларнинг барчаси бемаъни, маъносиз гапларга айланади.

Актёрлик маҳорати мактаби психологик ишончлилик, ички ҳаёт ҳақиқати туфайли эстрадани қолиплар, ўхшаш усуллар, оммавий чиқишлар “қизиқчилиги”, сунъий ўйин кабилардан асрайди, жанрининг шартли шакли доирасида актёр роли ва ҳолатини ҳар томонлама ташкил этиш, унинг иқтидорини янги, кутилмаган бўёқлар билан тўлақонли очиш ва бойитишга имкон беради.

Пластик ифоданинг енгиллиги, эксцентриклиги, аниқлиги сайқалланган шакл услубдан дарак берувчи кўшиқ айтиш, рақс тушиш, сўзамоллик нафақат эстрада, балки театр учун ҳам топилма бўлиб қолди.

Эстрада меҳнат ва репетициялар билан эришиладиган шаклга ниҳоятда талабчан. Илҳом биринчи муваффақиятлар билан келади ва бу чексиз изланишлар жараёнининг бир қисми бўлиб қолади.

Ролнинг пойдевори, биринчи навбатда, унинг ички психологик мазмуни билан белгиланади, унга ташқи кескин шакллар қаршилиқ қилмайди.

Сўз, ҳаракат, пластика, вокал санъатини эгаллаш эстрада актёри маҳорати, унинг касбининг асосий шарти бўлиб қолади. Ташқи шаклсиз ҳам ёрқин ички характерлилик, ҳам образнинг қалб тўлқини томошабинга етиб бормайди, ташқи характерлилик ролнинг кўзга кўринмайдиган ички руҳий оқимини тушунтиради, талқин қилади ва шу тахлитда томошабинга етказиб беради.

Аммо, албатта ҳар бир актёрда бўлгани каби эстрада артисти санъатида ҳам ҳаракат, маромни, сахнавий мафтурконлик, шахсий иқтидорни эгаллашдан ташқари адабий ёки мусиқий асарнинг бадиий қадри, сифати ҳам етакчи роль ўйнайди. Ҳатто эстрадада муаллиф (режиссёр ҳам) ижрочи актёрда “ўлишига” қарамай, бундан унинг маъноси камайиб қолмайди. Аксинча, у янада

аҳамиятлироқ бўлиб қолади, негаки айнан унинг ёрдамида эстрада артистининг индивидуаллиги очилади.

Аммо, афсуски, нимагадир бугунги кунда концерт эстрадасида чиқиш қилаётган ҳар бир актёр, гарчи унинг репертуари ва ижроси эстрадага алоқаси бўлмаса-да, эстрада артисти деб ҳисобланиши мумкин. Кўплаб эстрада артистлари орасида ижро қилинаётган асар моҳиятини очила, чуқурлаштира, сахнавий образ ярата олмайдиганларини ҳам учратиш мумкин. Бундай ижрочи тўлалигича репертуарга асир бўлиб қолади, у ўз-ўзидан кулги, қарсақлар келтириб чиқарадиган асар қидиради. Бундай артист баъзан номер моҳияти билан ҳисоблашмай реприздан репризга шошилади, матн қисмини лақиллайди, талаффузни чалкаштиради, томошабинда кулги кўзғалиши учун кўпол, бепарда қилиқлар қилади, бу охир-оқибатда нафақат лисоний, балки маъновий чалкашликка ҳам олиб келади. Албатта, таъкидлаш жоизки, бундай ижрочи қўлига тушган яхши адабий ёки мусиқали асар ҳам маза-матрасиз бўлиб қолади.

Эстрадада сахна образини яратиш ўзига хос хусусиятларга эга, улар сахна санъати сифатидаги “ижро шартлари” ва у ёки бу жанрнинг “ижро шартлари” ни белгилайди.

Эстрада сахналарида эстрада артисти санъати, ижрочининг ҳаёти К.С.Станиславский, Е.Б.Вахтангов, М.А.Чехов сингари кўплаб таниқли театр режиссёрлари ва актёрларини кашф этган актёрлик ижоди қонунлари асосига қурилади. Афсуски, бунда эстрада ҳақида гапирилмайди, гапирилса ҳам камдан-кам, кўпроқ истехзо билан гапирилади. Гарчи Райкин, Миронова, Зелёная ва бошқаларнинг ижодида эстрада сахна персонажларининг ҳаёти яшаш кўникмаси билан уйғунлашиб кетса-да, бу Станиславский системаси ва Вахтангов ҳамда Чехов актёрлик мактабларига содиқ бўлганлигини тасдиқлайди.

Эстрадада жанрлар хилма-хиллиги. XX асрнинг охирларида бутун дунёда эстрада ҳақиқий санъат тури сифатида оммалаша бошлади. Шу

жиҳатдан эстрада санъатининг ўзига хос ва мос бир қанча жанрлари ривожланди. Қуйида мазкур жанрларга қисқача тасниф ва таъриф бериб ўтамиз.

Варьете – французча аралашма маъносини англатади. Томоша турларини – театр, мусика, эстрада ва цирк санъатини бирлаштирган “Варьете” театри 1720 йилда Парижда ташкил топди. Унинг репертуари кўнгилочар томошалардан иборат бўлгани учун уни илк эстрада театрининг кўриниши сифатида таҳлил қиламиз. Унда аввал бир актли спектакл намоёиш қилинган. Спектаклдан сўнг, алоҳида – кўшиқ, шеър, рақс, музика ижро этилган, акробат, жанглёр ва фокусчилар ўз номерини кўрсатган.

Ревю – французча хабарнома маъносини англатади. Ревю атамаси илк бор актёр ва драматург М.Романьези томонидан 1728 йили Парижда “Театрдан ревю” номли спектаклда ишлатилди. Бу спектакл илк бор – кўшиқ, рақс, бадиха шеърлар ва цирк номерларини ўз ичига олган. Шундай қилиб ревю – хабарнома номли томошалар “кўча театрлари”га асос солади. Бу “кўча” театрлари томошалари ҳар кунги янгиликларни томошага айлантиргани ва уларни ҳазил-мутуйибали кўшиқ, шеър, рақс ва цирк номерларига айлантира олгани учун уларни ресторанлар, мюзик-холлар, кабарелар ёпиқ бино ичидаги сахна – эстрадага олиб кирди.

Дивертисмент – французча “кўнгил очиш учун чалғитиб туриш” маъносини англатади. Театрларда ҳар бир кўриниш орасида парда ёпилганда, то декорациялаш ишлари тугагунча парда олдига чиқиб турли номерлар ижро этилган. Бу номерни спектаклга алоқаси бўлмаган. Чунки, сахнада декорация алмашгунча томошабинни кўшиқ, рақс, шеър ёки цирк номерлари билан чалғитиб турган.

“Кичик шаклда” ги томошалар мажмуаси “концерт” деб аталди. **Концерт** – лотинчада “курашяпман”, “айтишяпман” маъносини англатади. Драматик театр опера ёки балет театри гуруҳларининг актёрлари биргаликда - ансамбль бўлиб ўз спектаклини яратади. Улар томошабин қалбини бадиий яхлит “катта шаклдаги” томоша билан забт этади. Асар ғоясини очиш учун актёрлар иқтидорига қўшимча режиссура, сахна хизматчилари, грим ва сахна жихозлари

билан биргаликда яратилган муҳит ҳам хизмат қилади. Концертда эса бир актёр “кичик шаклда”ги томоша – кўшиқ, ракс, шеър, монолог, ёки цирк номери билан томошабин қалбини забт этади.

Эстрадани санъат тури бўлиб ажралиб чиқишида “мюзик–холл театри” ўзининг катта хиссасини қўшди. **Мюзик-холл** инглизчада – “музыкали зал” маъносини ангалатади ва бугунги “концерт зали” тушунчасига тенг. Мюзик–холл XVIII асрнинг бошларида, Англияда “Салон – театр”, яъни “Кабак театри” – овқатланиш ва томоша кўриш жойи маъносида пайдо бўлди. 1830 йилга келиб “Кабак театри” актёрлари – кўшиқ, ракс ва хазил – мутойибаларни, сахна кўринишлари, яъни номерлардан иборат томошаларини мухлислар таклиф қилган жойга “кўчиб” бориб кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Кўчма холда – мухлислар чақирган жойга бориб, бирон тадбирни ўтказиш олдиған актёрлар гуруҳини, концерт залида – овқатсиз томошабинларни бир жойга тўплаб, театрлар каби билет сотиб концерт беришни таъминлаш нияти “Мюзик–холл театри”ни – илк концерт залини яратди.

Эстрада санъатини адабий–бадий йўналиши ривожига ўз хиссасини қўшган “Кабаре” тушунчасига алоҳида тўхталиш лозим. **Кабаре** – французча, овқатланиш жойи - кобак маъносини англатади. XVIII асрнинг охирларида, Париж қаҳвахоналари “Кабаре”ларда – шоирлар шеърят кечалари ўтказишарди. Машхур шоирларнинг бундай мушоиралари қаҳвахоналарга кўплаб тингловчи – томошабинларни жалб қилган. Мусобақа бор жойда томоша қизийди. Энди бундай мусобақа фақат адабий–бадий мушоира шаклидан концерт кўринишига ўтди. Чунки, шоирлар шеърларини якунлаганда, мусиқачилар бахси бошланиб, томоша янада завқли тус олган. Бу жараёнга актёрларни келиб қўшилиши, уларни ҳозир ҳаммага маъқул бўлган шеърни дарҳол кўшиқ қилиб айтиб бериши – бадиҳагўйлик “Кабаре” га келадиган томошабинлар сонини янада кўпайтирган. Шундай қилиб, Кабаре – шоир, мусиқачи, кўшиқчи ва актёрларни жамлайдиган ва овқатлантирадиган масканга айланди. Актёрларни кунида содир бўлаётган воқеаларга хазил–мутойиба

шаклида муносабат билдириши “Кабаре”ни Париждаги энг машхур томоша масканларидан бирига айлантирди.

Эстрада санъати томоша турлари орасида **конференс** – жанр деб қабул қилинган. Концерт номерлари орасидаги боғловчи номерларнинг ҳам ўз номи бўлиши керак эди ва бу конференс яъни “маъруза” деб белгиланди. Бу номерларни ижро этувчиларни эса – **Конферансье** деб аташди. Конферансье – французча “маърузачи” маъносини англатиб, эстрадада эса сўз устаси тушунчасини беради. Унинг вазифаси концертлардаги номерларни бир-бирига мантиқан боғлаш, навбатдаги номер мазмунини ва унинг ижрочиси билан таништиришдир. Бу жараён албатта ҳазил–мutoйибага бой, комедия жанри талаблари даражасида бўлиши лозим, деб белгиланди.

Конферансье ҳар бир концерт мавзусидан келиб чиқиб, навбатдаги ўз чиқишини нимадан иборат бўлишини билиши учун, у албатта кейинги ижрочининг номери билан ва унинг ўзи билан таниш бўлиши керак. Касбнинг бу талаби конференсьега эстрада жанрларини яхши билишга ва уларнинг ижрочиларини имкониятларини хис қилишга мажбур қилган. Эл орасида машхур бўлган қўшиқ ёки рақсни, ё номерни бугунги кун билан боғлаш учун конференсье унинг ижрочиси тўғрисидаги сўнгги маълумотларга эга бўлиши талаб қилинган.

Водевиль – французча кулгули енгил қўшиқ маъносини билдиради. Вир ва Нормандия дарёлари ўртасидаги “Ван де Вир” водийсида туғилган халқнинг севимли қўшиқчи шоири О. Бослен илк бор кулгули шеърлар ёзган. Унинг шеърлари халқ орасида барча куйлай оладиган енгил қўшиқлар бўлиб тарқалган. Шундай қўшиқларга қурилган водвель иштирокчилари диалоги ва анекдот – латифалар сюжети кулгули воқеаларга бой бўлган. Учбурчак севги – икки кишини бир қизга ошиқ бўлиб қолиши ёки аксинча икки қизни бир йигитни яхши кўриб қолиши шўх қўшиқларга, кулгули воқеаларга, оҳ-воҳли “кўз ёшларига”, очик эҳтирослар изҳорига асос бўлган.

Бадий ўқиш – эстрада санъатининг ўзига хос бир тури бўлиб, адабиёт жанрлари бўлган шеър, наср ва оммабоп асарларни сахнадаги ижросини

англатади. Ифодали сўз жанр асоси ҳисобланади. Қадимдан келаётган бу жанр турли халқларда мавжуд бўлиб, улар – эртақ айтувчи, скоморох, ашуг, акин бизда эса бахши номи билан аталган. Қадимги Грецияда халқ олдида бадиҳагўйлик билан тўқилган шеър муаллифлари қадрланган. Қадимги Римда эса халқ олдида нотиклик маҳоратини кўрсата олганлар улуғланган.

Фельетон – французча қоғоз маъносини билдиради. Эстрадада фельетон – сўз санъатининг тури сифатида ўз ҳозиржавоблиги, оммавийлиги, маиший ва ижтимоий ҳаётни очик ифодалай олиши билан ўз ўрнига эга.

Фельетонни ижро қилаётган эстрада актёри гўё шу воқеанинг гувоҳи бўлгандай ўз номидан гапирди. Бу жанрнинг ўзига хослиги шундаки, ўз қаҳрамонини улуғлаб туриб, барча ютуқларни санаб ўтиб, “арзимаган” камчиликлар устида тўхталади. Шу тўхталиш муносабатларни ўзгартириб юборади. Навбатдаги улуғлаш ёки ютуқларни санаш энди томошабинда кулгу уйғотади.

Бу жанр – латифалардан, мақолалардан, афоризмлардан ўз ўрнида ғояни очиш учун унумли фойдаланилади. Монолог – ўз номидан бўлиб ўтган воқеага муносабат билдириш фельетон жанринг асосий қуроли ҳисобланади. Эстрадада жанрдан конференсьелар унумли фойдаландилар. Фельетон – монолог ижрочилари эстрадада сўз санъати борасида намунали ижрочилари билан тарихга кирдилар.

Фокус – немисча нарсани бор қилиш ёки йўқ қилиш маъносини билдиради. Цирк ёки эстрада актёри ҳисобланган фокусчи ўз номерларида ҳақиқатдан ҳам нарсаларни бор ёки йўқ қила олади. У томошабинни кўз илғамас ҳаракатлари билан чалғитади. Фокусчини – манипулятор, санжировшиқ, иллюзионист ҳам дейишади. Иллюзионист қўл ҳаракатлари ўрнига, мураккаб механизмлар, техника оптика қонунлари, нур ранг ва электр токидан фойдаланиб номер яратади. Шунинг учун унинг номерларини ижро қилишда кўплаб кишилар иштирок этади. Фокус иллюза билан энг муҳими томошабинни чалғитиш номерлари эстрада сахнасида кенг тарқалган. Энг муҳими бу номерлар қадимдан мерос бўлиб келмоқда.

Миниатюра – французча “кичик шакл” маъносини англатади. Томоша санъатида ракс, кўшиқ, шеър ҳамда цирк номерлари ўзининг кичик шакли билан қадимдан маълум ва машҳур эди. Бу шакл қисқа диалогли ҳазил пьесалар, интермедия, скетч, водвиллар кўринишида аста секин сахнада ўз ўрнини топди. Бундай кичик шаклдаги томошалар миниатюра номи билан машҳур бўлиб, эстрада санъатига кириб келди. Миниатюралар XVIII асрнинг охрларида Европадаги концертларнинг таркибий қисмларига айланди.

XIX асрга келиб кичик шаклдаги сахна кўринишлари бутун Европа томошагоҳларини эгаллади. Кичик шаклдаги пьесалар – миниатюраларни ижро қиладиган актёрлар турли туман характерлар ярата бошладилар. Бу жанр ривожланишига хажв ёзувчилар жуда катта хисса қўшишди. Натижада, миниатюра жанри XX асрга келиб Россияда ўз театрига эга бўлди. Миниатюра театрлар эстрада актёрларининг энг қобилиятлиларини ўзига жамлади. Томошабинлар энди бир кечада бир неча муаллифнинг асрлари асосида сахналаштирилган миниатюраларни томоша қилиша бошлашди. Бундай кичик шаклдаги томошаларга эстрада актёрлари бир кечада ўнлаб характерли қиёфаларни ярата олдилар. Бу жанрнинг қудрати ҳам мана шунда эди.

Гёрлс – инглизча қизлар дегани бўлиб, томоша санъатида бир гуруҳ қизлар ижро этадиган эстрада раксидир. Бир хил костюм кийган, аниқ ритмда бир хил ҳаракатлар бажарган қизлар гуруҳи рақслари жуда гўзаллиги ва ўз жозибалари билан томошабинларга тез таъсир ўтказиш қудрати билан эътибор қозонган.

Зериккан ва чарчоқ чиқариш учун кабакларга келганлар учун “Гёрлс” – қизлар ракси жуда маъқул бўлган. Шундай қилиб гуруҳли қизлар ракси - “Гёрлс” ҳам эстрада томошаларининг бир тури бўлиб қолди.

Томошаларни ташкил қилувчилар бу гўзалликнинг таъсир кучини эътиборга олиб гуруҳли рақслардан қизлар ижросидаги мусикали спектакллар яратди. Энди қизлар гуруҳидан ташкил топган мусикали – рақсли томошалар “Гейти гёрлс”, “Тиллер герлс”, “Зигфрид герлс” театрлари деб номлана бошлади.

Гурухли рақсга тушадиган қизлар томошалари XX асрда Европа мюзик-холларидан Америка Қўшма Штатларидаги кабакларга ҳам етиб борди. Улар энди кийим – кечаклар турларини намоиш қиладиган раққосларга айланди.

Пантомима – грекча ҳамма нарсани тақлидий ифодаловчи маъносини англатади. Бу атама қадимги Рим томоша санъатида икки маънода ишлатилган. Биринчиси – ўз кечинма ва туйғуларини пластика, мимика ва жестлар орқали ифодаладиган рақс. Иккинчиси – пантомима ижро этувчи актёр. Қадимий Греklar яратган ва Римликлар ривожлантирган бу санъат тури Ўрта асрларга келиб мустақил томошага айланди. XVIII асрга келиб махсус мусиқа ижросида пантомима кўрсатган актёр концертларига таклиф қилина бошланди. XIX асрга келиб Францияда пантомимачилар санъати ривожланиб буюк актёрлар пайдо бўлди. XX асрга келиб Россия циркларида пантомима актёрлари ўз номерларини кўрсата бошладилар. Пантомима – мусиқа орқали ривожланган сюжетни ҳаракат, пластика, мимика, жест билан ифодаладиган ўзининг ижро услуби билан эстрада санъатида ўз мухлисларига эга.

Пародия – грекча “пара” – тескари, “ода” – қўшиқ, яъни қўшиқни акси маъносини англатади. Адабий жанр ҳисобланган пародия бирон шеърни ҳазил–мутойибага олиб, заиф томонларини таҳлил қилишдан бошланган. Кейинчалик пародия ўзи барча ижтимоий ҳаётдаги камчиликларни сахнадан туриб таҳлил қиладиган жанрга айланди. Пародия асосини шаклни мазмунга қарама-қарши қўйиш ва мантиқан таққослаш ташкил қилади. Таҳлил қилинаётган объект мазмунини олиб бориб унга алоқаси йўқ шаклга таққосланганда томошабинда кулги пайдо бўлади. Бундан унумли фойдаланган пародия ижодкорлари – актёрлар турли мавзуга эркин ёндошиб номерлар ярата олдилар. Шу нуқтаи назардан қўшиқ, рақс, шеър, мусиқа, цирк номерларига, ҳатто, буюк шахслар феъл-атворига пародия яратиш мумкин.

Интермедия – латинча “оралиғидаги қўшимча томоша” маъносини англатади. Ҳазил–мутойибали қўшимча томоша – номер шаклидаги қўшиқ, мусиқа, шеър ёки рақс мавзу ғоясини янада ёрқинроқ ифодалаш учун ёрдам бергани учун интермедия деб аталган. Бу тушунча мистерия, яъни диний

мавзулардаги спектаклларнинг картиналари орасида, декорация алмашгунча парда олдида ижро этилган томошани – интермедия деб аталишидан келиб чиққан. Интермедия ижрочилари бадихагўйлик билан мавзуга мос хазил мутойибалар билан томошабинларни кулдира олган.

Италияда катта шаклдаги томошалар – трагедия ва комедиялар актлари оралиғида кичик шаклдаги – интермедиялар ижро қилиниши XVI асрдан одат тусига кирди. Францияда эса комедия дель арт халқ театри Интермедиялар ижроси билан машҳур бўлди. Мольер ўз театрида актлар оралиғидаги интермедиялардан унумли фойдаланган. Англияда интермедиялар инсонпарварлик ғояларини тарғиб қиладиган сатираларни намоёйиш этадиган номерларга айланиб кетди. Шекспир асарлари ижро қилинаётган пайтда, актлар оралиғида шут – масхарабозлар гуруҳи интермедиялар ижро қилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Балки шунинг учун у ўз асарларидаги энг оғир саҳналарида масхарабоз сатирик монологлар билан ҳақиқатни очиб ташлашда ўринли фойдалангандир.

Арлекин – илк Италия комедияларидаги бўшашган, лапашанг шахс бўлиб, кейинги томошаларда кувноқ, зукко хизматкорга айланади. Комедияларда илк бор қатнашган Арлекин ямоқ ва искирт кийимда кўрсатилган. Чунки, ўз хўжайинини қурмсоқ ва камбағал эканини ифодалаши учун ямоқларни рангли матолардан парча–парча қилиб тикиб олган. Бундай Арлекин ўзининг бўшанглиги ва лапашанглиги билан комедия жанри сюжетини чалкаштиришга, воқеаларни кескинлаштиришган хизмат қилган.

Арлеклин XVII асрнинг ўрталарида келиб чаққон, зукко хизматкорга айланди. У комедиялардаги асосий хизматкор бўлиб, воқеалар ривожининг унинг иштирокида бошқарилиб борилган. Унинг либоси қизил, сариқ ва яшил ямоқларнинг тартибли тузилишидан иборат махсус Арлекин кийимига айланган. Франциядаги томошаларда қатнашган Арлекин юксак туйғулар билан бирга қайғули саҳналарда кўз ёши ҳам тўка олган. Унинг кўз ёши иккала кўзидан отилиб чиқишини томошабинлар кўриб турган. Баъзи саҳналарда

Арлекин кўз ёшларини кўлига тўплаб туриши томошобинларга ўзига хос таъсир ўтказган.

Арлекин томошабинларнинг севимли қахрамонига айлангандан сўнг уни ижро қиладиган актёрлар концертларга таклиф қилинди. Конферансьелар сахнада пайдо бўладиган рангдор либосли Арлекинни катта ҳурмат билан томошабинларга таништирдилар.

Маска – лотинча бош қисмига кийилган ниқоб маъносини берган. Театр санъатида актёрнинг юз қисмини ўзгартирадиган ниқоб тушунчасидир. Қадимий байрам томошаларида Греklar юзларига ниқоб қоплаб, устларига байрамга мос кийим кийиб олганлиги натижасида Европада “маскарад”, яъни либослар ва ниқобларни намоиш қиладиган махсус сайилларни келиб чиқарди.

Англияда XVII асрда тўйлар ва тантаналарда сарой аҳли учун “маска” – “ниқоблар” томошаси кўрсатилган. Унда махсус кийим кийган ва ниқоблар тақган актёрлар тўй эгаларини улуғлаб қўшиқлар айтган, бағишлов шеърлар ижро қилинган, шўх рақсларга тушиб байрам кайфиятини яратган. Сарой аҳлига маъқул бўлган томоша тури “Маски – Ниқоблар” театри мақомини олди.

“Маска” ижрочилари кўриклари ривожланиб сарой аҳли учун махсус бир актли спектаклга айланди. Спектаклдан сўнг актёрлар қўшиқ айтиб, рақс, шеър ва цирк номерлари билан томошалар кўрсатган. “Маски” театрининг спектакли жуда бой либослари ва декорациялари билан ажралиб турган. Бой либослардаги актёрлар ижросидаги қўшиқ, рақс ва шеърлар эстрада номерлари савиясини кўтарди.

Клоун – инглизча кўпол эркак маъносини англатиб, у икки маънода қўлланилади. Биринчиси, инглиз драматурглари асарларида XVII асрдан бошлаб қишлоқи кўпол ҳазил қиладиган эркак – “клоун” образи пайдо бўлган. Унинг юриш-туриши, ўзини тутиши, кўпол ҳазиллари шаҳарликларда кулги уйғотган. Муаллифлар клоунлар диалогига иложи бориचा кўпол–тўпори ҳазилларни беришарди. У ҳатто хўжайинлари устидан ҳам кула оларди. XVII асрга келиб клоун баъзи асарлардагина қолди. XVIII асрга келиб ҳазил-

мутойиба номерлардагина клоун кўрсатилади. Чунки у пантомима номерлари қаҳрамонига айланган эди.

Иккинчиси, цирк артисти маъносида ишлатилади. У аренада ҳазил-мутойибали, бўрттирилган номерлар кўрсатади. Клоун цирк номерларини бири-бирига улаб бериб, яхлит томоша пайдо бўлишига хизмат қилган. Бу борада эстрада ўз концертларидаги конференсьени цирк клоунларидан намуна қилиб олган дейиш мумкин. Арена ишчилари кейинги номерга жиҳозларни тайёрлаётганида клоун томошабинларга ўз номерини кўрсатади. Клоунлар маҳорати улар тайёрлаган номерларда кўринади. Масалан: буффонада – яъни бўрттириб кўрсатиладиган номер; мим ёки пантомима – сўзсиз номерлар; сўзга қурилган масхарабозлик; мусикали номерлар; акробатик номерлар; ҳатто ҳайвон ўргатувчилар билан барча клоун қатнашиши мумкин бўлган. Цирк номерлари намоёниши давомида клоун ўзининг нақадар серқирра актёр эканлигини намоёниш қила олган. Бу борада ҳам эстрададаги конференсьелар клоунларга ҳавас қилса ажаб эмас.

Римликлар II – III асрларда цирк учун махсус қурган бинолар вайрон бўлди, унутилди. 1780 йилга келиб Лондонда илк бор цирк учун махсус бино қурилди. Бу томошада ўргатилган отлар номери билан бирга клоун қатнашди. Отлар билан кўрсатилаган номерлардаги чаққонликка тескарисини бўлган тўпорилик клоун қилиқлари орқали циркларга **клоунада** масхарабозлик жанрини олиб кирди. Уларнинг вазифаси кейинги цирк номерларига аренани сошлаб бўлгунча томошабинларни кулдириб туриш эди. Бу чиқишлар томошабинларга шу қадар маъқул бўлдики, улар энди циркни клоунсиз – уларнинг клоунада номерларисиз тасаввур қилолмай қолди.

Циркларда клоунада бўйича шундай қобилият эгалари пайдо бўлдики, улар ўзларининг серқирра номерлари билан томошабинларни ҳам кулдириб, ҳам ҳайратга сола бошладилар. Клоунада ижрочилари – актёрлар уч йўналишда ижод қилдилар. Улар – август, белий клоун ва рижый клоун деб аталди. Бу номлар ва уларнинг номерлари цирк аренасидан эстрада сахнасига ҳам кириб келди ҳамда томошабинларнинг севимли қаҳрамонлари бўлиб қолди.

Эксцентрика – лотинча марказдан ташқарида маъносини билдиради. Бу атама эгаси циркда бирон номерни моҳирона кўрсатган ижрочи ёнига келиб худди шу номернинг аксини кўрсатиб беради. У номерда мавжуд бўлган, аммо ижрочини ҳамда томошабинларнинг ҳаёлига келмаган энг кулгули нуқтани топиб, моҳирона ижро қилиб беради. Масалан, жонглёрлик номерини ижро қилган уста ёнига келиб, уни олқишлаб, у фойдаланган жиҳозлардан ишлатишга рухсат сўраб, ўз номерини бошлайди. Биринчи жонглёрлик номерлари билан олқишлар олади. Бу йўналишни эплашини намоён қилиб бўлгач, ўз хунарини кўрсатади. Жонглёрлик ритмини бузиб, ҳамма тайёкчаларни тенг ерга келиб тушинишни тامينлайди. Олқишлардан ва кулгулардан кейин бу тасодиф эмаслигини асослаш учун трюк даражасидаги номерни яна қайтаради. Демак, эксцентрика номери ижрочиси кулгули сахналарни излаб топиши билан ажралиб турар экан. Цирк клоунлари топган номерларнинг аксарияти “эксцентрика” деб номланади. Бундай ижодкорлар цирк номерларини бойишига, улардаги энг нозик, кулгули жиҳатларини ихтиро қилишга кўмаклашади. Шунинг учун улар серкирра ижодкорлар ҳисобланади.

Гипноз – таъсир ўтказиш, сеҳрли қудрат борлигига ишонтириш бўлиб, у эстрада санъатида бир актёр театри шаклидаги томоша туридир. Гипноз кўрсатаётган актёр бир неча кишини сахнага чақириб уларни гипноз қилиб ухлатиб қўяди. Сўнгра, уларни беҳушлигидан фойдаланиб, “ухлаганларни” турли вазифаларни бажаришга мажбур қилади. Масалан, қўшиқ айттиради, рақсга туширади ёки маст бўлиб қолдингиз деб, кулгули аҳволга солади. Бу атрофдагилар учун қизиқарли томошага айланади.

Шундай гипнозчилар борки, улар бутун томоша залида ўтирганларни ишонтириш усули билан бошқариш қудратига эга. Эстрадада бир неча кишини сахнага олиб чиқиб гипноз орқали бошқариш кенг тарқалган. Бундай томошани ва уни ташкил қиладиганларнинг ҳам ўз муҳлиси бор.

Бенефис – французчада спектаклдан келган фойдани бир кишига тақсимлаш маъносини билдирган. Тўлиқ бенефис – бирон ижодкорга бағишлаб

ўйналган спектаклдан тушган фойданинг фақат харажатлар миқдорини чиқариб ташланиб, қолгани “Бенефис” эгасига берилган.

Тўлиқ бўлмаган бенефис 1735 йили Францияда бўлиб ўтган. Бундай шакл барча ижодкорларга маъқул бўлиб, дарҳол барча томошагоҳларга тарқалган. Томошабинлар учун ўз сеvimли ижрочиларини тақдирлаш имконияти яратилган. Гўзал актрисалар бенефиси уларга жуда катта фойда келтирган. Улар ҳақидаги шов-шувлар ижодкорни янада машҳур қилган.

1800 йилардан бошлаб Россияда кенг тарқалган томошанинг бенефис шакли ҳатто драматурглар ва композиторлар ижодига ҳам бағишлаб ўтказилган.

Цирк – лотинчада айлана маъносини англатиб, кучлилар томоша кўрсатадиган бинони англатган. Римдаги цирк бинолари эллипис шаклида бўлиб, у асосан икки ғилдиракли араваларга қўшилган отлар мусобақаси учун мўлжалланган. Бундай стадион шаклидаги цирклар 230000 гача томошабинга хизмат қила олган.

Аравалар мусобақага тайёрлангунча ёки улар кейинги босқичга тайёрлангунча Греклар циркида намоён қилишган акробатлар, жонглёрлар, эквалибристлар, масхарабозлар номерлари кўрсатилаган. Кейинчалик аренани гладиаторлар эгаллади.

Испанияда бундай айлана шаклидаги цирк аренасида буқалар жангини томоша қилишган. Замонавий цирк биноларининг ареналари айланаси 13 метрни ташкил қилади ва ўзининг махсус гумбазига эга бўлади. Чунки, бу гумбазлар остида циркни ҳавода бажариладиган номерлари ижро қилинади.

XVI асрдан Европада қайта тикланган цирк санъати аренада ўргатилган отлар билан боғлиқ номерларни халққа манзур қила олди. Шундай қилиб циркда актёрлар қатори – ўргатилган жонворлар ҳам катта аҳамият касб этди. XVIII асрга келиб ўз аренасида ва гумбазлари остида ҳайротомуз номерлар кўрсатиш қудратига эга бўлди.

Эквилибристика – лотинчада муаллақликни сақлаш маъносини англатади. Бу циркнинг асосий жанрларидан ҳисобланади. Чунки,

қимирлайдиган барча нарсалар устида инсонни оёғи, боши ёки қўли билан муаллақ тура билиши эквилибристика жанрига асос бўлди. Бу йўналиш – дор устидаги муаллақ туришдан тортиб, дор остидаги барча жиҳозлар устида, хатто ўзининг бир қўли ёки бармоғи устида муаллақ туришини ҳам ўз ичига оладиган кенг қамровли кичик шаклдаги томоша.

Эквилибрист номерлари циркнинг аренасида ёки гумбази остида ранг–баранг шаклда ижро қилиниши мумкин. Қадимдан акробатика ва гимнастика деб ажратилган турли номерларни цирк санъати XIX асрда эквилибристика номи билан бирлаштирди. Натижада, бу йўналишда ижод қиладиганлар от устида, велосипед устида, таёкда, дорда, нарвонда, стул четида, бир оёғида, бошида, қўлида, бармоғида муаллақ туриши мумкинлигини усталик билан кўрсата бошладилар. Эстрада сахнасига цирк аренасидан кириб келган муаллақ туриш номерлари концерт дастурларини бойитди. Инсон қудратининг баланс сақлаш каби янги қирралари мухлисларни, кўнгил очиш учун келганларни, зерикканларни ҳайратга сола бошлади. Бундай қобилият эгалари эстрада сахнасида ҳам ўзининг муносиб жойини топди ва бу жанр мухлислари олқишларига сазовор бўлди.

Бир актёр театри. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб сўз усталари сатирик монологлар ижроси билан элга танила бошладилар. А.Райкин, Е.Петросянлар қаторига ёш ижодкор Е. Хазанов кириб келди. Москва эстрада театрида унинг фақат сатирик монологлардан иборат бўлган “Клунария техникум студенти” номли якка концерти – “Бир актёр театри” пайдо бўлди. Хазанов сатирик монологлар ёзадиганлар билан ҳамкорликда бу тасодиף эмаслигини исботлади. Эстрада театрида кетма-кет сатирик монологлардан иборат мавзули спектакллар мухлисларга тақдим этилди. А.Н.Яхонтов томонидан ташкил қилинган шеърят ва шеърый композициялардан иборат “Бир актёр театри” тушунчаси сатирик монологлардан иборат концерт атамаси билан кенгайди. Бу йўналиш эстрада сахнасида якка тарзда сатирик монологлар ижро этадиган кўплаб ёшларни эстрада санъатига ошно қилди. XX аср

охирларига келиб бу йўналиш кулгусевар мухлисларнинг энг севимли томошасига айланди.

Мухсин Ҳамидовни Ўзбекистондаги илк “Бир актёр театри” вакили деб ҳисоблашган. Актёрнинг вокзалда, ҳар куни ўқиган шеърий композицияси Ватан озодлиги учун фақат ғалаба лозимлигини, фашизм ўлимга маҳкумлигини таъкидлаб турган. Урушдан кейин Ўзбекистон халқ артисти М.Ҳамидов клубларда, корхоналарда аскарларни, ғалабани улуғлайдиган шеърий композициялар ижроси билан “Бир актёр театри”нинг ғоявий қудратини намоён қилди. Унинг бу хизматлари инобатга олиниб унвонлар берилган.

Аънанавий театр тарихига назар ташласак, ўзбекларда “Бир актёр театри” бахшилар қўлига дўмбира олиб халқ қахрамонларини улуғлай бошлаган кундан бери мавжуд эканлигига амин бўламиз. Чунки, бахши – ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи қўшиқ ижрочиси бўлиб, якка ўзи кечки йиғинни, яъни томошабинларни то тонг отгунча “ушлаб” турган. Бу миллий, аънанавий “Бир актёр театри”миз қадимий эканлигини асослайди. Биринчидан, якка тартибда олти соат концерт ижро қиладиган артист жаҳон сахнасида бўлмаса керак. Иккинчидан, ғарбда якка тартибда шеър тўқиган, унга куй басталаган ва уни қўшиқ қилиб айтган “Бард” ҳар уч – беш дақиқадан кейин мавзуни ўзгартирган, янги қўшиқ айтган. Бахши эса бир мавзуни, воқеалар ривожини ҳамда воқеа иштирокчилар образларининг барчасини якка ўзи яратганлиги билан бетакрор даражадаги “Бир актёр театри” ҳисобланади.

Бир қўшиқчи театри. Москва ГИТИСининг “Эстрада санъати” бўлимини XX асрнинг 80-йилларида тугатган А.Б.Пугачёва “Бир қўшиқчи театри” тушунчасини рус эстрадасига олиб кирди. Ўз қўшиқлари билан эл ҳурматиغا сазовор бўлган бу актриса репертуаридаги эстрада қўшиқларини мазмунан жамлаб, уларнинг маъноси ва ғоясини декорацияларда, жиҳозларда, либосларда, ранглар ҳамда нур ёрдамида ифодалаб “бадий яхлит томоша” яратди. Хонанда эстрада режиссурасининг барча унсурларига амал қилиб ғоявий, бадий, образли композицияни юқори савиядаги намунаси бўлгани учун “Бир қўшиқчи театри” муаллифи номини олди.

Саволлар ва топшириқлар

1. Эстрада сўзига таъриф беринг.
2. Эстрада санъатининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
3. Эстрадада актёрлик маҳорати мактаби деганда нимани тушунасиш?
4. Жанр нима?
5. Эстрада санъати қандай жанрлардан ташкил топади?
6. Клоунада жанрига таъриф беринг?
7. Бир актёр театри деганда нимани тушунасиш?
8. Жаҳон эстрада вакиллари ҳақида маълумот беринг?

Резюме

Таъкидлаш лозимки, барча санъат турларида санъаткорлар ўз ижод маҳсулини жонсиз нарсалардан яратса ва у ҳамиша ҳар доим ўзгармасдан бир ҳолатда турса, актёр ижоди жонли вужуддан пайдо бўлгани учун ўзгарувчанлиги, унинг руҳий ҳолатига, табиатига, атрофни ўраб турган муҳитга боғлиқлиги билан фарқ қилади. У тез таъсирланади, ўзгаради, яратган қиёфасини такрор ва такрор бетакрор қилишга мажбур бўлади. Жонли театрнинг гўзаллиги ҳам, фазилати ҳам, бошқа санъат турларидан тафовути ҳам шунда.

Актёр бўлиш учун мавжуд ҳамма фанларни ва соҳаларни яхши билиш керак. Айниқса, замонавий актёрлар бугунги кун билан ҳамнафасликда ҳам замонавий, ҳам дунёвий билимлар билан мукамал қуролланган бўлиши лозим. Чунки, ҳеч бир сахнанинг таъсирчанлиги-ю, ҳатто чироғи ҳам, декорацияси ҳам, либоси ҳам, грими ҳам театр томошасининг энг асосий воситаси бўлмиш актёрнинг ижроси ўрнини боса олмайди.

Бўлажак актёрларни тайёрлашда миллий мактаб анъаналарини сақлаб қолиш ва уни ёшларга ўргатиш борасида малакали ва тажрибали педагоглардан том маънода фидойилик талаб этилади.

Юртимиз эстрада санъати республикамиз ва хорижда анчагина оммалашиб қолди. Дастлаб эстрадада ижро этилган кўпгина кўшиқлар халқ

орасида кенг тарқалди. Эстрадамизда мавжуд монолог, реприз кабилар кундалик нутқимиздан ҳам ўрин олиб бораёпти. Ҳозирги эстрада учун кўпжанрлилик хос хусусият бўлиб қолди, бу ўз навбатида томошабин эътиборини тортмоқда. Эстрада жамоатчилик ҳаётига жадаллик билан кириб бораёпти ва томошабин учун кадрли бўлган санъат турига айланиб қолаяпти.

Эстрадани енгил идрок этилиши, оммабоплик, томошабоплик хусусиятлари унинг мазмундорлигига таъсир қилмайди. Бошқа санъатлар сингари эстрада ҳам ўз воситалари билан давр инъикосини акс эттиради ва маданият ривожига ўз хиссасини қўшади.

Гершуннинг фикрига кўра, “Эстрада шахсиятга тааллуқли, у актёрдан шахсиятлиликини талаб қилади. Кимки ўз шахсий хусусиятларини ривожлантира олсагина, ўз номер ва дастурига, ижод лаёқатига эга бўлсагина томошабинни ўзига жалб қила олади ва сахнада узок йиллар муваффақият қозонади”.

Ўзбек сахнасида театр ва эстрада синтезининг ажойиб намуналарини театрлашган ижро Юсуф қизик Шакаржонов, Зухур Қобуловларнинг сатирик куплетлари, Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахоним дуэтларида кўринади. Уста Олим сахналаштирган рақсларнинг ритмик ва пластик тасвирлари персонаж характери, кайфитятини ифодалади. Афсонавий Соиб Хўжаев сахнага чиқиши билан ҳеч ким такрорлай олмайдиган образ вужудга келарди. Эргаш Каримовнинг ўткир муболағавий ифодаси ҳайратга соларди ва ҳ.к.

Қайси жанрга мансуб бўлмасин (сўзлашув, мусиқий, оригинал) эстрада артисти яратаётган бадий образ таниш бўлганлиги сабабли ижрочи учун осондек туюлади. Лекин айнан шу бир қарашда осонлиги ва соддалигида эстрада артисти учун қийинчилик туғдиради.

Эстрадада персонаж тақдирининг даврий давомийлиги, тўқнашувларни аста-секин ўсиши ва уни текис яқунланиши йўқ. Сюжетнинг ҳам батафсил ривожини кўринмайди. Эстрада актёри қисқа вақт ичида ўз персонажининг мураккаб, психологик хилма-хил ҳаётини яшаб ўтиши зарур. Айни пайтда томошабин номер воқеаси қаерда, қачон ва нима рўй бераётгалигини дарҳол

тушуниб олиши лозим. Эстрада санъати шундай нозик санъатки, унда санъатлар ва турли жанрлар синтезлашади ва бадий омухта санъат асари яратилади.

Таянч сўзлар:

Варьете, ревю, дивертисмент, концерт, мюзик-холл, кабаре, конференсье, водевиль, бадий ўқиш, фельетон, фокус, миниатюра, гёрлс, пантомима, пародия, интермедия, арлекин, маска, клоун, клоунада, эксцентрика, гипноз, бенефис, бир қўшиқчи театри, бир актёр театри.

Ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминлашда меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг таснифи

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Олий таълим Давлат таълим стандарти;
- ✓ Битирувчи тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари;
- ✓ Классификатор;
- ✓ Ўқув-услубий мажмуа;
- ✓ Фан дастури;
- ✓ Дарслик;
- ✓ Ўқув қўлланма;
- ✓ Услубий қўлланма;
- ✓ Услубий кўрсатма;
- ✓ Электрон таълим ресурслари.

Мазкур мавзуда ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатлар олий таълим Давлат таълим стандарти, битирувчи тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари, классификатор, ўқув-услубий мажмуа, фан дастури, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма, электрон таълим ресурслари ҳақида маълумот берилган ҳамда уларнинг таснифи изоҳланган.

Ҳар бир жамият, ижтимоий гуруҳ ёки қатлам борки унинг ижтимоий келиб чиқиши, бой маънавий ва моддий тарихи, ривожланиш босқичлари, мақсад ва вазифалари, унинг асосий функциясини аниқлаб берувчи меъёрий ҳужжатларга асосланади. Санъат институтлари таълим соҳасининг барқарорлигини таъминловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Олий таълим Давлат таълим стандарти:

- кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

- таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

- ўқув юкламасининг ҳажмини;

- таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

Олий таълим Давлат таълим стандарти ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар (бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

Олий таълим Давлат таълим стандарти олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Олий таълим Давлат таълим стандартига Кадрлар тайёрлаш миллий дастури босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Давлат таълим стандартининг таркибий қисми сифатида умумий ўрта-маҳсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари учун таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади. Таянч ўқув режа таълим соҳаларини меъёрлаш ҳамда таълим муассасаларини молиявий таъминлашга асос бўлувчи ҳужжат саналади. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини таълим олувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмидаги миқдорини белгилайди.

Давлат таълим стандартининг жорий этилиши куйидаги мақсадларни қамраб олади:

- таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

- мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истикболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

- таълимнинг демократлашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

- сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

- таълим жараёнини ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш;

- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш.

Давлат таълим стандартининг вазифалари:

- таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари турларига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;

- таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билими ва касб малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартибига, шунингдек таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий негизни яратиш;

- халқнинг бой ақл-заковат мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

- таълимнинг барча турларида улар мазмунини ҳамда олиб бориладиган таълим ва тарбияни келишиб олиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;

- ўқув-тарбия ва таълим жараёнига, педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлашга, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис тизимини, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий қилиш;

- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

- миллий стандартлар талабини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Олий таълим Давлат стандартида қуйидаги атамаларга изоҳ берилган:

олий таълим - узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи мустақил тури. Олий таълим муассасаларида амалга оширилади.

бакалаврият - ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълим;

магистратура - бакалаврият негизида ўқиш муддати камида икки йил бўлган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим;

бакалавр, магистр - олий таълимнинг тегишли босқичига мувофиқ дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган шахсларга бериладиган академик даражалар;

олий маълумот даражаси - шахс томонидан олий таълимнинг муайян таълим дастурини мазкур маълумот ҳақида тегишли давлат ҳужжати берилган ҳолда, ўзлаштириши натижаси;

олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом) - аккредитациядан ўтган олий таълим муассасалари битирувчиларига бериладиган ва уларнинг

олий таълимнинг таълим дастурларини бажарганликларини тасдиқловчи давлат намунасидаги ҳужжат. Ҳужжат узлуксиз таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки олинган академик даражага мувофиқ ишлаш ҳуқуқини беради;

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори - олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати;

олий таълимнинг давлат таълим стандарти - таълимнинг бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгиладиган эталон даражаси;

малака талаблари - узлуксиз таълим тегишли босқичи битирувчисининг умумий билим ва касб тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар;

ўқитишнинг меъёрий муддати - таълим олувчилар томонидан таълим дастури ўзлаштирилиши учун белгиланган муддат;

таълим дастури — ўқув фанларининг бакалавриат йўналишлари ёки магистратура мутахассисликларига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи, блокларга жамланган рўйхати;

ўқув фанлари блоки - таълим дастурининг кадрлар тайёрлаш жараёнида аниқ мақсад ва вазифаларга эришиш учун муайян билим соҳаси ёки фаолиятнинг ўзлаштирилишини таъминладиган ўқув фанларини бирлаштирувчи таркибий қисми;

ўқув режаси - олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби, уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгиладиган норматив ҳужжат;

ўқув фани - таълим муассасасида ўрганиш учун фан, техника, санъат, ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян соҳасидан саралаб олинган билимлар, ўқув ва кўникмалар тизими;

ўқув йили - олий таълим муассасасида бир таълим курсини якунлашга мўлжалланган ўқув фаолияти даври. Ўқув йили икки календарь йил билан белгиланади, масалан, 2014/2015 ўқув йили;

ўқув семестри - олий таълим муассасасида ўқув йилининг ярмини ташкил этувчи ўзаро боғланган фанларнинг маълум мажмуини ўзлаштиришга мўлжалланган ва улар бўйича якуний назорат билан тугалланадиган қисми;

ўқув фани дастури - таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуллари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжат;

малака амалиёти - ўқув жараёнининг назарий билимларни мустаҳкамлаш, амалий кўникма ва ўқув ҳосил қилиш, таълим дастурининг маълум (якуний) қисмидаги мавзу бўйича материаллар тўплаш учун ўтказиладиган бир қисми;

яқунловчи давлат аттестацияси - бакалавр ёки магистр даражасига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ ҳолда, маълум талаб ва тартиботлар воситасида (фанлар бўйича давлат аттестацияси, битирув иши ёки магистрлик диссертацияси ҳимояси) битирувчи томонидан олий таълим дастурининг бажарилиши сифатини баҳолаш;

ўқитиш сифатини назорат қилиш - талабанинг билим савиясини текшириш ва унинг ўқув дастурини ўзлаштириш даражасини аниқлаш;

таълим сифатини назорат қилиш - ўқитиш мазмуни ва натижаларининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

олий таълим муассасаси аттестацияси - олий таълим муассасасида кадрлар тайёрлаш мазмуни, даражаси ва сифатининг олий таълим Давлат стандарти талабларига мувофиқлигини аниқловчи тадбир;

олий таълим муассасаси аккредитацияси - олий таълим муассасаси фаолияти даражасининг олий таълим Давлат стандарти мезон ва талабларига жавоб беришининг давлат томонидан эътироф этилиши.

Битирувчи тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари: Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

Бакалавриат

Олий таълимнинг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабанинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтисослик;
- қўшимча.

Касб фаолияти қўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Таълим дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Таълим дастурлари бакалавриат йўналишлари давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олинган билимларни тўлдириши ва ривожлантириши; миллий истиқлол ғояси ва

демократия, миллий ва умуминсоний қадриятлар негизда илмий ва гуманитар дунёқарашни, юксак маънавий ва демократик маданиятни, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижодий тафаккурни, эътиқод ва ижтимоий-сиёсий фаолликни шакллантириши;

- таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, Ўзбекистон халқлари маданиятини асраш ва бойитишни, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаши;

- инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириши;

- таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини таъминлаши лозим.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усуллариининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси; табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- муайян билим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

- махсус фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

- модели тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

Махсус фанлар блоки:

- бакалавриат йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки:

- талабаларнинг бакалавриат таълим фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

Магистратура

Магистратура таълим дастурлари бакалавриат таълим дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Таълим дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг таълим дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Таълим дастурлари магистратура мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Таълим дастури блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик фанлар блоки:

- миллий истиқлол ғояси ва гуманитар, техник ва табиий фанларнинг фалсафий масалалари бўйича билимлар берилиши;

- инсониятнинг глобал муаммолари, маънавий ҳаёт, шахс ва жамият эҳтиёжлари, таълимнинг инсонпарварлик руҳи, замонавий цивилизация ва унинг тараққиёт йўналишлари, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;

- илмий ва илмий-техник ахборот билан ишлаш кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши, тадқиқ этиладиган мавзулар бўйича мунтазам равишда мустақил таҳлил ва хулосани тайёрлаши;

- илмий ижод методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва инкор қилиш усуллари, шунингдек нутқ маданияти асослари билимларига, педагогик технологиялар, мутахассисликлар бўйича менежмент ва иқтисодиётга доир билимларни таъминлаши;

- амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши;

Мутахассислик фанлари блоки:

- муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;

- мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий уқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишлари:

- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

- талабаларга фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерфаол усулларида фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

- ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари

Бакалавр:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

Магистрнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари

Магистр:

- танланган мутахассислик бўйича илмий-тадқиқотларни бажаришга, шунингдек фан, техника ва технология, иқтисодиёт, маданият ва санъатнинг замонавий ютуқларини амалиётга жорий этишга йўналтирилган касб тайёргарлигига эга бўлиши;

- мутахассисликка оид илмий муаммолар билан боғлиқ вазифаларни ифодалаш ва ҳал этиши, қарорлар қабул қилиши, зарур билимлар базасини яратиш ва ундан ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- илмий тадқиқотлар ва меҳнатни ташкил қилиш методологиясини билиши, тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, илмий тадқиқот натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифода қилиши ва тақдим қилиши;

- хорижий тиллардан бирида илмий-тадқиқот ишлари моҳиятини тушуниш;

- касб вазифаларини автоматлаштириш ва компьютерда моделлаштириш методларини, энг мақбул ечимлар топишнинг оқилона усулларини эгаллаган бўлиши;

- бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш ва илмий жамоаларни бошқаришни илмий асосда ташкил қила олиши;

- замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерфаол таълим усулларини эгаллаган бўлиши лозим.

Магистр:

- танланган мутахассислик бўйича мураккаб илмий-тадқиқот, илмий-педагогик ва касбга доир бошқарув фаолияти;

- магистр тайёргарлигига мувофиқ мутахассислик бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида олий таълимдан кейин таҳсил олиш;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

Ўқув юкламасининг ҳажми:

Бакалавриат:

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 65-70 фоиз;
- аттестация - 9-10 фоиз;
- таътил - 13-16 фоиз;
- малака амалиёти - 6-8 фоиз;
- битирув иши - 2-3 фоиз.

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар - 23-25 фоиз;
- математик ва табиий-илмий фанлар - 8-25 фоиз;
- умумкасбий фанлар - 33-50 фоиз;
- ихтисослик фанлари - 9-10 фоиз;
- қўшимча фанлар - 5-7 фоиз.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 7-10 ҳафта қилиб белгиланади.

Магистратура:

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб

белгиланиши керак. Кундузи ўқиш шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

- назарий таълим – 25-30%;
- аттестация – 4-7%;
- таътиллار – 13-16%;
- илмий фаолият - 50%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

- илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 70-75%;
- илмий-педагогик иш ва малака амалиёти – 25-30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:


- умумметодологик фанлар - 30-35%;
- мутахассислик фанлари – 40-50%;
- танлов фанлари -13-15% .

Классификатор – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Унда саккизта билим соҳаси назарда тутилган:

1. Таълим;
2. Гуманитар фанлар ва санъат;
3. Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ;
4. Фанлар;
5. Муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш соҳалари;
6. Қишлоқ хўжалиги;
7. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;

8. Хизматлар.

Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассисликлари еттита рақамли код билан белгиланади.



Таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим босқичлари бакалаврият йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида - 5А (рақам ва ҳарф) билан белгиланган. Масалан: бакалаврлар коди 5150300, 5150400, магистрлар коди 5А150301, 5А150401 ва ҳоказо.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори Ўзбекистон Республикасида техникавий-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича ягона тузилма таркибига киради ва Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январь 5-сон қарори асосида тайёрланган.

Йўналишлар ва мутахассисликлар классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар кадрлар истеъмолчилари ташаббуси билан олий таълим муассасалари томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишли қарор қабул қилиш учун киритилади.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг эталонини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олиб боради.

Олий таълим тизимида юксак малакали, ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга, келажакда касбий ва ҳаётий муаммоларни мустақил ҳал қила оладиган, янги техника ва технологияларга тез мосланишга лаёқатли кадрларни тайёрлашда таълим жараёнини замонавий ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув-услубий мажмуа – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида қафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув–услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси компонентларининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси қуйидаги блоклардан ташкил топиши лозим:

1. Таянч билим кўникма ва малакаларни шакллантириш блоки:

- фан дастури;
- дарслик ўқув қўлланма;
- лекциялар курси;
- услубий қўлланма ва кўрсатмалар;
- фанни ўқитиш технологияси;
- электрон педагог;
- глоссарий фандан машқ ва масалалар тўплами;

- фандан муаммоли вазиятлар тўплами;
- фандан тадқиқот мавзулари тўплами.

2. Назорат қилиш ва компетентлик даражасини аниқлаш блоки:

- рейтинг ишланмаси ва баҳолаш мезонлари;
- баҳолаш воситалари ва материаллари;
- фан дастури.

3. Ривожлантирувчи ва мустақил билимни эгаллашни таъминлаш блоки:

- мустақил иш савол ва топшириқлари;
- электрон таълим ресурслари;
- билим олишнинг интеллектуал ресурслари;
- дидактик материаллар;
- фаннинг сўнгги ютуқлари (илмий ва оммабоп нашрлар, диссертациялар);
- техник воситалар рўйхати ва улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома ва кўрсатмалар;
- гуруҳда ва индивидиал ишлаш кўникмаларини шакллантириш материаллари;
- қўшимча адабиётлар ва ахборот олиш манбалар рўйхати.

Фан дастури – услубий-меъёрий ҳужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг муайян фан бўйича бакалавр (магистр) билим, кўникма ва малакаларига ҳамда компетенциясига қуйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Фан дастури таркибида фаннинг мақсади, вазифалари ва ўрганадиган муаммолари, талабаларнинг фан бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифи, компетенцияси, назарий, амалий (лаборатория, семинар) ва мустақил иш машғулотлари ҳажми ва мазмуни, методик тавсиялар, тақвимий мавзуй режалар, ўқув-услубий адабиётлар ва дидактик воситалар рўйхати ҳамда баҳолаш мезонлари, шахснинг қайси фазилатларини шакллантиришга йўналганлиги киради.

Дастурда фан, техника, технологиянинг сўнги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниши, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши шарт.

Фан дастурини ишлаб чиқишда таълим оловчиларнинг мустақил билим олиш ва ўрганиш, ўқитиш жараёнини шахсга йўналтирилган ва ривожлантирувчи таълим талаблари асосида ташкил этишга, мавзуларнинг бир хил талкинда такрорланмаслигига эътибор берилиши зарур.

Дарслик - «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш концепцияси»га мувофиқ «Дарслик — давлат таълим стандарти, фаннинг ўқув дастури, методикаси ва дидактик талаблари асосида белгиланган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукамал ўзлаштирилишига қаратилган, ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр» деб таърифланган.

Дарслик - давлат таълим стандартида белгиланган асосий ўқув материални қамраб олган ҳолда, билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материални мустақил излаш ва топишга, амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга ҳамда ёшларни маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилади.

Замонавий дарслик қуйидаги сифатга эга бўлиши керак:

- таълим оловчиларни фаол бўлишга ва танқидий фикрлашга ундаши;
- фақат назарий маълумот бериш билан чекланмаслиги;
- амалий кўникмаларини шакллантирувчи муаммоли саволлар, лойиҳалар, машқлар ва ижодий топшириқлар берилиши;
- таълим оловчи билимини ўз-ўзи баҳолаш ва мустақил таълим олиш учун имконият яратиши;
- ўқув материали аниқ мақсад ва вазифаларга йўналтирилиши;

- мазмун далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий кўникма ва компетенцияни шакллантиришга ўтишни таъминланиши;

- ўқув материали тушунарли, мантиқий ва тизимли баён этилиши, муҳим маълумотлар ажратиб кўрсатилиши;

- миллий хусусиятлар ҳисобга олиниши;

- топшириқлар ва вазифалар кенг қўламли таълим оловчилар бажарадиган амалий ишларни жуфтликда ёки кичик гуруҳларда ташкил этиш имкониятини бериши;

- ёшларни маълум фазилатларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши;

- ҳаракатдаги жараёнларни ва бошқа жараёнларни кўрсатувчи видео материалларга эга бўлиши лозим.

Замонавий дарсликка муаммоли вазиятларни юзага келтирувчи саволлар, масалалар ва топшириқларни киритиш орқали талабаларда зарурий билимни мустақил излаш ва топишга эҳтиёж ҳамда қизиқиш уйғотилиши лозим.

Ўқув қўлланма – муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи; дарсликни қисман тулдирувчи, айрим боб ва бўлимларнинг кенг тарзда ёритишга ёки лаборатория ва амалий (семинар) машғулотлар ва машқлар ечимига мўлжалланган нашр.

Кириш мазкур ўқув қўлланма тегишли бўлган фан предмети таърифи, унинг ривожланиш тарихи ва бошқа фанлар билан алоқаларини кўрсатиб бериш, эгаллаб турган ўрнини, назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш кабилардан иборат бўлади.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир боби ёки мавзуси бўйича ўқув мақсадлари келтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқув мақсадлари таълим оловчининг ушбу мавзу бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар тавсифини белгилайди.

Асосий ўқув материали боб ёки мавзунинг фаннинг асосий мазмунини, далилларни, ходисаларни, объектларни, технологик жараёнларни, ихтиролар ва кашфиётларни, экспериментал тажрибаларни ва уларнинг бажарилиши бўйича амалий-тажрибавий матнларни, асосий қонунларни ва қонуниятларни, ҳамда уларнинг натижаларини, етакчи ғоялар ва долзарб йўналишларни ўз ичига олади.

Қўшимча матн - асосий матндаги ҳодиса, жараён ва объектларни ўрганиш бўйича баён қилинган ўқув материални мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув материални ўз ичига олади.

Тушунтирув матнларига дарсликдаги каби кириш сўзи, изоҳлар, иловалар, таянч иборалар, тушунтиришлар, луғатлар қиради. Бу матнлар тушунарли, қисқа ва маълум тушунчани аниқ шакллантирадиган бўлиши керак.

Ўқув қўлланма дидактик қисмига ҳар бир боби ёки мавзуси охирида бериладиган мисоллар, муаммоли ва қизиқарли саволлар, ҳаётий тажрибалар ва амалий фаолиятлар қиради.. Бундай материаллар берилиши таълим олувчиларнинг нафақат назарий билим олишлари, балки ўз назарий билимларини амалиётда қўллашга йўналтиради. Ўқув қўлланма охирида хулоса, адабиётлар ва бошқа манбалар рўйхати берилади.

Услубий қўлланма – ўқитувчилар ва таълим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда машғулот мақсади, мазмуни, уни ўқитиш технологияси, дидактик воситалар ва улардан фойдаланиш усуллари, лаборатория ва амалий машғулотлар ҳамда қўшимча топшириқлар баён қилинадиган, амалиётларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўрсатма ва йўриқномалар келтирилган (таълим муассасаларининг услубий кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган) нашр.

Услубий кўрсатма – муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойиҳалар), лаборатория, амалий ва мустақил ишларни, битирув малакавий ишларини, магистрлик диссертацияларини бажариш тартиби мазмуни ва методикаси аниқ, батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда

зарур амалий кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган (таълим муассасасининг услубий кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган) кичик ададли нашр.

Электрон таълим ресурсларига фан буйича яратилган электрон дарслик, ўқув қўлланма, кўрсатмалар, мультимедияли воситалар, маълумотномалар ва луғатлар, гиперматнлар, электрон тестлар ва топшириқлар ҳамда шунга ўхшаш талабанинг мустақил билим олишини таъминловчи, ўрганишга қизиқиш уйғотувчи ресурслар киради.

Электрон дарслик – фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;

- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади.

Электрон ўқув қўлланма – фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган ўқув манбаи.

Электрон услубий қўлланма – педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган талабалар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

Виртуал стендлар - ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларларнинг электрон модели

Мультимедияли воситалар - турли типдаги ахборотларни ва жараёнларни матн, расм, схема, жадвал, диаграмма ва виртуал мухитларни яратиш, сақлаш, ишлов бериш, рақамлаштирилган ва жараёнли кўринишда амалга оширишнинг компьютерли воситаси.

Электрон ўқув наشري - таълим олувчилар томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўқув материалга эга бўлган электрон нашр.

Гиперматн - электрон шаклда тақдим этилган ҳамда тармоқланган боғланишлар тизими билан таъминланган ва унинг бир фрагментида бошқасига дарҳол ўтиш имкониятлари олдиндан берилган матн.

Электрон кутубхона - талаба ҳамда педагоглар учун ҳужжатлаштириш ва хавфсизликнинг хусусий тизими билан таъминланган, тўлиқ матнли электрон ахборотни ресурслар, телекоммуникация воситалари асосида жамлаш ва етказиш имкониятини таъминловчи дастурли мажмуадир.

Электрон луғат - анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чақарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон назорат (тестлаштириш) - электрон ўқув адабиётининг компоненти бўлиб, анъанавий компьютерсиз тестлаштиришнинг муқобилидир. Электрон тестлаштириш ҳолатида компьютер тест ва унинг натижаларини кўрсатиб беради, бу билан боғлиқ бўлган алгоритмларни жорий қилади. (масалан, бажарилган ёки ўтказиб юборилган топшириқларга қайтиш имкониятининг борлиги ёки йўқлиги, битта тестга вақтнинг чегараланганлиги ва ҳ.к.).

Электрон тестлар – сақланган, ишлов берилган ва тестлаштирувчига компьютер ёки телекоммуникацион техникаси ёрдамида тақдим этиладиган тестлар. Тестлаштирувчи «қоғоз» бланкаларни тўлдириб, сўнгра унга компьютерда ишлов берса, булар компьютерли тест бўлиб ҳисобланмайди.

Электрон топшириқлар - ўқитувчига таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ва назорат ишлари учун тартибга келтирадиган топшириқлар мажмуини ўзида акс эттирувчи ахборот манбасининг муҳим кўринишидир. Яратилган топшириқлар таълим олувчиларга анъанавий «қоғоз» ли ва электрон вариантларида тавсия этилиши мумкин.

Саволлар ва топшириқлар

1. Олий таълим Давлат таълим стандарти қандай меъёрий ҳужжат ҳисобланади?
2. Ўқув режаси нима?
3. Ўқув режаси қайси меъёрий ҳужжат асосида тайёрланади?
4. Фан дастурлари нима?
5. Битирувчи тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талаблари ҳақида гапириб беринг?
6. Классификатор қандай меъёрий ҳужжат?
7. Ўқув-услубий мажмуанинг тузилиши ва унинг аҳамияти нимадан иборат?
8. Ўқув адабиётлари турларини санаб беринг ва уларга таъриф беринг?
9. Электрон таълим ресурслари нима ва уларга нималар киради?

Резюме

Ҳар бир соҳанинг фаолият юритишида, унинг фаолият мазмуни ва турини белгиловчи бир қанча ҳуқуқий асослари мавжуд бўлиши талаб этилади. Таълим тизими самарадорлиги ва унинг асосий фаолият мазмунини шакллантирувчи бир қанча ҳуқуқий, меъёрий ҳужжатлар мавжуд. Мазкур ҳужжатлар энг аввало

таълим тизимини «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мос равишда амалга оширишни таъминлайди.

Мазкур мавзуда ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатлар ҳақида маълумот берилди ва таърифланди.

Таянч сўзлар:

Олий таълим Давлат таълим стандарти, классификатор, ўқув-услугий мажмуа, фан дастури, дарслик, ўқув қўлланма, услубий қўлланма, услубий кўрсатма, электрон таълим ресурслари, олий таълим, бакалаврият, магистратура, бакалавр, магистр, олий маълумот даражаси, олий маълумот ҳақида давлат ҳужжати (диплом), таълим дастури, ўқув фанлари блоки, ўқув режаси, ўқув фани, ўқув йили, ўқув семестри, ўқув фани дастури, малака амалиёти, яқунловчи давлат аттестацияси, ўқитиш сифатини назорат қилиш, таълим сифатини назорат қилиш, олий таълим муассасаси аттестацияси, олий таълим муассасаси аккредитацияси.

Махсус фанларни ўқитишда таълим методларидан фойдаланиш усуллари

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Таълим методлари ва улардан фойдаланиш усуллари;
- ✓ Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш;
- ✓ Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг усуллари.

Мазкур мавзуда махсус фанларни ўқитиш жараёнида таълим методлари ва улардан фойдаланиш усуллари, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш усуллари; ўқув машғулотларини ташкил этишнинг усуллари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёритилган.

Таълим методлари ва улардан фойдаланиш усуллари. Таълим бериш методлари деганда, педагогнинг иш усуллари тушунмоқ керак. Ўқитиш жараёни мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, ниҳоятда хилма-хил ва турли-туман методлари мавжуд. Куйида биз уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

1. Таълим жараёнига кўра:

а) **пассив методлар:** таълим жараёнининг марказида ўқитувчи бўлади. Бунда ўқитувчи фаол, талаба эса пассив иштирокчи бўлиб қолади. Ушбу методлар қўлланилганда ўқитувчи мавзу бўйича маъруза қилади, тушунтиради, таълим воситалари орқали маълумотларни тақдимот ва намойиш қилади. Талаба бу шароитда фақатгина тингловчи ва кузатувчи сифатида иштирок этади. Бундай методларга маъруза, намойиш, тақдимот, иллюстрация ва бошқалар киради;

б) **фаол методлар:** бу методлардан фойдаланганда таълим жараёнининг марказида талаба бўлади. Бунда ўқитувчи пассив, талаба эса фаол иштирокчи бўлиб қолади. Ўқитувчи гуруҳни бошқарувчи сифатида иштирок этади, талабалар эса берилган топшириқларни мустақил фикрлаб, муаммоларни бартараф эта оладиган даражада фаолият юритадилар. Бундай методларга ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, муаммоли вазият, ролли ўйинлар ва бошқалар киради.

2. Дарс турларига кўра:

- а) билимларни дастлабки ўзлаштириш методи;
- б) билимларни мустаҳкамлаш методи;
- д) билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;

3. Билим манбаларига кўра:

а) оғзаки методлар: агар талабалар асосий ўқув ахборотини ўқитувчининг ўқув мулоҳазалари ва исботлари жараёнида ёки дарслик мавзулари асосида олсалар, бундай методлар оғзаки методлар (тушунтириш, ҳикоя, суҳбат ва ҳ.к.) жумласига киради.

Оғзаки методлардан фойдаланиш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш мумкин. Аммо улар ёрдамчи роль ўйнайди.

Баён дарсда кўргазмали воситалардан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигига боғлиқ бўлмаган ҳолда тузилади. Масалан, тикув машинасининг тузилишини тушунтираётганда кинематик схемадан фойдаланиш мумкин. Лекин исбот мантиқини кинематик схема белгиламайди, балки у тушунчани ўзлаштиришда ёрдам беради, холос.

Оғзаки методлардан фойдаланиш муваффақиятининг асосий кўрсаткичлари талабаларнинг янги билимларини эслаб қолишлари ва айтиб бера олишларидир. Оғзаки методларда талабалар ўқитувчи мулоҳазаларини такрорлайдилар, тақлид қиладилар.

Талаба ўқитувчининг тушунтириш мантиқига қанчалик яқинлашса, материални шунчалик муваффақиятли ўзлаштиради.

Оғзаки методлардан асосан янги материални ўрганиш пайтида фойдаланилади ва билимларни эгаллашнинг бошқа усуллари билан қўшиб олиб борилсагина, улар таълимда яхши самара беради.

б) кўргазмали методлар: бунда таълим жараёнида қўлланиладиган кўргазмали қуроллар ва техника воситаларига кўп даражада боғлиқ бўлган ўқув материални ўзлаштириш шакллари тушунилади.

Таълимнинг кўргазмали воситалари билимларни ўрганиш ва ўзлаштириш даражасини белгилайди. Бунда, масалан, тикув машинаси

деталлари намуналари кўрсатилиши ёки тикув машинасида бажариладиган технологик жараённинг видеотасвири намоёни қилиниши мумкин.

Асосий мақсад дарс мазмуни, албатта. Ўқитувчи эса қўшимча тузатишлар киритиши мумкин, холос.

Таълимнинг бундай методларидан фойдаланилганда талабаларнинг билиш фаолияти кўргазмалар воситалар ёрдамида шаклландиган ёки эса туширадиган ҳиссий образларга, тасавурларга боғлиқ бўлади. Кўргазмалар қуроллар билимларни тартибга солиш ва бойитишга, шунингдек, талабаларнинг фикр юритиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Таълимнинг кўргазмалар методлари талабаларнинг билим фаолиятида образли ва мантикий, аниқ ва мавҳум, ҳиссий ва ақлий жиҳатлар нисбатини чуқур тушунишни талаб этади.

с) амалий методлар: машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва тажриба ишлари асосида ўқув материални эгаллаш кўринишлари таълимнинг амалий методлари жумласига киради.

Машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва тажриба ишлари асосида ўқув материални эгаллаш кўринишлари таълимнинг амалий методлари жумласига киради. Ана шу методлар ёрдамида амалий кўникма ва малакалар шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Кўникмани эгаллашнинг муваффақияти уни шакллантириш шароитига боғлиқ.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнини амалга ошириш, яъни ўқитиш усуллари бўлганлигидан, ҳар бир методни икки томондан – ўқитувчи фаолияти ва талабалар фаолияти нуқтаи назардан қараш керак. Шунинг учун ҳам ўқитиш методларини билим манбалари бўйича қуйидагича гуруҳларга ажратамиз.

Анъанавий таълим методлари:

Таълим методлари - талаба ва ўқитувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган методлар йигиндисини ифодалайди.

Анъанавий дарс - муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган, мавзуга кириш, ёритиш, мустаҳкамлаш ва якунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс - кўп ҳолларда таълим жараёнинг бирдан-бир модели бўлиб қолмоқда. Маълумки анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Шу боис, анъанавий дарсни “Марказда ўқитувчи турган ўқитиш модели” деб ҳам аташади. Анъанавий дарснинг асосий мақсади - дарс мавзусининг асосий мазмунини, тушунча ва фактларини ўқитувчи томонидан талабаларга етказиш ва тушунтиришдан иборат. Дарс - олдин ўзлаштирилган билимлар билан ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар ўртасида алоқа ўрнатилишидан бошланади. Янги мавзунини ёритиш, турли машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш, дарсга якун ясаш, хулосалаш, баҳолаш ва уйга вазифа топшириш билан якунланади.

Анъанавий дарс ўтиш моделида кўпроқ маъруза, савол-жавоб, амалий машқ каби методлардан фойдаланилади. Шу сабаб, бу ҳолларда анъанавий дарс самарадорлиги анча паст бўлиб, талабалар таълим жараёнининг пассив иштирокчиларига айланиб қоладилар. Одатда, анъанавий дарс беришни - пассив дарс бериш методи сифатида қаралади. Лекин дарсда талабаларнинг фаол ёки пассивлиги дарсни қандай ўтишига ва уни режалаштиришга боглиқ. Анъанавий дарснинг самарадорлигини ошириш ва дарсда талабаларнинг фаоллигини ошириш учун янги материални майда-майда бўлақларга бўлиб ўтиш тавсия этилади. Шунингдек, талабаларнинг бу материални қандай ўзлаштириб бораётганликларини назорат қилиб бориш ва бу мақсадда турли хил машқ ва топшириқларни бажартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда баҳс, мунозара, ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот, ролли ўйинлар методларини

қўллаш, ранг-баранг қизиқтирувчи мисолларнинг келтирилиши, талабаларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, ранг-баранг баҳолаш методларидан фойдаланиш, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Маъруза методи:

Маъруза - катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу метод бутунлай «сўзлаш» орқали амалга ошириладиган ўқитиш методи қисобланади. У 80 дақиқа ёки ундан узоқроқ давом этади ва одатда талабанинг иштироки учун қеч қандай имконият қолдирмайди.

Маърузани тушунарлилигини оширувчи жиҳатлар:

- фикрни содда тилда баён этиш;
- маъруза тузилмасининг (структурасининг) мантиқан тўғри тузилганлиги;
- фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш;
- рағбатлантириш (стимуллаш);
- нотиклик, равон тилда гапириш ва талаффуз.

Фикрни содда тилда баён этиш. Ўз фикрини содда ифодалаш – яхши ўқитувчининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўз фикрини мураккаб тилда ифодалаш - зиёилик ва профессионализм белгиси ҳисобланмайди. Ўз фикрини содда тилда ифодалаш – тингловчибоп гапириш демакдир.

Содда тилда гапиришга қуйидагилар воситасида эришилади:

- айтилган фикрни кўргазмали қилиб етказиш;
- фикрни қисқа гаплар воситасида ифодалаш;
- оддий сўзларни ишлатиш;
- атамалар маъносини тушунтириб кетиш;
- чет тилидан кириб келган сўзларни иложи борида ишлатилмаслик, ишлатилган тақдирда тушунтириш бериш;
- содда тузилишга эга бўлган гапларни ишлатиш;
- фаол феълларни ишлатиш.

Маъруза таркибининг мантиқан тўғри тузилганлиги.

Маърузанинг ушбу таркиби унинг ташқи тузилиши ва ички тартибини тўғри тузилганлигини билдиради. Маърузанинг ташқи таркиби уни ўқиш чоғида куйидаги хатти-ҳаракатларни билдиради:

- маъруза мавзуси билан таништириш;
- мавзунини асослаш;
- мантиқий тузилма асосида маърузани олиб бориш;
- маърузани якунлаш.

Маърузанинг ички тартиби уни ўқишда риоя қилинадиган мантиқий кетма-кетликни билдиради:

- маълумотлар мантиқий жиҳатдан тўғри кетма-кетликда берилиши;
- маърузанинг алоҳида қисмлари ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш;
- мантиқий кетма-кетликка риоя қилиш;
- бир фикрдан бошқасига сакраб ўтилишига йўл қўймаслик;
- муқим ва унча муқим бўлмаган нарсаларни фарқлаш;
- «фикрлар узвийлиги» аниқ билиниб туриши.

Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш. Фикрларни қисқа ва лўнда ифодалаш деганда, маъруза мазмунига ортиқча вақт сарфламасдан, лўнда, аниқ ва тўғри ифодаланиши тушунилади:

- бутунлай ўқув мақсадига қаратилган;
- асосий мазмунга қаратилган;
- тўғри (беҳато) ифодалардан иборат;
- муқим ва керакли изоқлар билан чекланган.

Рағбатлантириш. Рағбатлантириш деб маъруза таркибидаги шундай қўшимчалар тушуниладики, улар маъруза мазмунини тингловчиларга жонлироқ қилиб беради ва шу орқали уларнинг эътибори ва қизиқишини таъминлайди. Рағбатлантиришга куйидагилар ёрдамида эришилади:

- маъруза мазмунларини турли қизиқарли фактлар, масалан, урф-одат, ҳикоя ёки мисоллар ёрдамида аниқлаштириш;

- таассуротли гапириш;
- айтилаётган фикрларни кўргазмали тарзда етказиш;
- шахсий фикрни билдириш;
- талабаларларнинг фикр-мулоҳазаларидан фойдаланиш.

Маъруза таркиби. Маъруза одатда уч қисмдан: кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлади.

Маъруза тузилмаси:

Кириш қисми:

- қутлаш;
- мавзу;
- ташкилий саволлар;
- мақсад;
- мотивация.

Асосий қисм:

- 1-асосий фикр
- 2-асосий фикр;
- 3-асосий фикр.

Якуний қисм:

- натижа (хулоса);
- умумлаштириш.

Ўқитувчининг талабалар билан биргаликдаги ушбу фаолиятини ташкил этишнинг самарали шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир бандини ёритгандан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;

–ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);

–маърузаларнинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

“Маъруза методи”дан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилади.

Савол-жавоб методи - талабаларга мавзу юзасидан саволларга жавоб беришни назарда тутадиган методдир.

Шубҳасиз, саволлар турли мақсадларни кўзлаб берилади, лекин бу мақсадлар алоҳида кўринишларга эга бўлади ва улар қуйидаги мақсадларда берилади:

–текшириш учун – талабалар билимини имтиҳон қилиш орқали;

–ўргатиш учун – жавобни талабанинг ўзи мушоҳада этишига мажбур қилиш орқали;

–фаолият юритишга эришиш учун – талабани ақлан тетик тутиш орқали;

–турлича бўлган фикр-мулоҳазаларни аниқлаб олиш учун;

–ўхшашлик жиҳатларни аниқлаб олиш учун;

–кишининг мутахассислик тажрибасига яқинлашиш учун;

–тортинчоқ ўрганувчиларни жараёнга жалб этиш учун;

–талабаларни дарс жараёнига жалб этиш учун.

Савол турлари:

Савол тури	Тавсифи	Мисоллар
Очиқ савол	Савол моҳиятига кўра кўп жавобли бўлиб, унга жавоблар ҳам кенг қамровли бўлади: қаерда, ким, нима сабабдан, қачон нима, қандай қилиб каби сўроқ сўзлар асос қилиб олинади.	Ўқитувчининг масъулияти нималардан иборат деб ўйлайсиз? Бундай вазиятда ким чора кўриши лозим? Нима сабабдан якуний баёлотлар тузилиши керак? Қачон чора кўрилиши керак деб ўйлайсиз? Ўқувчига марказлашган ўқитишнинг мақсадга мувофиқ жиҳатлари нима? Сиз бу ишни қай йўсинда таҳлил

		қилган бўлар эдингиз?
Буйруқ савол	Тўғридан-тўғри савол кўринишида эмас, балки илтимос оҳангида ифодаланган.	Фикр-мулоҳазаларингизни жамланг. Вазиятни таҳлил қилинг. Тартибга солинг. Ўхшаш томонларни ажратиб кўрсатинг. Ўзингизнинг тахминий муносабатингизни билдириг. Фарқни тушунтириб беринг.
Тасдиқ савол	Саволнинг таркибида жавоб мавжуд бўлганлиги сабабдан хулоса ҳам келтирилади.	Бу каби назариёт мақсадга мувофиқ келмайди, шундай эмасми?

Савол бериш қоидалари:

- саволларни аниқ ва тушунарли ифодалаш;
- сўроқ сўзларни ўз ўрнида ишлатиш;
- саволни аввал бутун гуруҳга бериш, сўнгга саволга жавоб берадиган талабанинг исми-шарифини айтиш.

Қандай саволларни бермаслик лозим?

– **Занжирбанд саволлар** - ўқитувчи кетма-кет бир неча саволлар бериб, талабаларга на ўйлашга, на жавоб беришга вақт беради. Кўпинча, бунинг устига саволлар орасида Мутахассислик маълумотлар ҳам берилади.

– **Суггестив саволлар** - ўқитувчи талабалар унинг фикрига қўшилишларини талаб қилувчи чақирикни савол шаклида ифодалайди. Бундай саволлар яширин тарзда ўз фикр-мулоҳазасини билдиришдир. Ўқитувчи талабага худди тайёр жавоб бериб қўйгандай бўлади. Талабада бошқа бир фикр-мулоҳазасини билдириш имконияти бўлмайди.

– **Муқобил саволлар** - яъни талаба фақат “ҲА” ёки “ЙЎҚ” деб, ёки бўлмаса, битта ёки иккала жавобни бериши мумкин бўлган саволлар. Бунда талабаларнинг фикрлаш ва жавобларини ифодалаш имконияти бўлмайди. Баъзан жавоблар тасодифан тўғри келиб қолиши ҳам мумкин.

– **Стереотип саволлар** - саволнинг мазмунида “. . . нима?” деган маъно бўлмаслиги керак. Савол аниқ ва тушунарли берилиши лозим.

–**Қопқон ёки қалбаки саволлар** - бирор талабани уялтириш учун, яширинган танбех ёки кесатиб гапиришлар тариқасида берилган саволлар.

Таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаган ҳолда, унга талабалар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, ўқитувчи томонидан талабаларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, тадқиқот, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар методларини қўллаш, талабаларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш, турли баҳолаш методларидан, таълим воситаларидан жойида ва вақтида фойдаланиш талаб этилади.

Бу методларни **интерфаол** методлар деб ҳам аташади. Бу методлар қўлланилганда ўқитувчи талабани дарс жараёнида фаол иштирок этишга чорлайди. Талаба марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- талабани юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимни ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиш шиддатини талабанинг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- талабанинг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши;

- ўқишни соғлом муҳитда сақлаб қўлланиши;
- ўқитувчини енгиллик яратиб берувчи шахсга айланиши.

Талаба бутун жараён давомида иштирок этади. Шу сабабдан билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун етарли даражада талабалар иштироки ва амалиёти мавжуд бўлади.

Бу методлар асосан ўқитувчининг турли фаолият шакллари орқали амалга оширилади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи - кичик гуруҳларда ишлаш ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топшириқни ҳамкорликда бажариш учун талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб, берилган топшириқнинг ечиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этувчи методдир.

Ушбу метод қўлланилганда талаба кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча талабаларни мавзуга жалб эта ва баҳолай олади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методини қўллаш босқичлари

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Талабалар гуруҳларга 3-5 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Давра суҳбати методи - талабалар ўртасида ва кичик гуруҳларда тўғарак стол атрофида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

«Давра суҳбати» методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир талабанинг бир-бири билан «нигоҳий алоқаси»ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида ўқитувчи мавзунини бошлаб беради ва талабалардан ушбу мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир талаба ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган талабани барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса талабаларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир талабага конверт қоғози берилади. Ҳар бир талаба конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва ёнидаги талабага узатади. Конвертнинг олган талаба ўз жавобини қоғозга ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги талабага узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади.

Давра суҳбати методининг босқичлари

1. Машғуллот мавзуси эълон қилинади.
2. Ўқитувчи талабаларни машғуллотнинг ўтказилиш тартиби билан таништиради.
3. Тўғарак стол бўйлаб конвертларнинг ҳаракатланишининг схема орқали кўрсатиб берилади.
4. Ҳар бир талабага биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча талаба бўлса, шунчадан «Жавоблар варақалари» тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Талаба конвертга ва «Жавоблар варақалари»га ўз исми-шарифини ёзади.

5. Талаба конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва ёнидаги талабага узатади.

6. Конвертни олган талаба конверт устидаги саволга «Жавоблар варақалари»дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги талабага узатади.

7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган талабанинг ўзига қайтиб келади. Бу талаба конвертдаги «Жавоблар варақалари»ни баҳолайди.

8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали талабалар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар.

Ролли ўйин методи - талабалар томонидан ҳаётий вазиятни ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар талабаларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

Ролли ўйин методининг босқичлари

1. Ўқитувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.

2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.

3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб роллар тақсимланади.

4. Талабалар ўз ролларини ижро этади. Бошқа талабалар уларни кузатиб туради.

5. Ўйин якунида талабалардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган талабалар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ролли ўйин методида ўқитувчи талабалар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир талабанинг индивидуал

ҳарактери, ҳуқ-атвори муҳим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар талабаларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўқув жараёнида талабаларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

Муаммоли вазият методи - талабаларга муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга асосланган методдир.

Муаммоли вазият методи учун танлаган топшириқнинг мураккаблиги талабаларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, талабаларнинг қизиқишлари сўнишига, ўзларига бўлган ишончни йўқ бўлишига олиб келади.

Муаммоли вазият методи қўлланилганда талабалар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

Муаммоли вазият методининг босқичлари

1. Ўқитувчи мавзунини, муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Ўқитувчи талабаларга муаммони баён қилади.

2. Ўқитувчи талабаларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга ажратади.

4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар.

5. Муаммоли вазиятни ечиш йўллари ишлаб чиқадиладар.

6. Кичик гуруҳлар тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

7. Гуруҳ ўқитувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўллариининг энг мақбул вариантини танлаб олади.

Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг усуллари. **Маъруза машғулотлари** - Бугунги кунда замонавий ўқув муассасалари фаолиятида ўқитиш шаклларида бири бўлмиш маърузадан фойдаланиш кенг тарқалган.

Маъруза дарсларини ташкил этиш анча мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган фаолиятдир. Маъруза дарси тажрибали, юксак даражада педагогик маҳоратга эга бўлган таълим берувчининг интеллектуал салоҳияти асосида ташкил этилади. Маърузада фақат фан, ўқув предмети асослари борасидаги маълумотларни бермасдан, таълим олувчиларни ижтимоий–ғоявий жихатдан тарбиялаб бориш ҳам талаб этилади. Маърузадан кўзланган асосий мақсад таълим олувчиларнинг мусатқил фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, билим ва фаолият малакасини ошириш ҳамда дунёқарашини юксалтиришдан иборат.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда: маъруза–ҳикоя; маъруза–суҳбат; маъруза–мунозара; оммавий маъруза.

Маърузалар ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис ўқитувчи томонидан маъруза мавзуси юзасидан режа ва маъруза матни тайёрланади. Умумий қоидага биноан маъруза бир дарс давомида охирига етмай қолса, у янги машғулотда давом эттирилади. Ҳар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, таълим олувчилар билан савол–жавоб ўтказилади. Шунингдек, ҳар бир мавзу юзасидан фойдаланиш лозим бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Мутахассислик фан ўқитувчилари қуйидаги асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларини юритади:

1. Дарсинг маъруза матни.
2. Тақвим-мавзуий режа.
3. Кундалик дарс режаси.

Ўқитувчининг асосий ҳужжатларидан бири маъруза матни ҳисобланиб, ундан талабалар ҳам фойдаланишлари кўзда тутилган. Маъруза матни-турли адабиётлардан мавзуга доир материаллар йиғиндисиدير.

Маъруза матнининг таркиби қуйидагилардан иборат:

– титул варағи (муаллифнинг исми-фамилияси, фан номи берилади);

– иккинчи титул варағи (вазирлик, бошқарма, ўқув муассасаси, кафедра ва фан номлари);

– аннотация ёзилади, муаллиф, тақризчилар исми-фамилияси, муҳокама қилинган йиғилиш сони кўрсатилади;

– кириш;

– мавзу режаси;

– мавзу баёни;

– таянч иборалар;

– назорат саволлари ва топшириқлар;

– адабиётлар;

– иловалар;

– мундарижа.

Ҳар бир маъруза мавзуси юқорида кўрсатилган тузилишга мувофиқ тўлиқ ёзилиши лозим. Ҳар бир мавзу компьютерда ёзилган бўлиши ва ҳажми 5-6 бетдан кам бўлмаслиги керак. Матнга дидактик материалларнинг илова қилиниши мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотлар – махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба майдонида ташкил этилиб, таҳсил олувчиларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимларни амалиётда қўллай олиш кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга йўналтирилган таълим шакли.

Семинар – 1) олий ўқув юрти талаба ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими талабаларининг муайян назарий курсни қанчалик ўзлаштирилганликларини аниқлаш усули, мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган ўқув амалиётининг муҳим турларидан бири; 2) муайян таълим тадбири бўйича ўтказиладиган маслаҳат йиғилиши; 3) Ўзбекистонда докторлик илмий даражасига даъвогарнинг тайёргарлигини синаб кўриш учун илмий тадқиқот муассасаси ва олий ўқув юртларидаги олимларни ўз ичига олувчи илмий тузилма.

Ижтимоий-гуманитар йўналишидаги предметлар бўйича семинар машғулотларини ташкил қилиш кенг қўлланилади. Семинар машғулотларини

ташкил этишдан асосий мақсад таълим олувчиларнинг мустақил ишларини янада ривожлантириш, айрим мавзулар юзасидан кенг ва чуқур маълумот бера оладиган манбалар устида ишлай олишлари ҳамда шу асосда келажакдаги касбий фаолиятларида зарур адабиётлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга қилишдан иборатдир.

Семинар машғулоти таълим берувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш ҳамда уни дарс машғулотидagi таълим олувчилар билан муҳокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Таълим олувчилар берилган режа, дастур ва тавсиялар асосида семинар машғулоти рағиб олдиндан тайёрланади. Унда таълим олувчилар мос адабиётларни ўрганадилар, материал йиғадилар, турли кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар машғулотини таълим берувчи рағбарлигида ўтказилади. Бунда ўқитувчи таълим олувчилар фаолиятини машғулот мақсадига йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган муҳокамани хулосалайди. Зарур қўшимча мулоҳазалар билдиради, материални муайян тизимга солади. Семинар дарсида фаол қатнашган таълим олувчилар бағоланиб борилади.

Семинар машғулотини таълим олувчилар эътиборини дарсга жалб этиш, уларнинг қизиқишини орттириш, уларни мустақил ишлашга ва фикрлашга ўргатиш, дарсни фаоллаштириш ҳамда таълим олувчилар ақлий қобилиятларини ўстиришда муҳим ўрин тутати.

Якка машғулотлар – гуруҳли машғулотнинг мантиқий ва изчил давомини бўлиб, асосан ижодий йўналишлардаги олий таълим муассаларида олиб борилади. Якка машғулотда ўқитувчи талабанинг индивидуал иқтидори ва имконияти инобатга олган ҳолда гуруҳли машғулотлардаги вазифа ва топшириқларни мустақамлайди. Талабанинг индивидуал маҳоратидан келиб чиқиб қўшимча вазифалар берилади.

Якка машғулотлар ўқувчиларни юқори даражада мустақил бўлишини, ўқувчини максимал ривожланишини, тайёргарлик, ривожланиш, қобилият ва

билиш имкониятлари даражасини максимал ҳисобга олган ҳар бир ўқувчига мутаносиб якка тартибда ёрдам беришни таъминлайди.

Очиқ дарслар - муайян фан бўйича ўқув дастурдаги мавзунини талабалар, шунингдек, ушбу мавзуга қизиқиш билдирган ва мутахассислик таклиф этилган профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар иштирокида турли шаклда ўтказиладиган дарслар очик дарслар деб аталади.

Очиқ дарсларни ўтказишдан мақсад профессор-ўқитувчиларни тегишли фан, техника ва технологиялар соҳалари бўйича жаҳонда эришилган ютуқ ва янгиликлардан хабардор бўлишларига эришиш ва улар асосида замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда дарсларни тайёрлаш, ўтказиш ва шу тариқа таълим сифатини ошириш ҳамда тайёрланаётган кадрларнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир.

Очиқ дарсларнинг мақсади, дарсни илмий асосида ташкил этиш таълим мазмунини таъминлашда юқори билим савиясига эришишни намоёни қилиш, таълим-тарбиявий жараёнда илғор шакл ва услублардан реал фойдаланишни ташкил этиш, дидактик ва кўргазма воситаларидан оптимал фойдаланиш тизимини яратишдан иборатдир.

Очиқ дарсларнинг асосий мақсади ўқитувчининг дарс ўқишдаги илғор тажриба ва услубларининг самарадорлигини кўрсатиш ва уни оммалаштиришдир.

Очиқ дарсларни ўтказиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- талабаларга фандаги сўнгги ютуқ ва янгиликларни етказиш;
- таълим сифатини бошқаришда фан, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш;
- илмий-услубий жиҳатдан етук дарс материалларини тарғиб этиш;
- ёш педагог кадрларнинг касб-маҳоратини ошириш;
- юқори савиядаги очик дарс муаллифларини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Очиқ дарслар, одатда ўз соҳаси бўйича таниқли ёки илмий даража ва унвонларга эга бўлган тажрибали ўқитувчилар томонидан ўтказилади.

Очиқ дарсни ўтказиш тўғрисидаги таклиф педагог кадрлар томонидан ўқув семестри бошланишига қадар кафедра мудирига маълум қилинади.

Кафедра мудир, очиқ дарсга таклиф этилиши мумкин бўлган тажрибали педагоглар, етакчи олим ва юқори малакали мутахассислар(ташқи экспертлар) рўйхатини тузади ҳамда белгиланган жадвал шаклида очиқ дарсга оид зарур маълумотларни ўрта, мутахассислик, касб-хунар таълими муассасаси ўқув ишлари бўйича директор муовинига топширади.

Очиқ дарсларни ўтказиш тўғрисидаги кафедралар таклифлари касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар бўйича умумлаштирилиб, директор томонидан тасдиқланади.

Очиқ дарс, одатда икки академик соатга мўлжалланади. Маърузачи савол ва жавоблар учун камида 5 дақиқа вақт заҳирасига эга бўлиши тавсия қилинади.

Маъруза мавзуси, услуби, техник воситалари маърузачи томонидан ихтиёрий танланади.

Очиқ дарс ўтказилиши ҳақидаги ахборот, академик лицей ёки касб-хунар коллежларида бир ҳафта олдин эълон қилинади. Эълонда очиқ дарс мавзуси, маърузачининг фамилияси, исми-шарифи, илмий даражаси, унвони ва тоифаси ҳамда очиқ дарсни ўтказиш куни, жойи ва вақти кўрсатилади.

Очиқ дарсга бошқа академик лицей ёки касб-хунар коллежларидан тажрибали ўқитувчилар, корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

Очиқ дарсда ушбу дарсни ташкил этаётган кафедранинг ёш педагоглари, магистрантлар, аспирантлар ва муҳандис-педагоглариининг қатнашиши тавсия этилади.

Очиқ дарсларни одатда тажрибали педагог ходимлар, янги методик усулларни тавсия қилувчи ўқитувчи, муҳандис-педагог шунингдек касб-хунар коллеж директори ҳамда унинг ўринбосарлари ўтказадилар, ишни янги

бошлаётган ўқитувчи ёки муҳандис-педагоглар улардан машғулотлар ўтказиш методикасини ўрганиб олишлари мумкин. Дарснинг сценарийси ва режа ўқитувчи томонидан тузилади ҳамда кафедранинг эътиборига ҳавола қилинади. Очiq дарсларнинг режасини тузишда, дарсларнинг барча турларида самарадорлигига эришиш ўқув жараёнини воситаларига аҳамият бериш талаб қилинади. Очiq дарсларни ўтказиш режаси касб-ҳунар коллеж ректори ёки унинг ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқланади. Очiq дарсларнинг мавзуси муалиф томонидан белгиланади ва ўқув адабиётларида кам ёритилган ёки мураккаб бўлган мавзуларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир очiq дарсга пухта тайёргарлик кўриш керак, бу тайёргарлик очiq дарснинг ҳамма элементларини ишлаб чиқариш, иш босқичларни вақтларга бўлиш, дарсни кўргазмали материаллар билан таъминлаш, дарсни самарали амалга ошириш мақсадида янги фаол мезонларидан унумли фойдаланиш талаб қилинади. Очiq дарсдан сўнг 2-3 кун ўтгач, талабаларнинг шу дарсдан олган қолдиқ билим, кўникмасини аниқлаш учун синов ўтказилади. Синов натижаларидан очiq дарснинг якуний муҳокамасида фойдаланилади. Дарс бошланишдан олдин директор, директорнинг ўринбосари, муҳандис-педагог раҳбари ёки методик комиссия раиси дарс қатнашчиларига уларнинг нимага эътибор беришлари кераклигини тайинлаб, дарснинг мақсад ҳамда вазифалари ҳақидаги гуруҳнинг хусусиятлари тўғрисида ахборот беради.

Очiq дарсга қўйиладиган талаблар

–Очiq дарс таълим-тарбия, интеллектуал ривожланиш, жисмоний ва рухий барқарорланиш жараёнининг ташкилий қисмларидан бири бўлиши керак.

–Дарс сценарийсида дарснинг илмий аҳамияти илмий асосланганлиги, ёритилаётган мавзунинг аниқлиги, илм-фан ривожининг ўрни, мавзу бўйича илмий муаммолар борлиги акс эттирилиши лозим.

–Дарснинг методик оптималлилиги, ўқитишнинг техникавий воситаларнинг тўғри танланишига алоҳида аҳамият бериш керак.

–Дарс шаклидан қатъий назар, мақсад талабани мустақил фикрлаш ва мустақил таҳлил қилишга йўллаш ўқув жараёнининг асосий омили эканлигини кўзда тутиш зарур.

–Очиқ дарс ўқитувчининг ўқув жараёнидаги илмий-методик изланиш натижаси бўлиб, унинг таҳлилий меҳнати натижаси эканлигини кўрсатиш лозим.

Очиқ дарсларни тайёрлаш

Ўқитувчи очиқ дарсга тайёрланишда қуйидагиларга эътибор бериши керак:

–дарс вақтини оптимал режалаштириш;

–манбаларни чуқурлаштириш;

–шу дарсдаги гуруҳ талабаларининг ўзларига хос имкониятларини ҳисобга олиш (дарс мавзусини тушунтириш учун аввал олган билимларнинг кўникма даражасини билиш);

–дарс беришнинг услуб ва воситаларини тўғри танлаш;

–иқтидорли ёшларга академик лицейда ва касб-ҳунар коллежида чуқур таълим бериш, тарбияларига жавоб бериш.

–Очиқ дарс мавзусини шундай танлаш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини, методик таълимини ва дарс ўтиш воситаларини аниқ кўрсатиш.

–Очиқ дарс тайёрланиш даврида ўқитувчи илмий-методик изланиши, кўргазмали қурооллар ва техник воситаларнинг замонавий манбаларидан фойдаланиши керак. Бу ўқитувчиларда таҳлил қилишга қизиқиш уйғотиб, замонавий ютуқлардан бохабар бўлиш имкониятини яратади.

–Дарс сценарийсида белгиланган вақт давомида ўқитувчи ва ўқувчини кераклигини аниқ кўрсатилиши керак.

–Дарснинг моддий-техникавий таъминотини илгаридан тайёрлаш, барча кўргазма ва намойиш воситалардан фойдаланиш кетма-кетлигини аввалдан режалаштириш керак.

–Кафедралар очик дарсга тайёрланиш вақтида, муаллифга техникавий, методик ашъевий ва таҳлилий ёрдам бериши керак.

Очик дарснинг методик таъминоти

1. Дарснинг методик мажмуаси қуйидагилардан иборат:

–фаннинг тақвим-мавзу режаси;

–маъруза матни ёки машғулотлар (лаборатория, амалиёт, мустақил иш ва ҳоказо) нинг режаси;

–дарс сценарийсида кўрсатилган дидактик, кўргазмали материаллари ва бошқа техникавий воситалар;

–назорат иши учун саволлар тўплами;

–уй вазифаси саволлари ёки масалалари тўпламлари;

–ўз-ўзини назорат қилиш саволлари.

Методик мажмуанинг таркибида дарс тури билан боғлиқ ҳолда танланади.

2. Очик дарснинг методик мақсади қуйидагича таърифланиши мумкин:

–амалий дарсларда компьютер техникасидан фойдаланиш;

–таълим-тарбиявий жараёндаги муаммоли таҳлилнинг ўрни;

–янги мавзунини ўзлаштиришдаги техникавий воситаларидан фойдаланишнинг ўрни;

–фанлараро боғлиқлик, билимни синовдан ўтказиш;

–талабанинг мустақил ишлашини ташкил қилиш;

–талабаларнинг ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш;

–талабанинг кўрсатма ва дидактик манбалар билан ишлашини оптималлаштириш ва ҳоказо.

3. Дарснинг методик қўлланмаси очик дарс муҳокамасида кўрсатилган ижодий таклифлар билан бойитилган ҳолда қайта ишлаб чиқилади, таълим муассасаси методик кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг оммалаштиришга тавсия қилинади.

Очик дарс, барча дарслардек доимий ишчи шароитда ўтказилади.

Очиқ дарсга ташриф буюрувчилар ўқитувчи ва талабаларга ҳалақит қилмаслик учун, ўз ўринларини аввалроқ эгаллайдилар. Очиқ дарсга ташриф буюрган шахслар дарс вақтида ва талабалар олдида ҳеч нарсага аралашмайдилар ва дарсга ҳалал бермасдан ўқитувчи ҳамда талабаларнинг ҳаракатларини ўрганиб турадилар. Очиқ дарсга ташриф буюрганлар муаллифнинг олдида қўйган мақсадига қандай эришишини диққат билан кузатадилар ва ўз фикрларини ташриф варақаларида қайд қилиб берадилар.

Очиқ дарс ўтказилган куни дарсни таҳлил қилувчилар ўз фикрларини ўзаро муҳокама қилиб, қарор баённомасини тайёрлайдилар. Очиқ дарсдан сўнг 2-3 кун ўтгач, очиқ дарс мавзуси бўйича талабаларнинг қолдиқ билим (кўникма) даражаси синов орқали аниқланади.

Очиқ дарснинг муҳокамаси ва таҳлили

1. Очиқ дарснинг таҳлили, унда қатнашган талабаларнинг қолдиқ билим даражаси аниқлангандан сўнг ўтказилади.

2. Очиқ дарснинг таҳлили кафедрада таълим муассасаси маъмурияти иштирокида ўтказилади.

3. Муҳокаманинг мақсади - дарсни тўғри ўтказилганлигини баҳолаш, танланган услуб ва воситаларнинг мувофиқлигини аниқлаш, муаллифга у танлаган айрим услуб ва воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатиш.

4. Муҳокама куйидаги таркибда ўтказилиши тавсия қилинади:

– дарсни олиб борган ўқитувчи;

– дарс таҳлилида иштирок этган ўқитувчилар;

– кафедра аъзолари;

– таълим муассасаси маъмурияти, ўқув ва методик ишлар бўйича маъсул ходимлар.

5. Муҳокама иштирокчилари тўлиқ фикрга эга бўлиши учун, дарс муаллифига биринчи сўз берилади. Муаллиф дарснинг мақсади ва унга эришиш учун қўлланган услуб ва фойдаланилган воситалар ҳақида аниқ маълумот беради.

6. Муҳокамада сўзга чиқувчилар дарснинг барча ютуқ ва камчиликларини тўлиқ очиб беришлари лозим. Муҳокамада дарсда эришилган ютуқ, қўлланилган услубларнинг самарадорлигига, жиҳоз ва техникавий воситалардан фойдаланиш даражасига алоҳида эътибор берилиши зарур. Муаллифнинг келгусидаги ишида ёрдам бериш учун барча йўл қўйилган камчиликлар ва ортиқча ҳаракатлар аниқ кўрсатилиши керак.

7. Муҳокамада сўзга чиққанлар таҳлил қилинган методик мажмуанинг тарбиявий томонини, талабаларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантиришга таъсирини, улар орқали келгусидаги мутахассисга керак бўлган сифатларни шакллантиришдаги ўрин ҳақида фикр билидиришлари керак.

8. Муҳокама оқилона ва дўстларча вазиятда фикр алмашиш, баҳслашиш шароитида ўтиши лозим.

9. Муҳокама охирида муаллифга яна сўз берилади.

Очиқ дарс натижаларини ўқув жараёнига жорий этиш

1. Кафедранинг таклифига биноан очиқ дарс таҳлили натижаси ўқув жараёнига жорий этилиши керак бўлган илғор педагогик тажриба ҳисобланади.

2. Очиқ дарснинг методик мажмуасини кенг жорий этиш учун унинг барча манбалари (сценарий, техникавий воситалар, маърузалар матни ва ҳоказо) ўқитувчилар ўртасида оммалаштирилади.

3. Очиқ дарсда қатнашган ўқитувчилар варақада тўлдирилган очиқ дарс таҳлилини ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарига топширадилар.

4. Очиқ дарс бўйича методик қўлланмаларни тайёрлаш, таклиф ва хулосаларнинг таҳлили илғор педагогик тажриба татбиқларига киритилади.

5. Таълим муассасаси кенгашида очиқ дарс натижалари кенгаш аъзоларига етказилади. Педагогик кенгаш қарорига илғор педагогик тажрибалардан фойдаланиш тўғрисидаги аниқ таклиф ва тавсиялар киритилади.

6. Таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш услубларининг янги, илғор шакллари амалда қўллаб-қувватлаши керак.

Саволлар ва топшириқлар

1. Таълим методлари ҳақида маълумот беринг.
2. Метод нима?
3. Интерфаол методлар нима ва уларнинг самарадорлигини асослаб беринг.
4. Ўқув машғулотларини ташкил этишнинг усуллари ҳақида гапириб беринг.
5. Маъруза машғулотлари қандай ташкил этилади?
6. Семинар машғулотларининг маъруза машғулотида фарқи нимада?
7. Амалий машғулот қандай тарзда ўтилади?
8. Якка машғулотларда талабанинг қандай жиҳатлари бирламчи?

Резюме

“Мутахассислик фанларини ўқитиш услубияти” фани яхлит фан ҳисобланиб, мутахассислик фанлари қаторида ўргатилади. Фан учун ажратилган ўқув соатлари маъруза, амалий, семинар ва мустақил таълим машғулотлари сифатида олиб борилади.

Мазкур мавзуда махсус фанларни ўқитиш жараёнида таълим методлари ва улардан фойдаланиш усуллари, таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш усуллари; ўқув машғулотларини ташкил этиш усуллари илмий-назарий ва амалий жиҳатлари ёритилади.

Шиддат билан ривожланаётган даврда ўқитиш тизимида ҳам инновацион усул ва ахборот технологияларидан фойдаланмасдан туриб, бир мавзунинг илмий ёки амалий жиҳатини очиқ бериш қийин. Мазкур мавзунинг ёритишда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг самарадорлик усуллари катта эътибор қаратилди.

Шунингдек, анъанавий таълим тизимида кенг қўлланиладиган маъруза, амалий, семинар ва айнан мазкур соҳанинг хусусиятидан келиб чиқиб олиб бориладиган якка дарс машғулотларига ҳам алоҳида тасниф берилди. Маъруза ва амалий машғулотлар талабанинг умумий фикрлаш доираси ва билим,

кўникма ва малакасини оширишга хизмат қилса, якка дарс машғулоти тари талабанинг айнан индивидуал маҳоратини ва билим доирасини оширишга тааллуқлидир.

Таянч сўзлар:

Таълим методлари, оғзаки методлар, кўргазмали методлар, амалий методлар, анъанавий дарс, маъруза, фикрни содда тилда баён этиш, рағбатлантириш, савол-жавоб методи, интерфаол методлар, кичик гуруҳларда ишлаш методи, давра суҳбати методи, ролли ўйин методи, муаммоли вазият методи, амалий машғулотлар, семинар, якка машғулотлар, очик дарслар.

Эстрада актёрлиги ихтисослигида режиссура ва актёрлик маҳоратини ўқитишнинг назарий асослари

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Актёр ва режиссёр таълими;
- ✓ Актёр фаолияти мотивлари;
- ✓ Режиссёр фаолияти мотивлари;
- ✓ Театр одами фаолиятини баҳолаш мезонлари;
- ✓ Актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси муаммосига доир.

Мазкур мавзуда театр одамининг базавий иқтидор хусусиятлари, эҳтиёжлари ва талаблари, шунингдек роль ва спектакль яратишни таъминловчи касбий маҳорати кабилар кўриб чиқилади. Театрда ўз фаолиятини бошлаган шахс унинг ижодий меҳнати қандай мезонлар асосида муҳокама қилиниши ва баҳо берилишини ва шу муносабат билан ўз касбий фаолиятини қандай қилиб самаралироқ ташкил қилиш мумкинлигини билиши лозим.

Актёр ва режиссёр таълими. Актёр ва режиссёр тайёрлаш ишида қуйидаги ғоя энг муҳим тезислардан бири ҳисобланади. Унинг маъноси шундаки, режиссёр ва актёр касбларига ўқитиш ишига фаол ёндашувни қўллаш ўқув-бадий жараянни шундай ташкил қилишни назарда тутадик, бунда асосий ҳаракатлар таълим олаётганга “очиқ берилиши”, яъни гўёки биринчи марта ёзилган, ўйлаб чиқарилган бўлиши, сўнгра эса турли адабий материалда онгли равишда амалга оширилиши, такрорланиши, ривожлантирилиши лозим.

Тажрибали ўқитувчида бадий йўналишдаги кўпгина ҳаракатлар кўникмага айланганига, англаш қийин бўлган даражагача етганлигига анча бўлган. Унинг учун кўпинча талаба билан бирга автомат равишда ҳаракат қилаётганини, айнан қайси ҳаракат унинг учун онгли кўникма (демак қайсидир маънода ўзлаштирилган) бўлиб қолишини махсус белгиламайди. Маҳсулот (спектакль, роль) яратувчининг одатий бўлиб қолган ролини амалга оширади.

Баъзи талабалар намуна бўйича таълимдан зарурий кўникмаларни шакллантириши мумкин. Аммо фақат улар табиий фикр юрита олиш қобилиятига эга бўлганда, устози уларнинг кўз олдида нафақат ташқи, балки айнан ички ҳаракатни бажарганлигини тушуна олгандагина бу кўникма пайдо бўлади.

“Намуна бўйича” таълим ўрганилаётган ҳаракатларни мураккаблиги, уларни алоҳида, аниқ белгиланган “қадамларга” тақсимлашнинг қийинлиги ёки ўқитувчи ва талабанинг бу фаолиятни соддароқ ҳаракатлар занжирига ажратиш кўникмасини мавжуд эмаслиги каби икки сабабга кўра вужудга келади.

Санъат институтида актёрни ўқитиш чоғида роль устида ишлаётганда унинг олдида умумлашган усулни, персонаж образи мисолида гавдаланиш усулини эгаллаш вазифаси туради. Бу вазифа нафақат педагог билан бирга шогирднинг парчаларда ва диплом спектаклларда аниқ ролларни анъанавий педагогикасида қўлланадиган йўл билангина эмас, балки таълим олаётган томонидан бўлажак касб фаолиятини моделлаштириш (англаш) бўйича баъзи топшириқларни бажариш йўли билан ҳам ҳал қилиниши мумкин.

Ҳақиқий актёрлик фаолиятида аниқ бир ролни гавдалантириш, спектаклда артист-роль ҳаракатларининг узвийлигини таъминлаш режиссёрнинг асосий фикрига боғлиқ бўлади. Бу ўз навбатида унинг касбий тажрибаси, актёрлар гуруҳининг ижодий имконияти, ижтимоий-маданий вазиятларга боғлиқ равишда гавдалантирилади. Бундай қийин вазиятлар орасига тушиб қолган ёш актёр, агар тақдир уни роль яратишда актёрларнинг ўзига таянадиган маҳорати пастроқ ёки оддий сахналаштирувчи режиссёр билан рўбарў келтириб қўйса, ўзини батамом йўқотиб қўймаслиги учун роль яратиш кўникма ва малакалари билан қуролланган бўлиши керак.

Маълумки, ҳаракат – бу актёрнинг материали, лекин бу баъзан бирёқлама ва саёз тушунилади. Персонаж образини яратиш бўйича “персонажнинг пьесадаги ҳаракатлари” ва “актёр ҳаракатлари” тушунчаларини фарқлаш муҳим. Персонаж мақсади репетиция пайтида унинг роль яратиш вазифаси сифатида белгиланади, аммо бу вазифани аслида пьеса муаллифи эмас, балки

уни талқин қилаётган (режиссёр, актёр) “ҳал қилади”. Шунинг учун кўпинча актёрнинг ролдаги мақсади ва персонажнинг мақсади уйғун ва ажралмас бўлади, аммо улар ҳеч бўлмаганда ўқув-репетиция жараёнида мавжуд бўлиши зарур бўлади, негаки бўлажак актёр ўз касбида зарур бўладиган кўникмалар ва малакаларни онгли равишда эгаллаши керак, ўқув спектакларида бир неча аниқ ролларни ўйнаш етарли эмас.

Биз гап юритаётган таълим мақомини эгаллаш лозим бўлган ролни яратиш бўйича актёр ҳаракатлари тизимини ўз-ўзидан турли сабабларга кўра батафсил тасвирлаш қийин. Уларга кўпгина ҳаракатларни ички ҳаракатларга мансублиги, актёр фаолиятининг психофизик ҳолати, энергетикаси ва бошқа мураккаб жараёнларга тегишлилиги кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек актёр персонаж образини яратаётган пайтда унга яқинлашиб бориш даврида рўй берадиган турли ташқи ва ички жараёнлар ўртасидаги алоқалар ва ўтишларни қийинлаштиради. Актёрларни томошабин билан у ёки бу мулоқоти, стилистикаси, у ёки бу жанрий тўхтамига кўра спектаклни тизиш имконини берадиган белгили тизимини онгли равишда ўзлаштириш зарур.

Турли табиатга (ақлий, ҳиссий ва ҳ.к.) эга бўлган баъзи ҳаракатлар мисолида образни куриш динамикасини кузатамиз. Тадқиқодчилар ва театр педагоглари актёр томонидан персонажга ақлий баҳо берилишига кўп ҳам эътибор қилавермайдилар, негаки бундай баҳолаш жараёни чуқур ва замон нуқтаи назаридан талқин этишда муҳим ҳисобланади ва шу билан жамиятда доим рўй берадиган янги ўзгаришларда театрни иштирок этиши таъминланади. У ёки бу баҳо санъаткорнинг фикри ва қадриятига боғлиқ бўлади, улар эса ролни яратиш жараёнида ҳам, уни томошабин кўз олдида намоиш этилган бутун даврда ҳам ўзгариши мумкин. Унда нима учун актёрлар кўпинча ўз ролларининг “адвокати” бўлиб қолади? Нима учун улар буни ҳатто умуман бадий асарнинг ахлоқий мувозанати бузилиши мумкин бўлган пайтда ҳам амалга оширади? “Ўз ботинига” разил одамни киришига имкон бериб, у билан уйғунлашиб кетиб, унинг қилмишларини худди ўзимизнинг ҳаётдаги қилмишларимизга нисбатан бўлганидек оқлашга ҳаракат қиламиз. Аммо бошқа

томондан спектаклда жамиятга маънавий зарар келтирмаслик учун ахлоқий баҳо, маънавий муносабатнинг маълум тизими бўлиш зарур. Негаки, “киллер”, “мафия” аъзоларини ортиқча эстетиклаштириш билан боғлиқ салбий ҳолат дастлаб фақат Голливудда рўй берган бўлса, энди ўзбек кинематографиясида ҳам пайдо бўлиб қоляпти.

Бу муаммо шунчаки юзаки қараладиган оддий муаммо эмас. Станиславскийнинг “вахший ролини ўйнаётиб, у қаерда пок эканлигини қидир”, деган маслаҳати ҳаммага маълум. Таниқли режиссёр психологик ҳаққонийлик, инсонга кенг маънода қараш, спектаклда кўрсатилган инсон шахсини теран бўлиши учун доимий курашиб келди. У яна ҳеч қачон “баттол одамларнинг ролини ўйнаётиб, уларни яхши одам сифатида талқин қилиш керак” демаган эди. Бу ерда гап спектаклнинг концепцияси, у қандай қадриятлар мактабига мансублиги ҳақида кетмоқда.

Маълумки, актёр ва режиссёр кўпинча одамларнинг юриш туришини турли ҳолатларда тасаввур қилади. Улар дарҳақиқат инсоншунослик фанини эгаллайдилар, йўл йўлакай эса инсон феъл атворининг онг ва онг ости ҳислатларига назар солиб, ўзлари ҳам антиқа, лекин табиий равишда ўз онгини “вертикалига” кенгайтиради. Улар қачонлардир буюк драматурглар ҳаёлот олами ёки ҳаққоний равишда яратган Отелло, Медея, Жульетта, Зухра, Майсара, Гофур бой ва бошқалар бўлиш нима эканлигини ботинан, чуқур ва ҳар томонлама тушунишлари зарур бўлади. Актёр ва режиссёр фаолиятида тадқиқий ҳаракатлар ҳам бўлади, бунда умуман асар ёки ундан парчани талқин этиш учун янги усул излаш жараёни кечади. Бунда баъзан илгари топилган онг образи, баъзан бу образлар қоришмасидан фойдаланилади. Аммо агар назариётчи тадқиқодчи изланса ва топилмани сўз маъноси тизимида ифодаласа, актёр ва режиссёр кўпинча рамз, белгиларни ифодаловчи пластик ва овоз образлари, реквизит ва декорация ашёлари кўринишида тасвирлайди.

Нима учун биз доим сахна ва методик усуллар, методлар, воситалар зарурати ҳақида гапирамиз, деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга соддагина қилиб, театр содда бўлиши керак деб жавоб бериш мумкин. Ҳаёт

ҳам, театр ҳам бутун жамоатга тегишли бўлади, фақат ундан бир қисми сахнада, бошқаси томоша залида ўйналади. Ва агар маҳоратли касб эгалари барча театр вазифаларини (ижтимоий, ғоявий, эстетик, алоқавий ва бошқалар) намоён қилиш қобилиятига эга бўлмаса, агар театр одамлари ниҳоятда тор, худбин мақсадларга таянадиган, қашшоқ ишоралар, бўёқлар билан иш кўрадиган бўлса, бундай театр аста-секин ўлиб боради. Аммо у ўлаётиб ҳам жамиятга бадий тилак ва талаблар даражасини тушириб юбориш, дидни бузиш, кибрли сахна маҳсулотига эҳтиёж уйғотиш, маънавий эҳтиёж ва манфаатларни саёзлаштириш, одамларни ахлоқий қадрини йўқ қилиш сингарилардан иборат зарар етказишга улгуради. Умуман бунда у ҳаётни яратмайди, балки уни барбод қилади.

Актёрлик фаолияти мотивлари. Актёрлик фаолияти мотивлари таҳлилига киришаётиб таъкидлаш жоизки, бу омма кўзи олдида рўй берадиган инсон фаолиятини ноёб турларидан биридир, бунда шахснинг нафақат ташқи, балки ички томонлари ҳам (бу ҳам ташқи ифодаланади) кўпгина одамларнинг идрок этиш, баҳолаш, фикрлаш объекти бўлиб қолади. Актёр ўз касби меваларини ташқаридан кузатиш имкониятининг йўқлиги муҳим ва айни пайтда ғайриоддий ҳолат ҳисобланади, негаки ролни унинг ўзи ўйнайди ва режиссёр ҳамда партнёрлар билан ҳамкорликдаги фаолият маҳсулоти натижаси бўлиб қолади.

Кўпгина кузатишлардан, шунингдек ўз-ўзини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, биринчи мотивни биз “театр ҳаёт ёки унданда юқорироқ” деб шартли равишда белгилаймиз. Бу мотивнинг ўзига хослиги нимада, деган савол туғилади. Бизнингча, театр ёрқин ҳиссий ранглар жилосига эга бўлганлиги учун у болани жалб қилиш ва бу “ажойиб ҳаётга” интилишни маънодор қилиб қўяди. Бола бу ҳаётда биринчи навбатда ўзини сахнада, сўнгра эса бошқа жойда кўради. Айнан мана шу театр билан уйқашганлик, унга тўлалигича “шўнғиб кетиш” ҳақиқий актёрнинг яшаш шартларидан бири ва айни пайтда унинг етакчи мотиви ҳисобланади.

Бадий - эстетик мотивлар ҳам аввалги мотив билан узвий боғлиқ. Актёр ўзини фақат роли орқали ифодалаши мумкин. Унинг бадий меҳнати ва изланиш усули ва натижаси ҳам унда кўринади. Фақат ўз ҳаётига “бегонани” киритиб актёр тўлақонли яшайди, унинг ўйлаш, излаш, интилишга имкони бўлади. Актёрда бўшлиқ тажовузкор ва олдиндан айтиб бўлмайди, ҳаётини нуқсонларга, ичкиликбозлик, гиёҳвандликка олиб келиши мумкин. Ҳеч бўлмаганда у ўзини, ботиний софлигини сақлаш учун ижодий қувватини шеър, қўшиқ ёзиш, расм ишлаш каби муқобил ишларга сарфлайди.

Бадий - эстетик мотивлар персонаж образидаги феъл-атворда янгидан-янги кўникма ва малакалар шакллантирилиб актёрнинг касбий ўсишини рағбатлантиради, янги бўёқлар, кирралар, ижронинг янги манераларини, санъатда янги уфқларни очишга ёрдам беради. Театр ҳақидаги адабиётда мавжуд бўлган “ҳунар” тушунчаси турлича талқин қилинади, ҳар ҳолда уни зарарли қатламлардан тозалаш, унга касбни эгаллашнинг зарурий даражасини бериш лозим.

Бир қадар шартлилик билан билиш мотивларини алоҳида таъкидламоқчимиз. Баъзи актёрлар ҳаётини ҳодисаларга катта қизиқиш билан қарайди ва уларни буюк жаҳон драматургиясига мурожаат сифатида англашга интилади.

Ўз маҳоратини англаш ва такомиллаштиришни актёр “умуман” инсонни англашга йўл сифатида тушунади. Масалан, бундай нуқтаи назар Маннон Уйғурга яқин бўлган, у бу такомиллашувни ҳар қандай ролни инсоннинг бутун мураккаблиги ва серқирра хусусиятидек чуқурроқ тушунишни ва театр санъатини ҳақиқий “инсоншуносликкача” олиб бориш лозимлигини ҳис қилди.

Ижтимоий мотивларга мурожаат қилиб таъкидлаш жоизки, улар турли актёрларда турлича бўлиши мумкин, аммо касбнинг ўта ҳиссиётлилиги, оммавийлиги мамлакат, миллат, баъзан эса инсоният муаммоларига шахсий қизиқишни назарда тутди. Баъзан ижтимоий муаммога шўнғиб кетиш касбни ҳақиқий жамоат арбоби вазифаси билан уйғунлаштириш ёки жамоатчилик иши туфайли вақтинчалик ўз касби билан хайрлашишига олиб келади. Ижтимоий

мотивлар актёрда бошқалари каби ўз вақти билан ривожланади. Хусусан, касбий фаолиятнинг бошида у қизиқарли ижодкор шахс, ўзига хос ижодкор сифатида назарга тушишни, кишилар танишини хоҳлаган бўлса, ижодий тақдирининг чўққисида қайсидир роллари билан муҳим бирор нимани айта олганини ҳис қилади. Актёр театрга хизмат қилиш ўзининг миссияси эканлиги ҳақида камдан кам гапиради.

Актёр фаолиятида бадий мотивларни ажратиб кўрсатиш бир қараганда ғалатирок туюлади. Дарҳақиқат, бу ҳар иккала феномен биз тегишли бўлимда аниқлашга уриниб кўргандек бир-бирига яқин. Аслини олганда буларнинг ҳаммаси шунчаки ҳолат эмас. Тасаввур қилайлик, бола “болалар ўйинини” ҳамда “ролли” ўйинларни ўйнапти, театрга меҳри тушиб қолди, аста-секин ақлли раҳбарият таъсири остида айрим саҳнавий кўникмаларни эгаллайди, ашёлар билан ўйнайди, турли “тавсия этилаётган вазиятларда” ўзини ҳис қилиш учун этюдлар билан шуғулланади. Тез орада у ўзининг кичикроқ тажрибасига мос бўлган, масалан, болалар учун пьесалар, эртакларда кичикроқ роллар ўйнай бошлайди. Фақат кейинчалик аста-секин “катталар” саҳнаси усуллари, актёрлик маҳорати учун зарур бўлган “кодли” тилни ва бошқаларни эгаллайди. Аслида бундай эмас, одатда болани роль ўйнашга мажбур қилинади, унинг кучи етмайдиган талаблар асосида оддий “дрессировка” қилинади, кўпчиликни театрнинг сеҳрли оламига киришга бўлган хоҳишини йўқ қилади, уйғун ва табиий ривожига тўсиқ бўлади.

Биз ниҳоятда муҳим, лекин доим ҳам англаб бўлавермайдиган, ўзини, ўз шахсини асраш мотивини алоҳида таъкидлашни хоҳлардик. Зеро актёрлар руҳий ҳолат чегарасини ўрганишда қизиқарли объект бўлиши мумкин (бўлган ҳам). Ходисалар ва воқеаларни бошдан кечириш, алмаштириш, ёрдамга шошилиш, сиқиб чиқариш сингари мураккаб руҳий ва психологик жараёнлар актёрда ролга тайёргарлик ва уни ўйнаш пайтида рўй беради, аммо бу бирдан-бир мақсад эмас.

Баъзан ҳақиқатда, актёр ўзига нисбатан театрнинг қутқарувчи ролини сезади. Хусусан, М.А.Чехов учун ўзини санъатда, ижодда ҳаётдан, ўз-ўзидан

кутқариш мотиви яқин бўлган. Бу ҳақда у қуйидагича ёзган эди: “Саҳнада бўлишим мен учун ҳақиқий руҳий дам олиш бўлган. Бирмунча вақт ўзимни эзиб юрганлардан чалғиб, ижод оламига шўнғиб кетардим, у мени батамом ўраб олар эди”.¹ Бу мотив ҳозир ҳам ўз меҳнати учун арзимаган иш ҳақи олаётган, лекин ўз ишига садоқати учун ва ундан воз кечишнинг имконияти бўлмаётгани учун театрда ишлаб келаётган кўпгина актёрларга хос.

Актёр фаолиятининг алоқа мотивлари ниҳоятда муҳим ҳисобланади, негаки унинг моҳиятини мулоқот ташкил этади (баъзи актёрларнинг болаликда ниҳоятда уятчан бўлганликларини тан олиши коидада кўрсатилгандан истисно ҳисобланади). Шу билан бирга театрда Баҳодир Йўлдошев, Рустам Ҳамидов, Олим Салимов, Наби Абдурахмонов сингари ажойиб одамларни учратиш мумкин. Актёрлик фаолиятидан лаззат, завқ олиш билан боғлиқ мотивлар кимдир у билан таниш бўлса, унинг ўзига боғлаб оладиган “ширин заҳар”, “юқумли одат” ҳақидага тасаввурда ўз аксини топган. Ижодда оммавийлик, ҳаяжон, қондаги адреналин, ижро этилаётган қаҳрамондан қувват олиш, томоша зали билан фикр алмашиш, унга эғалик қилиш сингари сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган бу барча ҳолатларни фақат ҳис қилиш мумкин ва улар ўз касбининг ўзига тортувчи мафтункорлик сабаби бўлиб қолади. Унинг туфайли ва фаолиятнинг кўпгина оғирлиги, айниқса тўлалигича бошқалар ихтиёрида бўлиш сингари кўпгина сабабли актёрлар бу шафқатсиз ва ширин касбдан воз кечишга куч топа олмайдилар.

Режиссёрлик фаолияти мотивлари. Режиссёрлик фаолияти мотивлари ҳаётий мотивларга ўхшаб ниҳоятда кўп ва хилма-хил бўлганлиги учун ҳам улар ҳақидаги тасаввурни умумлаштириш қийин, шунинг учун биз анчайин аҳамиятли бўлган ва кўпроқ учрайдиган мотивлар типологияси билан чекланамиз. Саҳнада янги олам яратиш билан боғлиқ шахс даъвосининг юксак даражасидан гувоҳлик берувчи яратувчилик мотивларидир. Олам дунёнинг модели. Режиссёр бўлган инсон: а) янги оламларни (саҳнада) яратишни хоҳлайди; б) энди у бошқа ҳаққоний оламга нима дейишини билади; в) у буни

¹Громов В.А. Михаил Чехов. – М. 1970. 43-с

Ўзининг фикрининг образли тўхтами, у билан бирга кўп одамлар иштирок этаётган мураккаб ташкилий фаолияти кабиларда амалга оширади.

Спектаклда ўз олами моделини тақдим этиб, маълум бир мавзу, муаммони ёритиш билан режиссёр қатъий бир қадам қўяди, негаки у жамиятга унинг аксини кўрсатади, лекин акс эттирилган башара унинг соҳибига ёқмаслиги билан боғлиқ хавф бор, бунда кимгадир ишора қилаётганлиги билан айбланади.

Ижтимоий мотивлар унинг жамият, социум, ҳокимият кабилар билан алоқасида вужудга келади. Ижтимоий мотивлар режиссёрни бутун жамият билан бўлмаса-да, ҳеч бўлмаганда унинг айрим гуруҳлари, кўпинча ҳукмрон таркиблар билан турли хилдаги баҳсга, курашга киришади. Бу нафақат санъаткорнинг ижтимоий темпераменти чоғида, балки у беихтиёр ўзининг дарди ҳақида гапираётганда ҳам рўй беради, аммо бу таъкидланган парчада томошабинлар ўзларини ўйлантираётган ҳолатни ҳам “таниб қоладилар”.

Санъаткорнинг маънавий, фалсафий дунёқараш нуқтаи назари у ёки бу ҳолатда ҳам спектаклда ўзининг белгили ифодасини топади, бу маълум тўқнашувли пьесани танлашда уни сахнага олиб чиқишга ёндашувда, роллар тақсимот кабиларда кўринади.

Бадий-эстетик мотивлар, табиийки, ҳар бир режиссёр учун муҳим мақсадга интилишлардан бири ҳисобланади, негаки у бутун ўтмиши ва ҳозир билан санъат асари даражасидаги спектакль ва томошани яратишни мақсад қилиб олади, шунга ўхшаш ўзи учун бирор нима очса, бошқалар учун ҳам бирор нима очади. Мана шу бадий кашфиёт зарурати – режиссёр фаолиятига маъно бахш этувчи мотивлардан биридир. Санъатда янги сўз айтиш, янги тил, янги стилистика, томошабин мулоқотнинг усулини, янги мавзу кабиларни очиш – буларнинг барчаси санъаткорга изланиш ва яратиш қувватини бахш этади. Ўз фикрини сахнага олиб чиқиб ва амалга ошириб, режиссёр ўзидан аввалги санъаткорларнинг тажрибасини ҳисобга олади, лекин ўзи ҳам ўз спектакли ёки томошаси, ёки тасаввури билан қандайдир янгилик яратишга чоғланади. Асосан, ҳеч ким бошқа усуллардан нусха олишга интилмайди, бошқа томондан,

кўпинча танқидчилар усуллари иккиламчилигини таъкидлайди, аммо кўпчилик режиссёрлар ўзининг спектаклини бошқалар ижодига таяниб, лекин уларга эргашмасдан саҳналаштиради. Аслида эса театр санъатида маълум оқим, йўналишлар вужудга келади, унинг айрим вакиллари хоҳлайдими ёки йўқ, уларга эргашади.

Режиссёрда, масалан шоирга нисбатан ўз афзаллиги ва муаммолари бор. Шеърлар кейинги даврларда гарчи бошқачароқ идрок этилса ҳам, адабийликка дахлдор бўлиб қолиши мумкин. Спектаклни эса сақлаб қўйиб, ундан хоҳлаган пайтда баҳра олавериш мумкин эмас, у доим ўз даврига қаратилган бўлади.

Режиссёр ижодининг бадий моментлари дастлаб театр феноменининг ўзигагина хос бўлади. Шу ўринда режиссёр қайсидир ҳолатларда фақат ўз устига оладиган “роли”, нуқтаи назарларини номлаб ўтамыз:

- ижодкор;
- маънавий, бадий етакчи;
- ижодий жамоанинг етакчи ташкилотчиси, раҳбари;
- санъат бўйича дўст, ўртоқ;
- фитначи, восвос (баъзан);
- зулмкор, дрессировкачи (баъзан);
- актёрлар ва томошабинлар учун “жонли кўзгу”;
- талқинчи, пьесани ақл билан ўқувчи;
- спектакль нутқ партитурасининг композитори;
- рассом, композитор, актёрлар билан ҳам ижодкор;
- психолог, педагог;
- доимий равишда ҳукумат органлари билан қандайдир муносабатларга киришадиган жамоат арбоби;
- продюсер, бизнесмен.

Юқорида номлари келтирилган барча роллар вақт, турли қобилиятлар, ҳеч бўлмаганда олий ўқув юртида мақсадга йўналтирилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш кабиларни назарда тутаяди, булар ҳақида биз яна тегишли бўлимларда сўз юритамиз.

Ижодда бадиийлик инсоннинг психофизик табиати, унинг темпераменти, характери, иродаси билан боғлиқ бўлади. Профессионализм ривож бадиийликка путур етказиши керак эмас, аксинча уларни ривожлантириши, қўллаши, мотивларнинг кейинги гуруҳларини ҳам рағбатлантириши керак.

Билиш мотивларини алоҳида таъкидлашни истардик, негаки режиссёр доимий равишда реал воқеликнинг бирор объекти, ёндашув, бадиий усул кабиларнинг билиш жараёнини амалга оширади. Гап шундаки, у доимий равишда қандайдир воқеликни махсус ўрганиши, уни англаши, бир пайтнинг ўзида унга бадиий образ хусусиятини бахш этиши керак. Баъзан режиссёр қомусий билимга эга бўлиши зарур, деган гаплар эшитилиб қолади, лекин бунинг маъноси талабалар учун анчайин ноаниқ. Дарҳақиқат, бу билимларнинг вазифаси хилма-хил, яъни қизиқарли актёр бўлиш керак, ўз нуктаи назарига эга бўлиш, “олам модели”ни тузиш лозим ва энг муҳими, инсон турмушидаги асосий муаммоларни тушуниши зарур. Буларнинг ҳаммасига улкан заковат ва тафаккур ишисиз эришиб бўлмайди.

Ақлий фаолиятнинг турли даражаларида мавжуд бўлган режиссёрнинг шахсий мотивлари кўпқиррали ва хилма-хилдир. Уларнинг ўртасида моддий фаровонликка интилиш, ҳаёт даражасини мўътадиллаштириш кабилар, табиийки, маълум ўрин эгаллайди, аммо бу ички ва ташқи характердаги турли вазиятлар, шунингдек ҳаёт давомида вужудга келган эҳтиёжга боғлиқ бўлади. Аммо бу гуруҳда ижод қилиш имкониятининг ўзи муҳим мотивлардан бири ҳисобланади, айнан шу нарса ҳаёт фаолиятининг ўзи бўлиб қолади.

Муаллифнинг ўз фикрининг ижодий ифодаси мотивлари уларнинг бу ерда номлари келтирилган мотивлар билан ҳақиқий яқин бўлишига қарамасдан, санъаткорнинг ҳаёти давомида катта ўзгаришларга учрайдиган алоҳида гуруҳларини кўрсатиб ўтамиз. “Исёнкор рух” мотиви улардан асосийси бўлиши мумкин, айнан шу нарса бу антиқа фаолиятга мурожаат қилишни рағбатлантиради. Ҳаммаси Театр деб аталувчи ажойиб хилқатга муҳаббат пайдо бўлишидан бошланади, унга керак бўлишдек хоҳиш туғилади, сўнгра мавжуд ҳолатларга нисбатан норозилик пайдо бўлади ва ҳаммасини ўзича

гапириш нияти вужудга келади. Сўнгра касб маҳоратини ўсиши, ўз вақтини у ёки бу даражада ифодалаш, унинг образи ва муҳитини ёритиш, бу санъаткорнинг руҳи ва қалби билан ҳис қилинган ва англашган, у ўз маъноли сўзини маълум мазмунини тўплаган маданият олами ва ҳаққоний воқелик оламидан иборат омиллардан асосийсини акс эттириши рўй беради.

Режиссёрда катта аҳамиятга эга бўлган ва кенг тарқалган алоқа мотивлари ҳақида биз театрда мулоқот бўлимида батафсил сўз юритамиз. Фақат таъкидлаш жоизки, режиссёр касбининг ўзининг мақоми уни бошқа спектакль яратувчилардан юқори қўяди, улар интуициянинг ўзи билан бунга қарши бўлиши мумкин. Спектаклни муддатида топшириш зарур бўлганда алоқа мотивлари кўпинча бадий-эстетик мотивлари билан, яратувчанлик, ишлаб чиқариш мотивлари эса билиш мотивларига қарама-қарши бўлиб қолади.

Режиссёр фаолияти мотивацияси К.С.Станиславский, унинг издошлари ва оппонентлари томонидан тадқиқ этилди, аммо ҳали етарли даражада психологик ишлов берилмади. Биз биринчилардан бўлиб, “санъат одами”ни шакллантиришнинг бош мақсадларини англаш учун биринчи қадамлардан бирини қўйдик.

Режиссура ва актёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси муаммоси. Режиссура ва актёрлик маҳоратини ўқитиш вазифасини педагогика, психология, театр ҳақидаги фан - театршунослик сингари таълим ва тарбия жараёнларини ўрганувчи фанларни синтез қилиш билангина амалга ошириш мумкин. Юқорида номланган фанлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайдиган фанни “актёрлик маҳорати ва режиссёрликни ўқитиш методикаси” қабилида номланиши керак. Бу хусусий методика таҳлили унинг объекти ва предмети тушунчаларини чеклаш заруратига олиб келади. “Фан объекти – бу турли фанлар томонидан ўрганилиши мумкин бўлган жиҳатдир. Моддий ва номоддий воқелик, жисмлар, жараёнлар, жонли биологик ва мавҳум тизимлар ва бошқалар объект бўлиши мумкин. Ўсимлик ва ҳайвонот олами, инсон, жамият,

тараққиёт, коинот ва бошқалар илмий (назарий ва амалий) тадқиқот объекти сифатида намоён бўлади”.¹

Бўлажак актёрлар ва режиссёрларнинг ривож, таълим ва тарбияси жараёни актёрлик маҳорати ва режиссёрликни ўқитиш методикасининг объекти, педагогика, замонавий таълим психологик назариялари ва театр эҳтиёжлари талабларига мос бўлган бу жараёни ташкил қилиш қонуниятлари унинг предмети ҳисобланади. Ушбу методиканинг ижтимоий аҳамияти билан боғлиқ, шунинг учун Ўзбекистон фуқароларини, халқона руҳдаги ёшлар тарбиясининг эстетик ва этик мақсадлари учун унинг имкониятларидан фойдаланилмаяпти.

Актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси нафақат театршунослик, педагогика ва психология, балки дидактика, педагогик психология, эстетика, бадиий ижод назарияси кабилар билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак, адабиётшунослик, психоллингвистика ва бошқа фанлардан фойдаланиши зарур. Ушбу методикада ўрганиладиган жараёнлар фақат театршуносликнинг диққат марказида бўлмайди, негаки унинг манфаатлари доирасига актёр ижроси ва спектакллар ҳамда томошаларни саҳналаштиришигина эмас, балки биринчи навбатда, талаба томонидан билимларни ўзлаштирилиши, бу мураккаб фаолият турини амалга ошириш кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёни киради. Шунинг учун китобда тавсия этилаётган парчалар, методика вариантлари асосида “ўқув жараёни”, унинг “мақсад ва вазифалари”, “воситалар”, “методлар”, таълим “шакли” сингари тушунчалари билан таълим назарияси сифатидаги дидактикадан олинган тасаввурлар ётади.

Гарчи таълим театр соҳасига тегишли экан, ушбу методика асосини К.С.Станиславский, Вл.И.Немирович-Данченко, В.Э.Мейерхольд, Е.Б.Вахтангов, М.А.Чехов, М.Уйғур, Е.Бобожонов, Т.Хўжаев ва уларнинг издошлари бўлган замонавий театр педагоглари таклиф этган методлар ташкил қилган анъанавий театр педагогикасини ўқитиш воситалари ва усуллари

¹Зимняя И.А. Педагогическая психология. Учебник для вузов. – М. 1999. 22-с

арсеналини ишлаб чиқиш ва педагогик мослаштириш зарур бўлади. Театршунослик ушбу методикани “театрга” ва “театр учун” тайёрланаётган инсон бу фаннинг умумий объекти эканлиги англатади. Театршуносликда турли бадиий йўналишларга мансуб бўлган турли режиссёрлар томонидан спектакллар сахналаштиришни талқин қилиш, юртимиздаги ва хорижий театрлар актёрлари ижодини тадқиқ этиш, антикликдан ҳозирги давргача бўлган “театр инсонини” тайёрлашни таҳлил қилиш сингари тажрибалар бор.

Бу методика педагогик психология фанида шакллантирилган билимни ҳам айланиб ўта олмайди, негаки бутун таълимда, айниқса санъат таълимида КИМ ўқитиши, КИМНИ ўқитиш, НИМАГА ўқитиш, ҚАНДАЙ ўқитиш кабиларнинг барчаси муҳимдир. Педагогик психология ўқув фаолияти субъектларининг педагог ва талаба сифатидаги шахсий ва касбий сифатлари, ўқув фаолияти мотивацияси унинг фан мазмуни, билимларни ўзлаштириш қонуниятлари, кўникма ва малакаларни шакллантириш, педагогик фаолият тавсифи ва мазмуни кабилар билан боғлиқ муаммоларни ўрганади.

Театр педагогикаси ва театршунослик илмий педагогика ва педагогик психология билан театр санъатини эгаллашга йўналтирилган педагогик жараённинг асосий қонуниятлари ва элементларини ўрганувчи “актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси” деб номланган янги илмий йўналишни ўрганиш учун ўз кучларини бирлаштириши зарур. Бунда қобилиятли инсонни театр арбобига айлантириш йўллари ва усуллари ва бу айлантиришнинг мақбул ва номақбул шароитлари ҳақида тасаввур шакллантириш муҳимдир.

Ривожланган, таълим олган, такомиллашишга қобилиятли бўлган актёр ва режиссёр натижаси бўлиб қоладиган бадиий – педагогик жараён ниҳоятда мураккаб ва кўпқиррали жараён ва шу билан бирга бу педагогик жараённинг кўриниши, негаки унда ижодий хусусиятдаги топшириқлар кўпроқ бўлади. Унда ўқитиш жараёнлари ва педагог томонидан тарбиявий таъсир ва талабанинг ўқув-бадиий фаолияти уйғунлашади. “Бадиий цикл” деб номланадиган ёндош фанлар ва сахна нутқи, сахна ҳаракати, вокал, хорижий ва

Ўзбек театри тарихи ва адабиёт сингари назарий фанлар театр арбобини шаклланиши ва ривожланишини самарали рағбатлантирувчи омил бўлиб қолади. Бу фанлар ва “актёр ва режиссёр маҳорати”нинг ўзаро таъсири яққол кўриниб туради, аммо уни театрнинг ўтмиши ва ҳозирини англаш, ёрқин ва компетентли тасаввур қилиш қобилиятига эга бўлган талабанинг театр-бадий дунёқарашини янада ривожлантирадиган қилиб такомиллаштириш лозим. Бу талабанинг театрнинг келажагини яратиш мақсадида онгида образларни бирлаштириш имконини беради.

Саволлар ва топшириқлар

1. Актёр ва режиссёрнинг аҳамиятли касбий ҳаракатларини тасвирлаб беринг.
2. Агар актёр роль устида ишлаётганда ҳаракатлари тизими таълимнинг бош мақсадларидан бири мақомига эга бўлса, бу унинг касб маҳоратини шакллантириш учун қандай имконият беради?
3. Актёр билан режиссёр ўртасида алоқа бўлмаган пайтда нима учун спектакль тўлақонли асар тасаввурини бера олмайди?
4. Ҳозирги пайтда ўзингиз учун театр ҳаётидан қониқиш эҳтиёжини нимада деб ўйлайсиз?
5. Эҳтиёж ва фаолият мотивининг мутаносиблиги нимада?
6. Замондошимиз бўлган ёки ўтмишдаги машҳур актёр ва режиссёрларнинг фаолияти мақсад ва мотивларидан ўзингиз тасаввур қилаётганларингизни номланг.
7. Актёрнинг ўзини ролга бағишлаш даражаси, маҳорати ва фаолиятининг етакчи мотиви ўртасида алоқа мавжудми?
8. Ўзингиз танлаган бирор спектаклни ёки алоҳида ролни бобда келтирилган ва ўзингиз тўлатган тасаввурларни баҳолаш мезони схемаси ёрдамида тавсифланг ва баҳоланг?
9. Ҳозирги пайтда актёрлик ёки режиссёрлик касбини эгаллаш соҳасидаги ўзингизнинг кучли ва кучсиз томонларингизни (ўзингиз учун) белгилаб олинг.

Келтирилган схема ёрдамида сиз ўзингизнинг технологик ва техник ҳислатларингиз ва афзалликларингизни англаб олишингиз мумкин бўлар.

Резюме

Ишчан ёндашув ёрдамида ўзингизни театр санъаткори сифатида шаклланишингиз жараёнининг кўпгина муҳим шартларини белгиловчи касб фаолияти асосий мақсад ва мотивларини аниқ англашга ҳаракат қилинг. Натижада: а) ўзингизни ролга (ёки спектаклга ва ҳ.к.) тайёргарликка қаратилган); б) актёрни ролдаги ҳаракатига; в) актёр ва персонаж яхлит вужуд бўлган пайтдаги образ ҳаракати кабилар аниқ фарқлаб олинади. Дастлабки икки гуруҳ (“а” ва “б”) “роль устида ишлашнинг умумлашган усулини” “хунар” билим жараён технологиясини эгаллаш асосидан иборат бўлади. Учинчиси эса (“в”) сарфланган меҳнат, иқтидор, илҳом учун натижа, совға бўлиб қолади, бунда санъат элементи мавжуд бўлади. Кейингилари ноёб ҳаракатга айланади, улар билим, кўникма ва эркин ҳиссиётга асосланган бўлади, аммо уларнинг бадиийлиги даражаси, маълум “санъат даражасига” тегишлилиги ижодкорнинг кўплаб ички ва ташқи омилларига боғлиқ бўлади.

Бу бўлимда тавсия этилаётган мотивлар хусусияти бошловчи актёрларга театрнинг қадриятлари ва хавфлари, тўсиқларини англашга, санъатда (ёки санъатдаги бизнесда) ўз йўлини онгли равишда танлашига ёрдам бериши мумкин. Бўлажак актёр (режиссёр) у репетиция ўтказадиган ёки роль ўйнайдиган (спектакль, томоша кўядиган) аниқ етакчи мотив доим мавжудлигини тушуниши лозим. Бу ўзи учун сеvimли бўлган иши, имкон даражасида санъатга қўшган ҳиссаси, ўсиш, онгини ривожлантириш, томошабинлар учун шахсий ижод сингарилар бўлиши мумкин. Табиийки, санъаткор фаолияти ярим мотивлаштирилган, аммо унда ҳамма нарсани белгилайдиган, ҳаммасини ўзгартирадиган асос, ядро бор. Шунда санъаткор аста-секин “ёруғлик мавжудоти” ёки “қоронғулик мавжудоти” бўлиб бораверади. Бу унинг ўзига, интилишига боғлиқ.

Спектакль ва унинг айрим қисмларини баҳолаш субъектнинг мақсад ва вазифаларини, усул ва методларини (фақат эмоционал ёки асосли фикр), ривожланган кўникмасини ва бошқаларни ҳисобга олиб амалга оширилади. Келтирилган схемадан театр одамини мустақил ижодкор шахс сифатида касбга йўналтириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин.

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият, театр одамнинг эҳтиёжи ва мотивлари, театр одами фаолиятини баҳолаш мезонлари, ижтимоий мотивлар, бадий-эстетик мотивлар, бадий мотивлар, билиш мотивлар, ўз-ўзини намоён қилиш мотивлари, алоқа мотивлари.

Санъаткор-педагог бадий – педагогик фаолият субъекти сифатида

Бобнинг қисқача мазмуни:

- ✓ Театр педагогикаси фан сифатида.
- ✓ Актёр ижодининг бадий-психологик принциплари.
- ✓ Театр одамани ўқитишнинг ўқув–бадий воситалари ва шакллари.
- ✓ Театр санъаткор–педагогининг касбий тафаккури.
- ✓ Санъаткор–педагог бадий–педагогик фаолият субъекти сифатида.

Мазкур мавзу театр педагогларига бағишланади. Бу бўлимнинг мақсади уларнинг эътиборини театр олий ўқув юртлирининг талабаларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг баъзи масалаларига қаратишдан иборат бўлди. Табиийки, бу такомиллаштириш актёр ва режиссёр фаолиятининг мураккаб жараёнларини англаш, тушуниш ва чуқур ўзлаштириш даражасини ўстириши мумкин бўлган илмий психология ва педагогика ютуқларини ҳисобга олмасдан амалга ошмайди, лекин бунинг натижасида таълим самараси ортади, талабани театр санъаткорига айланиш жараёни сезиларли тезлашади ва жадаллашади.

Театр педагогикаси фан сифатида. Театрда ва у билан боғлиқ театр таълимида кўплаб муаммолар тўпланиб қолган. Ёш етакчи режиссёрларнинг йўқлиги, ижодий “боқимандалик”, актёрларнинг кўпчилик қисмининг ташаббус кўрсатмаслиги, бўш, жиддий шахсий қамровга эга бўлмаган актёрларни “йиғилиб келиши”, актёр касбининг обрўсизланаётганлиги кабилар ана шундай муаммолар жумласидандир.

Шундай қилиб, бўлажак актёр, режиссёрнинг шахсий ўсиши, самарали касб эгаллаши муаммосини тушуниш замонавий ва келажак театри манфаатларини ҳисобга олувчи бадий–педагогик жараён моделини тузмасдан мумкин эмас. Ҳозирги пайтда педагог–санъаткорларнинг диққат марказида янги билим, кўникма ва малакали, ижодий фаолият тажрибаси билан бўлажак актёр ва режиссёрлар эмас, балки режиссёрлик ва актёрлик маҳорати кафедраси

аъзоларидан талаб қилинаётган бадиий маҳсулот (спектакль, спектаклдан парча, “намойиш”) туради. Кўпинча талаба театр педагоги учун театр ижодиёти материали, унинг бадиий ўзлигини кўрсатиш воситаси ролини ўйнайди.

Буни тузатишнинг қандай имконияти бор? Театр санъаткори спектаклни сахналаштириш, роль яратиш борасидаги ўз тақдири, ўзининг муваффақиятлари билан ўз тажрибасини бериш ҳуқуқини исботлаган бадиий–педагогик жараёнда иштирок этгани яхши эмасми? Аммо у билан бирга театрда ва эстрадада бадиий фаолиятнинг мураккаб турларини ўзлаштириш ва “ўргатиш” методикаси, психологияси, педагогикасидан билимга эга бўлган “иккинчи педагог” бўлса аъло иш бўларди. Санъаткор амалга ошираётган жараёни қайта англаш, талабаларнинг ҳунари асосини ташкил этувчи маълум даражадаги онгли равишда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари учун ҳар қандай санъат тури учун зарур бўлган педагогик, таълим жараёнини кузатиб бориш унинг вазифасига кирган бўлар эди. Ҳунар билан бирга улар ижодий фаолият тажрибасини ҳам эгалларди, натижада ҳар иккаласидан олий ўқув юртини тамомлагач, муваффақиятли ва самарали фойдаланардилар. Санъаткор–педагоглардан баъзилари аста–секин ўз жараёнларини қайта қуриш, унга янги элементларни киритиш, ушбу ўқув–бадиий жараёни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиб, унда бўлажак театр арбоблари – талабаларни фаол ва онгли иштирок этишларини таъминлаш имкониятига эга.

Педагог–санъаткор тафаккури жуда мураккаб таркибга эга, унда нафақат образли тасаввур, балки илмий–назарий онг сегментлари ҳам бўлиши керак, негаки унинг фаолиятининг мақсади санъатда ишлашни мақсад қилиб олган санъаткор шахсини туғилиши учун энг мақбул имконият ва шароитлар яратишдан иборат бўлади. Ҳозирги пайтда ўз ўқувчиларини театрда муваффақиятли ишлашга ёрдам бераётган иқтидорли театр педагогикаси усталари билан бир қаторда, ўз–ўзини ҳис қилиш, танқид ҳислатидан йироқ, қотиб қолган, буйруқбоз одамлар ҳам ишламоқда. Афсуски, ўқув–бадиий жараён моҳияти, воситалари, методлари ва шароитлари ҳақидаги тасаввур кам

ишлаб чиқилди, педагогика (илмий маънода) сифатидаги бу жараёни тушунишнинг ўзини ҳам яратиш лозим бўлади.

Баъзи иқтидорли талабалар ҳар ҳолда ўзларининг бўлажак касбий фаолиятини эгаллаётганликларини рад этиб бўлмайди. Бу талабаларда кўпинча онг билан юмуш бажариш кўникмаси яхши ривожланган бўлади. Шунинг учун улар кўз олдларида санъаткор–педагог амалга ошираётган соф бадий жараёндан зарурий ҳаракат ва усулларни ажратиб оладилар. Юқорида таъкидланганидек, бу ҳаракатларни санъаткор уста анча илгари автомат ўзлаштириб, кўникма даражасига етказиб олган, талаба эса дастлаб уни зарурий кўникма сифатида англаши, яъни бу ҳаракатни бажариши ҳақида билим олиши зарур. Барча талабалар ҳам бу касб учун зарур бўлган билимлар ва кўникмалар блокинни ажратиб, сўнгра ўзлаштириб ололмайдилар.

Талабалар театрнинг кенг қамровли эҳтиёжига мос бўлган фаолият усуллари самарали ўзлаштириб олишлари учун, бизнингча “бадий циклдаги” ўқув фанларига маълум ўзгартиришлар киритиш зарурга ўхшайди. Бу ҳам замонавий театр олдида турган бадий ва ижтимоий феномен сифатидаги вазифаси, ҳам репертуарни шакллантириш, пьеса матнини сахнавий талқинига ёндашувидир. Кейинги йилларда кўпгина танқидчилар театрни ўз ортидан эргаштира оладиган ёш ва истиқболли бош режиссёрларни етишмаслиги, актёрларнинг боқимандалиги ва ташаббускор эмаслиги ҳақида кўп ёзмоқда. Бунга театр билан боғлиқ касбнинг обрўсини тушиб кетганлигини, актёрни театр фаолияти билан эмас, балки бошқа йўллар билан яшаш учун маблағ топиш мақсадида бир пайтнинг ўзида бизнесменлик қилишга ҳам мажбур бўлаётганлиги кабиларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бизнингча, замонавий театрдаги нуқсонлар яна шундан келиб чиқмоқдаки, психологик–педагогик феномен сифатидаги актёр ва режиссёр таълими жараёнини тадқиқ этиш жараёни натижаси бўлган илмий асосланган ғоялар театр таълимида ниҳоятда кам, шунга кўра илғор бадий–педагогик тажрибаларгагина таянган эмпирик тасаввурлар етакчилик қилади. Ҳозирги пайтда театр олий ўқув юртида таълим талаба “учун” ва “бирга” амалга

оширилмоқда, кўпгина билим ва кўникмалар чуқур англономияпти, шунга кўра бўлажак режиссёр, актёрлар ўзлаштирилмаяпти. Тақдим этилаётган таълим асоси, яъни Станиславский системаси кўпинча қисм билан ва юзаки ўзлаштирилади, негаки у психологик–педагогик томондан ақл билан шакллантирилган топшириқ ва машқларга таянади. Кўпроқ вазиятни интилувчан ва меҳнаткаш талабалар қутқаради, улар ҳар ҳолда педагог–санъаткорлардан зарурий билим ва изохларни оладилар, гуруҳнинг кўпгина қисмини “боқиманда” талабалар ташкил этиб, касбий муаммоларни улар учун бошқалар ҳал қилишига ўрганиб қолади. Аста–секин улардаги ташаббускорлик йўқолади. Бундай актёрлар режиссёр қўли ва онгида типаж “бўёғи”ни бажаради, бу унинг бутун ҳаёти фаолиятига салбий таъсир қилади.

Бўлажак театр арбоби (актёр, режиссёрни) таълим ва тарбиясини ривожлантиришга ўқув–бадий жараяннинг барча мураккаб тизимлари қонуниятларини очишда театр педагогикасининг фан сифатидаги моҳияти кўринади. Театрда ҳам бадий–ижодий, ҳам ишлаб чиқариш фаолияти соҳаларида доимий ўз–ўзини ривожлантиришга қобилияти бўлган, касбий билимлар, кўникмалари ва малакаларини, такомиллаштиришнинг дунёқараш, технологик ва техник усулларини эгаллаган санъаткор ва фуқаро онгини шакллантириш ва ривожлантириш бундай жараяннинг бош мақсади ҳисобланади.

Барча даврларда санъаткорнинг ички олами гўзаллиги, юксак касб маҳорати ва унинг шахсиятининг уйғунлиги энг қадрли ва ноёб ҳисобланган. “Шахс, эркинлик ва иқтидор тушунчалари синоним ҳисобланади. Шахс бошқалар учун йўл очади, фаолиятнинг янги намунасини тавсия қилади”.¹ Театрда шахс бош ҳисобланади, негаки айнан ким қандай багаж билан томошабинга мурожаат қиляпти, “нима билан мулоқот қилиши” унда борми (К.С.Станиславский ибораси билан атаганда), у қандай кадриятларни инъом этади, нимани рад қилади, жамиятнинг қандай оғриқлари унинг учун хавфли кўринади кабилар актёр шахсига боғлиқ. Театрда ўз “олам моделини”

¹ Давидов В.В. Теория развивающего обучения. М. 1996. 484-с

яратаётган, томошабинга замонавий ва адабий муаммоларга нисбатан ўз тушунчасини тавсия этаётган замондошлар онги ва хулқига, у ёки бу йўналишдаги ҳаётий ҳаракатига таъсир қилаётган режиссёр шахсининг роли ҳам ниҳоятда масъулиятли. Аммо санъаткор–педагогларнинг қайноқ монологларидаги чексиз тилаклар ва тавсиялар билангина чекланиб бўлмайди. Бўлажак актёр, режиссёрни шундай бадий–педагогик жараёнга чўмдириш керакки, бу уни аста–секин ташаббускор, масъулиятли, теран, образли фикрлайдиган қилиб қўйсин, зарур бўлганда эса Ўзбекистон учун эртанги санъатнинг касбий маҳоратли вакили, ташкилотчиси ва ҳақиқий курувчиси бўлиб қолсин.

Актёр ижодининг бадий-психологик принциплари (театр одами таълимининг ўқув-бадий воситалари ва шакллари). Актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси бу фан бўйича мавжуд ўқув қўлланмаларини тўлатиш, кўргазмали ва бошқа таълим воситаларини ишлаб чиқишга йўналтириши лозим. Ҳозирги пайтда санъаткор-педагогнинг сўзи асосий таълим воситаси, устанинг “кўрсатишлари” ва таълим олаётган ўртоқларнинг ҳаракатлари кўргазмали қурол сифатида хизмат қилади. Аммо уларнинг мулки маълум графика тасвирлари, ўқув карточкалари ва бошқалар билан ҳам ифодаланиши мумкин, уларнинг ёрдамида “жонли одамларнинг” ҳаракатлари талабалар онгига ёрқин ўрнашибгина қолмасдан, ҳар қандай мулоқот вазияти ортиқча ҳиссий кечинмалар бу касбларни эгаллашда тўсқин бўлиши ҳам мумкин. Афсуски, К.С.Станиславский ишлаб чиққан ва унинг китобларида тавсия этилган кўргазмали воситалар ҳам эсдан чиқарилди ва улардан фойдаланилмаяпти. Театр билимдони ва ислохотчисининг ўқитиш назарияси, методикаси ва танқидини такомиллаштириш учун янги йўللар қидириш ғоясини ривожлантиришнинг аҳамияти катта, хусусан кўргазмалилик, соддалик, узвийлик сингари педагогик принципларидан фойдаланиш яхши самара беради.

Кўрилган спектакль таҳлили, босиб чиқарилган матн, парча ёки спектаклнинг ўқув репетицияси ва педагогнинг кўрсатмаси сингари таълим

воситалари, турли бадий-педагогик воситалардан фойдаланиш талаба ривожини таъминлайди.

Шу нарса муҳимки, адабий матнни сахна асарига ҳамкорликда (педагог ва талаба) айлантириш иши ҳам таълим воситаларидан бири бўлиб қолади, имтиҳонда этюдлар, парчалар, диплом спектакллари намойиши эса талабаларнинг ижодий тажриба тўплаши ва уларда касбий фаолият кўникма ва малакаларни шаклланишини назорат қилиш воситасига айланади. Бутун жараённинг мақсади эса янги театр санъаткорини шакллантириш, унинг қобилятини ўстиришдан иборат бўлади.

Ушбу методика доирасида ўқув-адабий жараённинг шакли, ўқув-бадий машғулотлар турлари бўлган бадий-таълимий, бадий-ижодий (ўқув репетиция жараёни ҳам шунга киради), ўқув машқ, профессионал театрларда спектакллар кўриш ва уларни машғулотларда таҳлил қилиш, педагогнинг ўқув-бадий топшириқларини амалга ошириш учун талабаларнинг мустақил машғулотлари кабиларни батафсил ёритиш зарур.

“Актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини ўқитиш методикаси” фан сифатида бошқа методикаларда мавжуд бўлган арсеналдан фойдаланиши зарур, лекин ижодий шахс, бўлажак театр одами таълим объекти деб ҳисобланган ўз хусусиятини ҳисобга олиши керак бўлади. Таълимни ташкил қилиш қонуниятлари, бўлажак актёр ва режиссёрларни тарбиялаш ва ривожлантириш ушбу методикада илмий тадқиқот предмети ҳисобланади.

Ушбу методикани ишлаб чиқиш асосини театр амалиёти ва анъанавий театр педагогикасини чуқур билиш, юртимиздаги ва жаҳон театр соҳасида назарий қуролланганлик, психологик-педагогик компонентлик ташкил этиши лозим. Методика янги театр тамойилларини ҳисобга олиши ва англаши, замонавий театр арбоблари томонидан ўрганилаётган санъат сифатидаги йўллар ва йўналишларни тўплаши зарур. Ушбу методика доирасидаги тадқиқотларда санъаткор-педагогларнинг илғор тажрибасини ҳисобга олиш ниҳоятда муҳимдир. Фақат аждодлар амалиётига таяниш, театр арбобларининг бир қатор китоблари билан танишиш кўпинча тажриба, интуиция йўли билан

кашфиётларга, илмий тадқиқотлар натижаларига олиб келади. Хусусан, бир қатор педагог-санъаткорлар актёрлар ва режиссёрларни “устахонада” биргаликда ўқитиш ғоясини илгари сурдилар, улардан кейинчалик “Илҳом”, “Дард” студиялари яратилди. Педагогик психологияда шундай ғоя борки, унга кўра мураккаб фаолиятга ўқитиш бу фаолиятга яқин шароитда кечиши керак. Баъзи ҳолатларда бу илгари ҳам ҳисобга олинди, лекин “устахоналар” аста-секин ноёб театр организмга айланиб боради, ўзида мураккаб ғоялар, қадриятлар, ҳаракат усуллари, дидлар, интилишлар, одатлар ва бошқаларни жамлайди, ҳар бир янги спектакль, томоша ва сахнада бу онгни татбиқ этишнинг ўхшаш принциплари билан ижрочиларни бир тизимга бирлаштириш кабиларда намоён бўладиган умумий бадиий онгга бирлаштиради.

Аммо “устахоналарнинг” маълум камчиликлари бор. Биринчидан, агар бирор талаба кейинчалик профессионал театрга қабул қилинмай туриб ушбу курсда пайдо бўлган ўқув-бадиий ҳамжамиятдан тушиб қолса, унга бадиий онгнинг бутун звеноларини тиклаш қийин бўлади. Негаки, анъанага кўра уларнинг кўпчилиги фақат педагогнинг имтиёзи бўлган, айнан улардан бадиий маҳсулот яратилган, бу жараённинг барча босқичларида улар англаган барча табиий жиҳатлар анча илгари автоматлаштирилган кўникмага айланган. Бу айтилганлар бадиий етакчи методини юзаки эгаллаганларга ҳам фойда бермайди.

Масалан, ушбу сатрлар муаллифи театр мактабларидан биридаги имтиҳонда иштирок этди, у ерда ярим йилдан сўнг талабалар Шекспир трагедияси ва комедияларидан парчалар ижро этишди, бу анчайин аянчли кўриниш бўлди, негаки улар ўзларининг кучи етмайдиган юк остида эзилишар эди. Аммо энг муҳими бадиий жиҳатдан етилишга улгурмаган организм устидан бундай жабрга эътироз бор. Ёш педагогга талабалар учун бундай жуда қийин драматик материалдан фойдаланиб қандай мақсадни кўзлаганлиги сўралганда, у ўзига таниш бўлган педагог шундай қилганлиги ҳақидаги жавобни айтди. Шундай қилиб, санъаткор-педагог таниқли устанинг методидан самарали фойдаланиш мумкин деб ўйлаган, аммо у бу методни қисмангина

билишини ўйлаб ҳам кўрмаган. Негаки, унинг раҳбари ҳеч кимга кўрсатилмайдиган бадиий-педагогик санъат асарини ижод қилган, у деярли интуитив, вазият талабидан келиб чиқиб, асосан бадиий вазифани ҳал қилиб ҳаракат қилган. Режиссёрда (актёрда ҳам, агар у ўз тақдирини санъат билан боғласа) ижодкор ва етакчи онгини шакллантириш унинг таълим ва тарбиясида муҳим ўрин тутди. Режиссёрнинг вазифалари ниҳоятда кўп, у дастлаб мамлакатдаги, шаҳардаги бадиий ва ижтимоий вазиятни таҳлил қилиши керак, бу осон эмас ва кўпқиррали билим, кўникмаларни талаб қилади. Сўнгра маълум театрнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, мақсадлар онгли равишда амалга оширилади, маълум репертуарни яратиш бўйича режа ҳаётга татбиқ этилади, бунда ҳам жамият эҳтиёжи акс этади. Ташкилий ва бадиий вазифаларни ҳал қилиш методини танлаш олий таълимда шакллана бошлайдиган ва бир умр ривожланадиган маълум тажрибани талаб қилади.

Театр санъаткор-педагогнинг касбий тафаккури. Санъаткор-педагог ўз касбий фаолияти асосини ташкил қилувчи кўргазмали-образли ва лисоний-мантикий сингари тафаккурнинг етакчи турларини қайси даражада эгаллаши лозим, деган савол туғилади. Бу ҳам ўрганиш предмети бўлиб қолиши керак, акс ҳолда ўқув-бадиий жараён кейинчалик ҳам фақат амалий тажрибага таяниб қурилаверади, талабанинг иши эса фақат объектив баҳолаш фикри билан аниқланади.

Ўқитувчи ва талабанинг тафаккурлаш қобилияти узвий боғлиқ: биринчиси иккинчисига уни узатади, аммо у тафаккур, нутқнинг унчалик яхши бўлмаган намуналарини “узатиши” мумкин. Шунини ҳисобга олиш муҳимки, “мутахассис устанинг касбий тафаккури тегишли шароитда, мавжуд вазиятда касбий фаолияти мақсадини амалга оширувчи касбий вазифасини кўра олиш қобилиятида, бу шароит вазиятларни ўзгартириш ва касбий мақсадга эришишга яқинлашади”.¹ Санъаткор-педагог бевосита идрок этиладиган объектлар ва уларнинг алоқаси билан иш кўрувчи кўргазмали – таъсирчан тафаккурга талаба

¹ Бакланова Н.К. Психологические основы профессионального мастерства. - М. 1991. 34-с

қобилиятини ишлаб чиқишга олиб келадиган ўқув-бадий жараён стратегияси ва режиссёр учун тактикасини қуради.

Актёр ва режиссёр учун уларнинг касбига фаол таъсир қиладигани образли тафаккур ҳисобланади, у “фикрлаш фаолияти образли материалда амалга оширилишини англатади. Нигоҳий, эшитиш ва ҳаракат образлари образли тафаккурда муҳим роль ўйнайди”.¹ Айнан ўшалар қачонлардир бадий онг қобиғига тушиб қолиб, ишлов берилиш йўли билан театр санъаткорига маълум бадий маъно ходисаси юклатилган воқелик яратишга ёрдам беради. Ниҳоят, санъаткор-педагог мавҳум вербал шаклда мавжуд бўладиган ва тушунчалар билан мантикий ишлаш ёрдамида амалга ошириладиган лисоний-мантикий тафаккурсиз таълим ва тарбиянинг хусусий ҳолати ҳисобланган бадий-педагогик жараёни онгли равишда ҳосил қила олмайди, шунга кўра педагогик-психологик тушунчаларсиз у иш кўра олмайди. Актёр ва режиссёр ҳам турли хусусият ва услубдаги публицистик, илмий, бадий адабиётни жалб қилмасдан ўз касб фаолиятини кенг маданий контекстда тушуниш ва йўлга қўйиш даражасида лисоний-мантикий тафаккурни эгаллай олмайди.

Кейинги пайтларда психологлар эмоционал тафаккурни, эмоционал тасаввурни ўрганмоқдалар, булар театр одамлари учун ниҳоятда аҳамиятли, негаки роль эмоционал партитура сифатида қурилган, спектакль эса барча сахналаштириш воситалари (муסיқа, ёруғлик ва бошқалар) билан тўлатилганда, ҳиссиётлар симфонияси сифатида тасаввур қилинган пайтда шахсий кузатиш тажрибаси буни тасдиқлайди.

Санъаткор-педагог бадий-педагогик фаолият субъекти сифатида. Биз бу муҳим муаммога батафсил тўхтала олмаймиз, фақат уни қисқа кўриб чиқамиз. Бу муаммода “санъаткор-педагог бадий-педагогик фаолият субъекти сифатидаги” муҳимроқ саналган масалага тўхталиб ўтамиз. Анъанага кўра шундай вазият вужудга келадикки, театр педагогикасига махсус ижтимоий психологик–педагогик тайёргарликдан ўтган эмас, балки театрда ишлаётган ёки илгари ишлаган, театр касбини эгаллаганлар тушиб қолади. Бу ҳолат баъзи

¹Шадриков В.Д. Деятельность и способности. - М.1994. 95-с.

оқибатларга олиб келади. Уларни қандай қилиб камайтиришни тушуниш учун санъаткор-педагог касбининг сифат хусусиятларини кўриб чиқамиз. Шунинг ҳисобга олиш керакки, педагог – бу авлодлар ўртасидаги боғловчи звено, ижтимоий-тарихий тажриба соҳиби”; “педагогик фаолиятнинг индивидуал субъекти сифатида иш кўриб, айти пайтда педагог ижтимоий субъект – ижтимоий билимлар ва кадрлар ташувчи ҳисобланади. Шу сабабли педагогнинг субъектив хусусиятида доим аксиологик (кадрлар) ва когнитив (билим) жиҳатлар бирлашади. Бунда кейингиси умуммаданий ва предмет-касбий билимларни ўз ичига олади. Педагог индивидуал субъект бўлиб, доим индивидуал психологик, ахлоқ ва алоқавий кўринишли шахс сифатида намоён бўлади”.¹Агар “кадрлар нуқтаи назаридан”кузатганимизда кўпгина театр педагогларида ахвол яхши бўлса, “билим нуқтаи назаридан” уларнинг кўпчилиги такомилдан анча йироқ ва афсуски улар доим етарли даражада фикрланмаган, тегишли актёр санъати назарияси ва амалиётига таянмаган амалий тажрибага таянади.

Талаба самаралироқ ўзлаштирадиган қилиб ўқув материални жойлаштириш ва етказиб бериш кўникмаси билан боғлиқ дидактик қобилият; талаба дунёсини “ботиндан” кўриш, уни ҳис билан чуқур тушунишдан иборат перцептив қобилият; талабага ҳиссий-иродавий таъсир қобилияти (улар билан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан мулоқотда бўлиш керак); алоқа қобилияти; талабанинг истиқболдаги ривожини кўра билиш билан боғлиқ педагогик тафаккур ёки келажакни билиш қобилияти; талабаларнинг бир неча объектлари ва ҳаракатларига эътиборни тақсимлаш қобилияти кабилар педагогик қобилиятлари сирасига киради. Лекин энг муҳими, педагогик мақсадларга мослаштирилиши керак бўладигани бадий (актёрлик ва режиссёрлик) қобилиятдир.

Бунга батафсил тўхталиб ўтамиз. Агар педагог-санъаткор машғулот давомида ўз фаолияти мақсадини тўла тушунмаган ҳолатда ўзининг бадий ниятларини амалга ошириш чоғида талабалардан (ўзи сезмаган ҳолда)

¹ Резвицкий И.И. Личность, индивидуальность, общество. Проблема индивидуализации и ее социально-философский смысл. - М. 1984. 38-с.

томошабин сифатида фойдаланиши мумкин ва бунда талабалар актёр ва режиссёр маҳоратини фаол эгалловчи йўлини эмас, балки сушт истеъмолчи ҳолатини эгаллайди. Қоидага кўра санъаткор талабаларнинг касб ҳақидаги тасаввурини шакллантиришига, заиф бўлса ҳам, лекин мустақил ўқув-бадий кўникмалар тажрибаси, керакли кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсадига қаратилган ўз ҳаракатлари моҳиятини яхши англаши лозим. Агар педагогга талабалар манфаати йўлида ўз касб фаолиятдан намуналар намойиш этиш зарур бўлса, бу ҳам тегишли ҳажмда, меъёрда ва ҳоказоларда бўлиши лозим. Уста бошчилигида педагоглар гуруҳини тузаётганда уларнинг ҳар бирининг етакчи қобилиятини ҳисобга олиши керак. Агар раҳбарга ёрқин ифодаланган бадий ва ташкилотчилик қобилияти хос бўлса, бошқа педагогларга ўзаро тўлатиш принципи асосида тақсимланган бўлиши мумкин. Улардан бирортаси актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини санъаткорга нисбатан кўпроқ эгаллаган бўлса, унда бошқаси ёш санъаткорни шаклланиш нозикликларини англайдиган, унинг психологик хусусиятларини яхши биладиган педагог сифатидаги қобилияти бўлади. Ҳар бир педагог учун келажакни кўра олиш қобилияти жуда зарур, негаки у талабани туғма иқтидори ривожда кўриши ва ижодий интилишидаги хавф ҳақида огоҳлантириши керак. Албатта, улар талабаларнинг умуммаданий, гуманитар ва бадий-ижодий тайёргарлигини ҳисобга олиб курс учун умумий бўлган ва ҳар бир талаба учун айрим қисмлардан иборат индивидуал бўлган ўқитиш дастури ва методикаси ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шундай педагоглар борки, уларга бундай мураккаб, яхши маънодаги элитар-театр таълимини ишониб топшириб бўлмаслигини эслатиб ўтмоқчимиз. Ўзи нимадандир норози бўлганда талабаларга захрини сочадиган, талабанинг шахсиятини топташга қобилиятли бўлган одамларни педагогикага яқин йўлатиб бўлмайди; бундай “педагогик” мулоқотнинг оқибати ниҳоятда ачинарли бўлиши мумкин. Бундай “педагоглар” учун талабани институтдан ҳайдатиш энг яхши хоҳиш ҳисобланади, улар учун аниқ касб квалификациясига

нисбатан хато рўй бериши, инсон тақдири шу билан сениши мумкинлиги бари бир.

Шунингдек у ёки бу сабабга кўра зарурат туғилиб аудиторияга келиб қолган педагог ҳам ҳавфли. Аниқ мақсадларсиз, яхши ўйланмаган топшириқ ва вазифаларни тавсия қилиб, машқларда маълум кўникма ва малакани шакллантиришни ўйлаб ҳам кўрмай, шу “зарур” деб ҳисоблаб, уларни бажаришга талабани мажбур қилади, улар талабани ҳам ижодда “рулсиз ва шамолсиз”, “меъёрда” ёки бадий мантиқсиз фикрлашга ўргатади.

Маълумки, театр олий ўқув юртида педагогларнинг асосий мақсади ҳар бир талабанинг ижодий индивидуаллигини очишга интилишдан иборат бўлиши керак. Актёрнинг индивидуаллиги тушунчаси ташки овоз, пластик, характерологик жиҳатларидан ташқари “ички яхлитлик ва нисбатан мустақилликка” эга бўлишни ўз ичига олиши керак, бу уни театрда “онг ва фаолиятнинг мустақил ва бетакрор субъект” бўлишига имкон беради.¹ Асосий муаммо шундаки, маълум талаба-актёрнинг, кўпинча режиссёрнинг ҳам индивидуал сифатлари ҳақидаги асосий тасаввур эътибордан четда қолади ва у санъаткор-педагогнинг (баъзан кафедранинг) билим соҳасидагина намоён бўлади, бу унинг олий ўқув юртини битиргандан кейинги ўз-ўзининг тақомилига тўсқинлик қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Қандай шароитларда “система” биз учун мўлжалланган, ўзимизни К.С.Станиславскийнинг издоши деб ҳисоблашимиз мумкин?

2. Буюк актёрлар, режиссёрларнинг қайси бирлари билан яқинлашишини хоҳлайсиз?

3. Қайси ижодий қобилиятни актёр учун муҳим деб ҳисоблайсиз? Режиссёр учун-чи?

¹¹ Резвицкий И.И. Личность индивидуальность общество. Проблема индивидуализации и ее социально-философский смысл. - М. 1984. 38-с.

4. Мазкур давр учун кадрли бўлган бадий-психологик принципларни ўзингиз учун танлаб олинг. Уларни ўз шахсингизга мос келадиган қилиб қайта ишланг, ўзгартиринг.

5. Сиз билан барча санъат турлари орасида томошабин онг ости ва онгига таъсир масаласида “жонли” театр қандай афзалликка эга?

6. Замонавий ўзбек театри томошабиннинг онг ости эҳтиёжларига ва хоҳишларига қай даражада жавоб бера олишига ўз нуқтаи назарингизда баҳо беринг.

7. “Ихтисослик фанлари” соҳасидаги педагоглариингиздан қайси бирини сиз санъаткор-педагог деб ҳисоблайсиз? Унинг бадий ҳислари ҳақида гапириб беринг.

Резюме

Ўқув-бадий жараён машғулотларда ҳал қилиниши лозим бўлган аниқ мақсад ва вазифаларга кўра, уларнинг моҳияти педагогик ғоя билан ўзаро боғлиқ занжирдан иборат бўлади. Мавзу театр фаолияти (актёр ёки режиссёрнинг) кўриниши номини белгилайди, мақсад ва вазифаларни эгаллаш эса, агар бу машғулот ўтказилса нимага эришиш керак, нима ўзгаради каби саволларга жавобни аниқ қилиб қўяди.

Бу жараёнда ўзгарадиган ўқув-бадий материал сирасига а) машқлар, этюдлар, драматик материал ва б) талабаларнинг психик, психофизик ва бошқа қобилиятлари қаради. Бадий-педагогик жараён шундай ташкил этилиши керакки, бунда талаба ўзини бўлажак бадий асар ижодкори; ўз ижодий меҳнатининг қуроли; ижрочилик фаолият соҳасидаги ўз имкониятини такомиллаштиришга йўналтирилган тренинг жараёнида ўз санъати, театр санъатининг материали сифатида ҳис қилсин. Умуман эса, яхлит асарда ўзига тегишли бўлган персонажни образга айлантириш қобилиятига эга бўлган шахс ва санъаткор сифатида ўзи, жамият ва санъат олдидаги масъулиятини англасин.

Таянч сўзлар:

Психологик принциплар, касбий тафаккур, санъаткор-педагог, таълим восита ва шакллари, онг ва фаолият субъекти, образли тафаккур, эмоционал тафаккур, ўз-ўзини кузатиш тажрибаси, сўз-мантикий тафаккур.

Ўқув-бадий машғулот турлари

Бобнинг қисқача мазмуни:

✓ Талабада роль (ёки спектакль) устида ишлашнинг умумлашган усулини шакллантириш.

✓ “Позицион-роль таълими” методи.

✓ Театр одами тасаввур ва тафаккурини ривожлантириш.

✓ Мулоқот “полифонияси”.

✓ Ўқув-бадий машғулот турлари.

Бу мавзунинг мақсади – бўлажак театр одами фаолиятидаги ҳақиқий ижод ва санъатни репродуктив “хунармандчиликдан” фарқлашга ўргатишдан иборат. Иккинчиси - меҳнат ва тренинг ёрдамида ҳосил қилинади, биринчисида ўзини касб эгаси, шахс сифатида, ўз қалби ва руҳини ахлоқий ва бадий кашфиётларга тайёрлаши керак бўлади.

Талабада “роль (ёки спектакль) устида ишлашнинг умумлашма усуллари” шакллантириш. Актёр ёки режиссёр касбини эгаллашда айнан нима бош масала ҳисобланади? Бизнинг фикримизча, бу шахс тарбияси ва ривожидан ташқари, талаба томонидан “роль ёки спектакль яратишнинг умумлашма усулини” эгаллаш ҳамдир. “Умумлашмани амалга ошириш жараёнида умумликни алоҳида яккаликни ўзаро алоқаси маълум бўлади, буни ҳам мазмуний умумлашма дейиш мумкин”.¹

Актёр ва режиссёр фаолиятининг мураккаб турларига ўқитишда бизнинг ўзбек театр мактабимизда ўзининг тўла тасдиғини топган ва самарадорлигини кўрсатган ғоялар ниҳоятда аҳамиятлидир, негаки назарий умумлашманинг асосини барча хусусий ҳолатлар учун кинетик асос ролини ўйнайдиган умумий (муҳим) алоқа ташкил этади.

Олий таълим кучоғида ниҳоятда муҳим бўлса-да, талабани нафақат бадий жараёнга олиб киришни ташкил этилган бўлиши, балки у касбий

меҳнатининг “билим” асосини эгаллаши ҳам зарур, бу эса ана шу “спектакль ёки роль устида ишлашнинг умумлашма усулининг” худди ўзгинаси. Талаба ўзлаштирган “умумлашма усул” театр мутахассисига хизмат қилади:

- дастлабки даврларда унда касбий ҳаракатда етакловчи бош асос мақоми бўлади, театрнинг бошловчи санъаткори маълум тартибда ва унда шаклланган юксак эстетик орзуга кўра маълум ҳаракатларни амалга оширишни билади ва бунга ҳаракат қилади;

- “ўзлаштирилган” касбий ҳаракатлар туфайли ёш санъаткор уларни ақл билан ва мақсадга мувофиқ равишда такомиллаштириши, янги усулларни тўплаши, бунинг учун шахсан таниш бўлган ҳамкасблар ва матнлар орқали машҳур бўлганлар (актёрлар, режиссёрлар, театршунослар ва бошқалар) ғояларни жалб этиб янги усулларни тўплаши мумкин;

- дастлаб ўзлаштирилган асосларнинг мавжудлиги ёш санъаткорларнинг касбий ҳаракатларини эркинроқ, мақсадга йўналтирилганроқ ва ишончлироқ бўлишини таъминлайди, буларсиз ижодий жараёни амалга ошириб бўлмайди;

- ниҳоят, санъатдаги бутун ҳаёти давомида ўзлаштирилган ва такомиллаштирилган “умумлашма усул” театр арбобиға ўз ғоялари, тажрибаси, ўз изланишлари натижаси, кузатишлари ва хулосаларини баён қилиш учун база бўлиб хизмат қилади.

Ўқув-бадий жараёнда роль яратиш чоғида талаба актёр олдида “ҳаққоний” (яъни ёлғон гапирмаслик), “ҳаракатчан” бўлиш, сўзларни ютиб юбормаслик кабилар билан боғлиқ қийин вазифалар туради. Ўқув-репетиция жараёнини педагог бошқаради, талаба сахна майдонида ўзини “тўғри” ёки “нотўғри” тутаётганлиги унинг қараши, идрокида ўз аксини топади. Айни пайтда талаба нима билан банд эканлиги ҳақидаги тасаввурни маълум маънода фақат педагог англайди, бунда ҳам фақат вазиятдаги ҳаракатлар, уларни назорат қилиш объекти сифатида баҳоланади. Баъзан бунга бошқа талабалар жалб қилинади, аммо ҳиссиёт даражадагина (“ёқди-ёқмади”) таҳлил қилади, касбий тафаккурдан кам фойдаланилади. Талаба персонаж образи сифатидан нимани ўзлаштиряпти, нима учун “кўп нарса бошқача” сингари кўпгина

масалалар педагог онгида шахсий дид, меъёр билан “жамланган”, шунга кўра унинг ўзи уларни қандайдир кўринишлардагина англайди. Шундай қилиб ўқитувчи ва талаба орасида аста-секин алоқа ўрнатилади, унда фақат диди ва фикрига мос келадиган ҳаракат усули талаба учун бош мақсад бўлиб қолади. Роль яратиш усулига ўргатиш эса, албатта у агар мақсад сифатида англансагина, орқа планга ўтиб қолади.

“Спектакль тайёрлашнинг умумлашма усули” ёки “роль” устида ишлашнинг усулига ўқув-бадий вазифа, рефлексия, ишнинг маълум босқичини режалаштириш, фикран ўқув-бадий эксперимент кабиларнинг таҳлилисиз эришиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда ихтисослик фанларини ўқитиш режиссёрлик (Б.Сайфуллаев, Ж.Махмудов, Р.Усмонов, Ф.Аҳмедов, В.Рустамов, Ж.Маматқосимов ва бошқалар) ва актёрлик маҳорати бўйича (Ж.Махмудов, Х.Махмудова, Б.Сайфуллаев, Ж.Маматқосимов ва бошқалар) бир қатор дарсликлар нашр қилган олий ўқув юртидаги етакчи режиссёрлар, назариётчилар ва ўқитувчилар матнларига таяниб амалга оширилмоқда, талаба-режиссёрлар ёзма ишлар бажаради, спектаклларга экспликация ясайди ва ҳ.к. Талаба-актёрлар эса ўқув-бадий жараёни ёзиш билан шуғулланмайди, педагогнинг вазифасини доим ҳам бажаравермайди, улар учун вазифа мақсадга йўналтирилган ва аниқ тузилмайди. Юқорида келтирилган аниқ ҳаракатлар жалб этилганда қандай ўқув-бадий кўникмалар ўзлаштирилиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Табиийки, ҳеч қандай ўқув жараёни таҳлилсиз иш кўрмайди ва анъанавий театр педагогикаси ундан фойдаланади. Биз билиш мақсади сифатида (янги кўникма, малака учун қандайдир усул) объектни ўзлаштириш лозим бўлган ҳар бир талаба уни аниқ таҳлил қилиши зарурлигини таъкидламоқчимиз. Масалан, актёрлик маҳоратининг элементларидан бирини ўзлаштиришда айнан у биринчи навбатда майдондаги талабалар ишида таҳлилга тортилиши лозим, бошқалари фан сифатида таҳлил қилинади. Шундай қилиб, талабалар қуйидаги таҳлил схемасини ўзлаштиради: айтайлик, бугун “психофизик кайфиятдан” фойдаланиш кўникмаси батафсил англашилади, қолган элементлар фон бўлиб

қолади. Ўқув-бадий материал қанчалик кўп ўзлаштирилса, унинг таҳлили батафсилроқ ёки танлаб амалга оширилади, унда турли пайтларда барча талабалар қатнашиши лозим, акс ҳолда кимки жим турса, у материални умуман ўзлаштирмаган бўлади.

Саҳна ижодидек мураккаб фаолиятга ўқитишда бир-бирига қарама-қарши бўлган ўқув-бадий ҳаракатларни бир-бирига қўшиш ўрганилади. Талаба-актёрнинг персонаж “вазиятида омон қолиши” ҳаракати шундай уйғунлаштиришдан бири ҳисобланади, қолганлари талабанинг янги саҳна кўникмаларининг таҳлили бўйича рефлекс ҳаракатлари бўлиб қолади. Кўпгина педагоглар талабанинг “омон қолиш” бўйича ҳаракатини “кўрсатиш” методи билан ташкил қилади, талабани рефлексли ўқитишни ташкил қилиш ўқув-репетиция ҳаракатларига тегишли бўлади, бошқача айтганда, уни “ўз-ўзини” ўқитиш усули кўпгина педагогларнинг қўлидан келмайди ва ҳамма ҳам зарурий педагогик вазифа сифатида англайвермайди.

Аслида эса, бу фикр, ҳисларни омон қолишидан рефлексияга ва аксинча ўтиши актёр касбидаги энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Афсуски, театр таълимида рефлексиянинг зарари ҳақидаги фикр тарқалган. Кузатишлар шуни кўрсатадики, рефлексловчи талабалар ақлли актёр ва режиссёр бўлиб етишадилар (Б.Йўлдошев, Н.Абдурахмонов). Кўпгина бадий муаммоларни чуқур англаниши бошловчи актёр темпераментини ўстиради, унинг ўзи ҳам ижодий ўсиши учун янгидан-янги мотивлар, усуллар ва воситалар ишлаб чиқади. Режиссёрга ҳар қандай нуқтаи назарни (“муаллиф”, “томошабин”, танчидчи ва ҳ.к.) эгаллашга ёрдам берадиган ривожланган рефлексиясиз ўз касби соҳасида қиладиган иши йўқ.

Режалаштириш нафақат режиссёрнинг, балки актёрнинг ҳам вазифасидир. Табиийки, бу нотўғри. Режиссёрни бир пайтнинг ўзида ижодий ва ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш кўникмасига ўргатиш зарур. Аммо “мактабни” эгаллаган актёр ҳам ўз ишига жиддий муносабатда бўладиган Турғун Азизов, Рихси Иброхимова, Яйра Абдуллаева, Малика Ибрагимова сингарилар каби ўз касбий ҳаракатларини режалаштира олиши зарур. Сессия

пайтида диплом спектакллари яратишда барча талаба-актёрлар аниқ роль устида ишлашнинг муҳим ҳолатларини акс эттириши мумкин бўлган кичикроқ бўлса ҳам ёзма ишлар (ёки оғзаки ҳисоботлар) топшириши мумкин. Семестр ёки йил давомидаги ўз ишидан ниҳоятда камтарона бўлса ҳам, зарурий касбий кўникмалардан нималар қилинганлиги ҳақида ҳулоса ясаш керак бўлади. Аммо ҳозирда вужудга келаётган ҳолатда ёш актёр янги роль яратиш жараёнини мустақил ва теран амалга оширишига шубҳа билан қараш мумкин. Негаки, бу имтиҳонни у бутун умр топширади.

Режиссёр ва актёрга образли прогнозтик тафаккур зарур, у бадий-фикрий эксперемент методидан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин: унда эмоционал ва образли тафаккур ва тасаввур ўзаро уйғунлашиб кетади, театр одами учун зарур бўлган тегишли кўникма ва малакалар ривожланади. Бизнинг кузатишларимизга кўра, ундан олий ўқув юртларида анъана бўлмаганлиги туфайли камдан кам фойдаланилади. Таълим олиш даврида ҳар бир талаба ниҳоятда чекланган ўқув-бадий материал билан ишлайди. Фикрий эксперемент йўли билан кичикроқ ишларни бажариб, бу миқдорни бир неча марта кўпайтириш мумкин бўлади. Парчалар ва диплом спектакллари режиссёр ва актёрнинг барча касбий ҳаракатларини тўла амалга ошириши, билим ва кўникмаларни тайёрлаши зарур, аммо анчайин юқори мақомга эга бўлган улардан баъзилари театр санъатида турли бадий йўналишлардан иборат бўлган турли драматургларнинг кўплаб пьесаларида ишланади. Ролнинг, спектаклнинг жанрий тўхтамини эгаллаш, роль, спектакль концепциясини яратиш ва бошқа касбий вазифаларни шундай муаммоли масалаларга киритиш мумкин. Курс ўртасида кўрсатиш учун мустақил ишланган асар тўлалигича эмас, балки ўзлаштириш учун муҳим бўлган айрим босқичларигина чиқарилиши мумкин.

Шундай қилиб, актёрнинг шароити ва имконияти, кўргазмали таъсири ва образли тафаккури, режиссёрнинг фикрлаши ва фантазияси, камроқ бўлса ҳам фалсафий ва назарий тафаккури кабиларни кенгайтириш зарур. Бу воқеликлар моҳиятини тушуниш, уларни санъаткор фикрида образли гавдалантириш, янги

ғоялар, етук фикрлар, йирик бадий лойихаларни вужудга келтириш қобилиятини тарбиялаш кабиларга ёрдам беради.

“Позицияли – ролли таълим” методи. Таълимга актёр ва режиссёр “драматург”, “танқидчи”, “театр тарихчиси”, “томошабин” ва бошқаларни ўзлаштирадиган “позицияли-ролли” методни кенгроқ татбиқ этиш лозим. Педагог бу методни қўллаб талаба онгини кенгайтириш, уни вазиятни “бошқа биров” нуқтаи назаридан кўриши, “четдан” қараганда шахсий вазифа ва мажбуриятлар яхши тушуниладиган касбий рефлексияни ривожлантириши мумкин бўлади.

“Нуқтаи назар” тушунчасини талаба таълим воситаларидан бири сифатида намоён бўлганлиги учун ҳам ўзлаштириши зарур, негаки у таълим олаётганнинг у ёки бу объектга, шунингдек ўз ҳаракатига бўлган “муносабатини” билдиради.¹ Унинг ёрдамида талаба ўзи учун янги бўлган ҳаракатларни онгли ўзлаштириш, унинг ўзида шаклланган кўникма ва малакаларга янгича қараш, ўзининг ва муаллифнинг тафаккурини яқинлаштириш йўлини кўриш имкониятига эга бўлади. Воқеликни “позицион” идрок этиш кўникмасини эгаллаш “санъаткорнинг жамиятдаги” ўз ролига масъулиятли муносабатни ҳосил қилишга имкон беради. Булардан ташқари, бунда ўзининг ўқув-бадий вазифаларини тушуниш даражаси ортади, шунга кўра кўпгина касбий муаммолар шаффоф ва тушунарли бўлиб қолади. Бу ўз навбатида, айниқса “ноқулай режиссёрлик” ҳолатида мутақил роль яратиш даражасини оширади.

Бугунги театр педагогикасида кўпгина муҳим масалалар қўйилмайди, негаки уларнинг педагоглар табиий деб ҳисоблайди. Хусусан, “Нимага ўрганиямиз? Нимага эришамиз? Бу семестрда нима бош масала ҳисобланади?” каби саволлар очик қолаверади. Бу саволларга ҳам педагог, ҳам талабалар жавоб бериши керак, негаки уларсиз ўқув-бадий жараённинг мақсадга мувофиқлиги ва юксак маҳсулдорлигини амалга ошириб бўлмайди. Айнан шунинг учун олий ўқув юртидаги таълимнинг асосий мақсади бутун гуруҳда

¹ Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М. 1996, 216-с.

ўқув-бадий вазифани ҳал қилишга қаратилади. Бугун эса, асосий қисм репетиция маҳсулотини санъаткор-педагог бадий дидини қондириш даражасигача олиб боришга қаратилади; талабалар янги таълим-тарбия ривожланиш жараёнининг қонуниятларини баъзан ҳисобга олиб иштирок этади. Таълим анъанавий жараёни нозик, лекин аниқ қайта ишлашни талаб қилишини ёдда тутиш зарур, бунда ривожланиш, идрок, тасаввур, ролнинг моҳиятини очиб бериш, образга кириш ва бошқалар рефлекс билан бузилибгина қолмасдан, балки уларнинг чуқурлашиши ва самардорлиги кучайтирилади. Бундай таълимда талабалар пьеса матнини шахсан ва онгли талқин қилиш, ўз концепциясини қуриш, бадий маҳсулотни, демак актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини баҳолаш мезонларини батафсил эгаллайди.

Педагог талабаларни алмаштирмай (кўпинча уларни алмаштириш билан банд бўлади) уларнинг фақат ўқув-бадий фаолиятига раҳбарлик қилиши лозим бўлган ва бу талабанинг маълум талабларига мос келадиган муқобил ҳаракатларини ўзлаштириладиган ўқув-бадий вазиятларнинг ўзаро боғлиқ занжирлари тузилади. Талабалар гуруҳи шакллантирилиши биланок унинг сифат таркиби ўқитувчига маълум бўлиб қолади. У талабалардан қайси бири ноформал етакчи бўлиши ва ташкилий муаммолар ва бошқаларни ҳал қилишда нимада, кимга (яъни, масалан, ҳаваскорлар бирлашмалари, театр фаолиятида катта тажриба ортирган бўлиши мумкин) таяниш мумкинлигини билиб олади. Уларнинг ҳар бирининг табиий иқтидори, сифати, бадий интилишлари кабиларни ҳисобга олиб индивидуал ёндашиш имконияти бўлади. Талабалар театр тилини қай даражада эгаллаб олганлигини, улардан қайсиларига театр терменологияси яқин бўлмаган бўлса уларга ёрдам беришга ҳаракат қилиши зарурлигини тушуниб олиш муҳимдир.

Театр одамининг тасаввури ва тафаккурини ривожлантириш. Фаол ва маҳсулдор тасаввур, фантазия қобилияти театр одамининг асосий қобилиятларидан бири ҳисобланади. Талабанинг фаол тафаккури бадий педагогик жараён мақсадларидан биридир, унинг аҳамияти барчага маълум; “спектакль образи”га кўплаб театршунослик ишлари бағишланди, бугунги

кунда талабада “спектакль образи”, “роль образи”ни ёзиш, яратиш қобилиятини ривожлантиришга ўқув топшириқлари кам ишлаб чиқилган. Бизнингча, бу қобилиятни шакллантириш бош дидактик бирлик сифатида керак бўлади.

Инсонда ҳамма жиҳат ўзаро боғлиқ: “Тасаввур, рамзий ўрин алмашиш ва тафаккур инсоннинг ўзаро боғлиқ қобилиятидир”¹, улар унинг ижодий имкониятларини таъминлайди. Тасаввурни ақлий ривождан ажратиб бўлмайди, бу ерда баъзан туюлганидек ўтиб бўлмайдиган тўсиқ йўқ. Ижоднинг биргина қисмида ҳам образлар, қарашлар, уларнинг комбинацияси, маъно орқали сўзда ифодаланган ғоя, баъзан қаердандир пайдо бўлган образларнинг барчаси иштирок этади. Фақат образ излаш юклатилганлиги, ғояни амалга оширишга интилиш муҳимдир. Мисол учун ёзувчининг образ излашига мурожаат қиламиз, бу спектаклда режиссёрнинг изланишига яқин туради. Гарсиа Маркес ўз қаҳрамони Мерседесни осмонга бирдагина кўтарилиб кетишини тасвирлаш учун кўп изланди. Тасодифан у деразадан арқонга ювилган мато осаётган аёлнинг кўлида шамолда хилпираётган латтани кўриб қолади. Шу кўринишдан ёзувчи образни топиб олади, кузатилаётган эпизод муаллиф онгида қайта гавдаланади, натижада “фантастик реализм” услубида ёзилган “Танҳоликда юз йил” номли машҳур романининг осмонга учиб кетаётган қаҳрамонининг ҳайратланарли образларидан бири кўпқиррали, айна пайтда ҳиссиётларга бой чиқди.

Фикрни ижодий гавдалантириш, пьесанинг ўзидаги изланишни ўз фикри ва ғоясини унинг орқали ифодалаб сахнага олиб чиқиш мумкин, бу ва бошқалар бадиий педагогик вазиятни куриш учун сабаб бўлиб қолиши керак. Буларда талабанинг олдида дастлаб “очиш”, сўнгра спектакль ва роль яратиш технологияси ва айна пайтда ижодий жараённинг қандайдир маълум босқичини эгаллаш зарурати қўйилади. Масалан, ёзги таътилдан сўнг талабалар олдида жамиятимиз ҳаётидаги қандайдир муҳим тенденция акс этган, улар ўзлари эслаб қолган эпизод асосини ташкил қилган этюдни ижро этиш билан боғлиқ топшириқ берилиши мумкин. Бу топшириқни бажариш учун улар бир пайтнинг

¹Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М. 1996, 130-с.

Ўзида сценарий муаллифи, режиссёр ва актёр сифатида ишлаши зарур бўлади. “Ақлий хужум” усулида ишлаш талабаларнинг кўпгина тасаввурий кўникма ва малакасини фаоллаштириш имконини беради, чекланган вақт давомида ишни ташкил қилиш қобилиятини, ижро кўникмаларини ўстиради. Топшириқларнинг бир қисмини уй вазифаси кўринишида бериш мумкин. Кейинчалик кўрсатилган этюдларни педагог ва талабалар томонидан ҳамкорликдаги батафсил таҳлили ижронинг қизиқарлироқ бўлган жиҳатларини очиш, яъни, “театр одами”ни ўқитишнинг объектлари ва муаммоларини тушуниш учун барча қийинчиликларни белгилаб олиш имконини беради. Мисол учун талабалар бунинг асосида фильм ва китоблардан олинган иккиламчи материални эмас, балки, “ҳаётни кузатиш” заруратига қўшимча ишонч ҳосил қилади ва сахнага ўз тасаввуридаги образни олиб чиқишга имкон яратилади, сахна орқали бутун ҳаётни идрок этган театр санъаткорлари нуктаи назарини очиб берилади. Улар этюд сюжетини ўйлаб чиқариш осон эмаслиги, усиз эса ҳеч қандай сахна ҳаракати мумкин бўлмаслигини англайдилар, айти пайтда уларга маълум бўлган сўзнинг янги маъноси очилади.

Ўқув гуруҳидаги ижод, билишга тўлалигича бўйсундирилган муҳит талабаларда билиш мотивларини ривожлантириш, уларнинг қизиқишини ошириш, уларда ўзгача тўхтамларга келиш дидини ҳосил қилиш зарур. Қиёслаш, умумлаштириш, мазмунли ғояни бир белгили тизимдан бошқасига ўтказиш (сўздан нигоҳий образга ва аксинча) кабиларнинг барчасини талабалар ўзлаштириб олишлари зарур (уларни англаш кўникмаси даражасида қолдирилиши зарур бўлган бўлажак педагоглар бундан мустасно).

Актёр таълим ва тарбияси – ниҳоятда мураккаб жараён, негаки бу, биринчи навбатда унинг билим, кўникма ва малакаларининг асосий қисми бўлиб, “ўзини”, ўз қобилиятларини, ижодкор сифатидаги ўз ҳаракатларини, восита ва материал сифатидаги ўз сахна фаолиятини шакллантиришга тегишли бўлади. Шунинг ўзи сахнада у ижро этадиган образ кўринишидаги натижага айланади. Бугунги кунда талаба педагог раҳбарлигида шундай вазиятли таълимга чўмганки, бунда мақсадни қўйиш, восита ва усулларни ташкил

қилиш, ролни тайёрлаш, унинг ҳаракатлари ички режасидан тўла чиқариб юборилган. У жараёндаги иштирокини асосан ижрочи, камроқ онгли, маҳсулдор ижодкор сифатида амалга оширмоқда. “Ўз” шахсий таълими бўйича фаолиятини шакллантиришга бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг асосини ижодкор, ўз сахна фаолияти воситаси ва материали сифатидаги ҳаракатини ташкил қилади. Мустақил таълим бўйича ўқув-бадий фаолияти воситалари билан уни кўпроқ таъминлаш учун таълимнинг кўпгина мақсадларини ҳаракатларнинг ички планига олиб қириш, қўшимча “билим” таянчларини бериш лозим. Маҳоратни эгаллашнинг аниқ босқичи, аниқ вазифасига боғлиқ равишда танланган машҳур театр одамлари матнлари энг яхши таянч ҳисобланади.

Матнларни ўқиш бўйича топшириқлар “умумий” (“бирор матнни, бирор муаллифни ўқиш” бўйича топшириқ берилса, талаба бунимтиҳон учун ўқилади, деб тушунади) тарзда эмас, балки аниқ қилиб “қандайдир вазифани ҳал қилиш кимнингдир фикрини билиш лозим”, деган маънода бериш зарур. Фақат шу йўл билан талабани ўйлаброқ вазифа бажаришга мажбур қилинади, кейинчалик у бунда аниқ ёрдамни ва муаммони ҳал қилишнинг йўлларида бирини кўради. Негаки актёрликка кўпроқ инсониятнинг меҳнатга лаёқатсизроқ, ўқишга, билим олишга унчалик интилмайдиган қисми ҳавас қилиши маълум. Кўпчилиқни актёрлик касбида ўзини бошқа одамнинг, дастлаб педагог, сўнгра режиссёр қўлига топшириб ўйлаб ўтирмаслик имконияти қизиқтиради. Айнан шунинг учун бундай талабалар педагоглардан касбга эга бўлиш, топшириқнинг қулайроқ тизими, уларнинг ялқовлигидан жаҳл чиқмасликни илтимос қилади.

Нима учун эски “классик” матнлар билан бирга театр санъати бўйича янги асарларни ўқиш керак, деган савол туғилади. Бунга жавоб тариқасида таъкидлаш жоизки, улар барча маълум асарларни талқин қилиб, уларни чуқурроқ тушунишга имкон беради; билимнинг “классик” методлар ва усулларини театр амалиётига замон нуқтаи назаридан талқин қилади; янги

тасаввурларни илмий истеъмолга киритади; улар бугунги тилда ёзилган, шунинг учун ҳам улар осон идрок этилади.

Шундай қилиб, театр матнларининг асосий мақсадлари, ўқишдан моҳият (асосан ўзлаштириш – конспект қилиш) нимада?

1. Бу матнлар касб билимлари, кўникмалари ва малакаларини эгаллаш учун таянч, асос бўлиб хизмат қилади.

2. Улар бу касбий билим ва кўникмаларни мустаҳкамланишига имкон беради, негаки, талабалар моҳиятни асосан манбадан олади, масалан, К.С.Станиславский билан яккама-якка қолиб, унинг ўғитларини олади (албатта, бу “система”нинг ягона талқинчиси ролини ўйнаётган баъзи педагог-санъаткорларга ёқмаслиги мумкин).

3. Улар театр тилидан иборат бўлган тегишли тушунчавий аппаратни эгаламасдан имкони бўлмаган касбий тафаккурни ривожлантиришга имкон беради.

4. Улар роль яратишнинг умумлашма усулини яратиш ҳақидаги талабанинг бугунги қарашини ички планда тузишни чуқурлаштиради, унинг айрим кўриниш ва деталларини тушуниш ва ўзлаштиришга ёрдам беради.

5. Улар талабанинг ўз актёрлик маҳоратини ўстиришга бўлган интилиши билан боғлиқ одатини шакллантиради, ўз бадиий онгини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга, ўз фаолияти моҳиятини англашга ёрдам беради, ўзини театр буюклари ва иқтидорлари паноҳида ҳис қилиб шахс, санъаткор сифатида кўмаклашади, улар билан мулоқотга киришади, ҳатто тортишиши ҳам мумкин.

Яна шуни таъкидлашни истардикки, ҳар бир талаба, театр матнларини ўқувчиси тез орада янги танишувнинг бошқача моҳиятини англайди, ундан бутун ҳаёти давомида миннатдор бўлади.

Таҳлил қилинаётган фаолиятни амалга ошириш мумкин бўлган восита касбий мулоқот этикасини эгаллашнинг аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир, унингсиз таҳлил қилинаётган фаолиятларни амалга ошириш мумкин эмас. Талаба бундай мулоқотда муқобил ахлоқ кўникмаларини эгаллаши, айтиб бериш объектга нисбатан турли нуқтаи назарлар доим мавжуд бўлиши мумкинлигига

кўникиши, шунинг учун бу нуқтаи назарлар тўқнашувга киришиши мумкинлигини тушуниб олиши зарур.

Талабалар бутун гуруҳ, хусусан ҳар бирининг олдида турган муаммоларни аниқ билишлари лозим. Биринчи ўринда булар ўқув, сўнгра эса касбий мотивацияларини ошириш, ўз кўникмаларини яхшилаш учун зарур. Шу нарса эътиборлики, кўпгина актёрлар вақтлар ўтиши билан ўзлари шуғулланаётган санъатни ўзларидан яратаётганлигини таъкидлайдилар. Аммо уларнинг ҳар бири қанчалик эрта кашф этса, ўзини санъаткор сифатида шакллантириш шунчалик мақсадга йўналганроқ ва самаралироқ бўлади.

Таълимда сахна асари, скетчлар, миниатюралар, эстрада номерлари, пьесаларни талқин этиш ёндашувлари ва методларини эгаллаш муҳим ўрин тутди. Актёр ва режиссёр касби бир пайтнинг ўзида ҳам ижрочилик, ҳам ижодий бўлиб, бу методларни ишлаб чиқишга юксак талаблар қўяди. Бизнингча пьесани ким талқин этади, талқин қилувчига қандай талаблар қўйиш лозимлигини кўпчилик билмаслиги муаммолардан бири ҳисобланади. Пьеса таҳлили чоғида бу муаммога етарлича баҳо берилмаслиги туфайли кўпгина актёрларда, баъзан режиссёрларда “сусткашлик” билан, қаҳрамонларга ниҳоятда содда даражада тавсиф бериш (“ким кимни севади”, “қачон севмай қўйди” сингари) ҳолати рўй беради. Пьесадаги “дастлабки”, “бош” ва бошқа воқеаларни белгилаш схемаси доим ҳам масалани ҳал қилавермайди, негаки амалиётда кўринганидек бу таҳлилни ҳам тўлалигича “юзак” ўтказиш мумкин.

Вазифани “маданият одами” даражасида муаллиф қамровига яқинлаштириб ёки мос келадиган даражадаги пьесани талқин этиш зарурати ҳақида фикр билдириб олий даражадаги вазифани белгилаш билан бирга “санъаткор нуқтаи назари” тушунчасини қўллаш мумкин бўлган вазифани қисман ҳал қилиш мумкин. Ўз даврида М.Уйғур, Е.Бобожонов, Т.Хўжаев, А.Гинзбург, кейинчалик Б.Йўлдошев, Н.Абдурахмонов, М.Вайль ва бошқалар ана шундай “маданият одамлари” эди. Шунга кўра, бўлажак актёр, режиссёр таълимнинг бу йўлини, йўналишини кўра олиши, Софокл, Ҳамза, А.Қодирий, С.Аҳмад, Ш.Бошбеков сингарилар билан бирга ўз асарлари – гапини яратишга

хукуки бўлган шахсга айланиши зарур. Акс ҳолда фаолият натижалари бадиийликка даҳлдор бўлмайди.

Ёзувларда ва экспликацияларда сақланиб қолган қандай спектаклни тубдан “ўзгартириш” касб маҳоратини шакллантириш, яъни ўз устози қачонлардир амалга оширган ҳаракатларини амалга ошириш усулларида бири ҳисобланади.

Бу топшириқни Б.Йўлдошев, Н.Абдурахмонов, М.Вайль, Р.Ҳамидов сингариларнинг машҳур бўлиб кетган замонавий спектакллари материалида амалга оширилиши мумкин. Касбий билим ва кўникмалар таҳлили бўйича бундай топшириқларнинг тури мазкур спектакль юксак бадииятли асар сифатида тан олинган бадиий методлари ва усуллар спектакль образлари тизимини ўз ичига олган “назарда тутилган режиссёрлик экспликацияси” талабалар кучи билан тузишга мўлжалланган вазифа бўлиши мумкин. Бир материалда бир қанча моделларни яратиш зарур бўлган шароитда топшириқ таълимнинг самарали воситаси сифатида тан олиниши мумкин. Талабалар таҳлил предметини қанчалик аниқ ажратиб олсалар, зарурий билим ва кўникмалар шунчалик яхши ўзлаштирилган бўлади, шундай қилиб бу топшириқ назорат вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Театр одами фаолиятини баҳолаш мезонлари. Театр фаолияти маҳсулотининг ўзига ҳослиги туфайли баҳолаш мезонлари ҳақидаги масала ниҳоятда мураккаб ҳисобланади. Баҳо – бу англанаётган объектни айрим эталон билан қиёслаш натижасидир. Агар эталоннинг маълум ўлчов бирлиги (масалан, килограмм, метр, вольт ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда эталон предмети билан чоғиштирилган ва фаолият маҳсулоти ҳақида гап кетганда, шунга кўра баҳоланади.

Театр одамлари, биринчи навбатда актёрлар, режиссёрлар фаолиятини баҳолаш қандай кечади?

Театр санъат ва ижтимоий институт сифатида ички қарама-қаршиликка эга, унинг ҳаёти бу қарама-қаршиликларни доимий ҳал қилиш жараёнидир (бу

муҳитга тушиб қолган инсон унда мавжуд бўлиш ва ривожланиш, ва шунга кўра аввалдан ўз касбий ва шахсий имкониятларини жалб этиши лозим).

Театр маълум таркибга эга бўлади, у кўплаб одамларнинг ҳамкорликдаги кучини талаб қилувчи жамоа фаолияти асосига қурилган ташкилот сифатида мавжуд бўлади. Бу кучларни бирлаштириш зарурати уларга анчайин кескин чекланишларни юклайди, лекин театр жамоаси аъзоларининг, энг аввало актёрларнинг фаолиятининг аниқ объектив мезонлар асосида баҳолаш мавжуд эмас.

Роль ижро этиш, ҳаракатда мулоқот ва юриш-туришнинг турли намуналарини кўрсатиш актёрларнинг касбий фаолиятининг маҳсулидир. Таъкидлаш жоизки, бу намуналар ахлоқ сифатида намоён бўлади, у ишлаб чиқариш ашёлари – маҳсулотлардан фарқли моддиюнлашмайди, материалда акс этмайди, уни намунага қиёслаб бўлмайди. Бу шундай ҳолатда рўй берадики, биринчидан, намуна моддиюнлашмаган (баъзан фақат кино ёки телевидениеда акс эттирилади), иккинчидан, актёрнинг ҳақиқий юриш-туриши жамиятнинг (ва унинг қисми сифатидаги театрнинг) ривожини акс эттириб доимий ўзгариш жараёнида бўлган ролида намоён бўлади.

“Санъатда ўйновчи, ўйинда иштирок этувчи бўлиш фақат камдан-кам одамларга насиб қилади; улар катта ёшлилар орасида ўзлигини сақлаб қолади, уни янги даражага кўтаради, ҳар бир имтиёздан фойдаланади, тасаввурига мос равишда турли ҳилдаги ролларни қабул қилади ва кўпқиррали ҳаётни ўз фаолиятида акс эттиради, қолганлар ўйинда ҳаракатсиз ҳиссиёт билан иштирок этади”.¹

Шундай қилиб, театр санъаткорлар меҳнатини баҳолашнинг содда ва осон қабул қилинадиган, объектив мезони бўлмаган феномендир. Шунингдек театрда ўзига хос иқтидорга, роль ўйнашга интилиши бўлган, инсонлар хулқида мос образларнинг бадиий шаклларида акс этган ички кечинмаларни тақдим этадиган одамлар йиғилган бўлади. Ўз иқтидорини очиш ва англаш мотиви актёрлар фаолиятининг етакчи мотивларидан бири ҳисобланади. Роль олиш

¹ Рубинштейн С.А. Основы общей психологии. СПб. 2000. 494 с.

пайтидаги доимий рақобат актёрлар фаолиятининг қўшимча шарти ҳисобланади.

Буларнинг барчаси:

- а) фаолиятни аниқ, қулай ва объектив баҳолаш мавжуд эмаслиги;
- б) ўз иқтидорини намоён қилиш ва англаш мотивларини мавжудлиги;

в) режиссёрнинг ўзбошимчалигига замин яратувчи роль омилдаги рақобат кабилар актёр нуктаи назаридан труппадаги ўзаро шахсий муносабатларда мураккаб вазиятларни келтириб чиқаради. Яна шуни таъкидлаш жоизки, актёрларнинг бир-бири билан ижодида намоён қилаётган этик меъёр, идеалларга афсуски тўғри келмайди.

Одамлар театр ичида ва ундан ташқарида театр маҳсулотини баҳолашда нимага таянишини тушунишга уриниб кўрамиз. Театр одамлар фаолиятида билвосита муҳит ҳисобланади, “баҳолашнинг” бир неча гуруҳларини мавжудлиги шунга олиб келадики, бунда баҳолаш ифодасининг кўплаб мезон ва воситалари вужудга келади.

Актёр ва режиссёрнинг фаолиятини баҳоловчиларни қуйидаги бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Театр ходимлари:

- А) Ҳамкасблар (режиссёрлар, актёрлар);
- Б) Танқидчилар, театршунослар, театр тарихчилари.

2. Омма, томошабинлар.

Ҳамкасблар баҳоси қуйидагича:

- Баҳолаш объектига дунёқараш, ғоявий, эстетик нуктаи назарларни мослиги (ёки номослиги);
- Мавжуд бадиий йўналиш, театр “мактаби”, маълум “цех ичи” гуруҳи, театрдаги иш тажрибаси кабиларга яқинлиги (ёки узоқлиги);
- Ижоддаги техник ва технологик қўникма ва малакалар ва бошқаларга зарурлиги ҳақидаги субъектив баҳолаш тасаввурлари келиб чиқади.

Шунга кўра, шахснинг бадиий диди, ҳислари шакли, сезгилари билан маълум эстетикага мансублиги баҳолашда етакчи афзалликка эга.

Болаликдан ижодга ўргатиш театр одамларининг фикралари учун асос бўлади, негаки унинг асосий методи ўқитувчи билан ҳамкорликда бадиий маҳсулот яратишнинг асосий методи ҳисобланади, шунга кўра “ўзи учун” ўзлаштириб олинган образ, эталонлар бошқалар учун ҳам ягона тўғри йўл ҳисобланади. “Бегона” сахна маҳсулотини идрок этишда ўзининг ҳиссий образларини бошқа онгга ўтказиш жараёни рўй беради, унинг мос келиши ёки келмаслиги фикр ва баҳолаш учун сабаб бўлади. Айнан ҳамкасблар энг нохуш, аслида эса энг субъектив баҳо беради, бунда А.С.Пушкиннинг асарга унинг муаллифи ўзи учун белгиланган қонун бўйича баҳо бериш керак, деган сўзларини унутмаслик керак.

Ҳамкасбнинг асарига баҳо берувчи мутахассиснинг эътирофи унинг ўзи учун ягона имконият ҳисобланади, негаки у қурол қилиб олган эстетик идеал аста-секин шаклланади ва санъаткорнинг ўзи томонидан камроқ англашилади. Эстетик нуқтаи назар, йўналишларни акс эттирувчи асарни идрок этиш тажрибаси натижасидагина, баъзан эса ижодий йўлнинг охирига келибгина донолик уйғонади (ҳаммада эмас), ўз устидаги ва ўзининг, афсуски, санъатдаги чекланган ўрни ягона имконият ва ҳаққоний “Барча гуллаб яшнасин!”га айланади.

Театр танқидчилари, театршунослар, тарихчиларнинг баҳоси жамият учун анча аҳамиятли ҳисобланади, негаки бу билимнинг маълум соҳасига ихтисослашган ва ҳақиқий эксперт ҳисобланган кишиларнинг фикри бўлади. Бу гуруҳ вакиллари жамият ва театр ўртасидаги воситачи бўлади, унинг ривож ва тақомилига ўз ҳиссасини қўшади ва айни пайтда оммада юқори сифатли бадиий маҳсулотга бўлган эҳтиёж уйғотади.

Аммо ҳаёт ҳар қандай схемалардан-да мураккаб, шунингдек турли касбий ва ижтимоий гуруҳлар ўзаро алоқасидан-да чигалроқдир.

Актёр ижодининг бадиий-психологик принциплари. Актёр ижодининг бадиий-психологик принциплари бошловчи актёр ўзига ижодкор сифатида муносабатда бўлишига ёрдам бериши учун мўлжалланади. Принципларни у ёки

бу актёр онги, фаолияти даражасига мансублиги асос қилиб олинган маълум бир квалификация таклиф этилади. Уларни биз III даражага бўламиз.

I. Актёрни рефлексив ва маънавий онги билан боғлиқ дунёқараши даражаси.

II. Касбий-технологик даража.

III. Актёр техникаси.

I. Актёрнинг рефлексив ва маънавий онги билан боғлиқ “дунёқараш” даражасига нима қиради?

Биринчи навбатда – бу актёрнинг ўзига кенг қамровли асарнинг (спектаклнинг) бир қисми ҳисобланган бадиий асар роль ижодкори ва шахс сифатидаги маънавий “багажига”, интеллектига, шунингдек ташқи хусусияти, пластикаси ва бошқаларга муносабати принциpidир (бу принцип барча уч даражани бирлаштиради).

Бошқа ютуқлар ижодий метод (К.С.Станиславский, М.А.Чехов, М.Уйғур, Е.Бобожонов, Т.Хўжаев ва бошқаларга ўхшаб) асосидаги актёр меҳнати, изланиши ва ўзининг принциpidир. Бу принцип иккинчи даражага ҳам тегишли.

Ролда уйғунлик, қисмлар ва умумийлик муносабати, ролни умумий спектакль контексти ва истиқболида кўра олиш юзасидан изланиш принциpi (у иккинчи даражага мансуб).

Жамиятдаги маданий ва психологик вазиятлар билан боғлиқ роль (ва спектакль) талқини, концепциясининг ўзаро алоқаси принциpi.

Роллар учун янги билимлар ва тасаввурларни, воқеалар, ҳаққоний воқелик ва мослашиши кучли идрок этиш принциpi (ҳамда ҳозирда репетиция қилинаётган, ҳам актёр ижро этишда давом этаётган роллар).

“Ижоднинг ҳаққонийлигининг юқори даражасини назарда тутувчи ролдаги шахсиялилиқ моҳиятини, пьеса ва спектакль яратувчилари томонидан сингдирилган қадрият ва идеалларга ўз муносабатини ишлаб чиқиш ва намоён қилишни” актёр томонидан долзарблаштириш принциpi.

Актёр учун маъқул бўлган характерологик ва маънавий қадриятли роль билан ўзаро алмашилиш, уларни янги пьесани қабул қилганда айирбошлаш принципи.

Янги роллар бўлмай бошқа ижодий жараёнларга жалб қилинган пайтда (шеър, наср ёки пьеса ёзиш, мусика, кўшиқ ижод қилиш ва бошқалар) ўзини шахсий ва маънавий бўшлиқ, кеккайиш, ҳасад кабилардан асраш принципи.

Ўзи учун янги, айнан шу роль учун зарур бўлган бадий мантиқни излаш принципи (масалан, маънолар, бўёқлар қарама-қаршилиги, уларнинг мажмуи ёки мўллиги, зидлиги ёки яқинлиги, монохром бўёқлар усулини танлаш).

Маданият, Театр, Муаллиф, жамият олдида шахсий виждонан масъулият принципи.

Ўзини такомиллаштириш, шахс, индивидуаллик, санъаткор сифатида “ўстириш”, санъатга фидокор, унда ижодкорлик, миллий таълим дастури талабларига жавоб бериш билан боғлиқ мажбурий принцип.

II. Касбий-технологик даража. Актёрнинг ўзи ва роль устида ишлаш усуллари ва методларини англаш, ўзлаштириш ва такомиллаштириш принципида ҳам К.С.Станиславский системасидан, ҳам нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки жаҳон актёрлик мактабларининг буюк театр педагоглари таклиф этган методлардан фойдаланилади.

Улар асосида ўз технологик базаси ишлаб чиқилади.

Ўзини ролда, яъни образга кириш меъёрини ҳис қилишни долзарблаштириш (бир ҳолатда, аммо айна ҳолатда етук актёр, ижодкор сифатида ролда импровизация қилинган бошқа ҳолатларда).

Бадий-идрокий тарбияланганлик, “ижод қилишга” тўлалигича берилиш (эрталаб ёки кечги пайтда соат 11:00 да “ижодга берилиш”), репетиция қилинаётган маълум жанрдаги спектаклда фаол иштирок этиш принципи.

Тананинг ички енгиллиги, эгилувчанлиги, психикаси ва “физикаси”, ташқаридан ичкига ва аксинча юқори тезликда ўтиш принципи.

Ташаббускорлик, ўз кучини тўла сарфлаш, ўзини сеvimли ишига: маълум спектакль, роль, репетиция кабиларга бағишлаш принципи.

Биринчи ва иккинчи қисмларда келтирилган принципларнинг асосий қисми дастлаб англанилиши, тушунилиши, сўнгра ташқи ифодаланган образ орқали янги усул, бўёқ ва бошқаларни ифодалаш ва намоён бўлиши зарур; аммо мураккаб ва муҳим иш айнан актёрнинг ички “оламида” содир бўлади.

III. Актёр техникаси даражаси. Бу биринчи навбатда объектив, ўз-ўзини, ўзининг актёрлик техникасининг даражасини ҳаққоний баҳолаш принципи.

Доимий тренинг, ўз ички ва ташқи қобилиятларини (ички эгилувчанлик ва ҳаракатчанлик, пластика, овоз, дикция) такомиллаштириш принципи.

Актёрлик психотренинги, нутқий ва пластик сингари уч тренинг машқлар “банкни” тўплаш ва ишлов бериш принципи.

Барча принципларнинг ўзаро алоқаси ва боғлиқлиги кўриниб туради, шунингдек унда кўрсатилган актёрнинг амалий томонлари ва сифатларининг ўзаро алоқаси ҳам намоён бўлади. Агар актёрда шахсий ва касбий ривожланиш бўлмаса, бунда у фақат режиссёр кўрсатмаларини бажарадиган, ҳаёт ва бўлажак роллар учун ўз роли ва ўзини мустақил ўстирмайдиган актёрлардан бири, яъни, “актёр-функция”гина бўлиб қолади.

Мулоқотлар “полифонияси”. Санъатнинг вазифалари ниҳоятда кўп, аммо одамларни мулоқот қилишга, бошқа халқлар ва мамлакатлардан уларнинг юриш-туриш, мулоқот усулларини ўзлаштиришга ўргатиш улардан энг муҳимлари ҳисобланади. Мамлакат ичида эса одамларнинг бир-бирини англаши, ҳаётий мақсади, йўналиши, характери, махсус мақоми, ёш, диди, ҳаётни ички ҳис қилиш бўйича турлича бўлган одамларни тушунишга ўргатиш ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қизиғи шундаки, бу жараёнда жонли актёр фаолият кўрсатадиган театр санъатидан бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган алмашиниш бор, буни турли мутафаккирлар ва санъаткорлар ҳам таъкидлаганлар.

Бошқа санъат турлари билан қиёслаганда театр санъатининг ўзигагина ҳос бўлган томони бор, бу уни бошқа санъатлардан кескин фарқлаб туради, у “кўпчилик одамнинг энг қудратли ва ҳаракатчан ташкилотчисидир...

инсоннинг маънавий фаолиятига, тафаккур ишига бўлган иштиёқини фаоллаштириб, бу яширин жараённи фақат кишилар жамланган шароитдагина амалга оширади”, томошабинда “инсон ажралмас қисми ҳисобланган жамият билан ўзаро алоқада муҳим масалаларни ҳал қилишга эҳтиёжини” ҳосил қилади.¹ “Театрнинг мулоқот сифатидаги” муаммо мазкур дарслик доирасида ниҳоятда муҳим масала сифатида қаралади, унинг мақсади эстрада санъати одамнинг шаклланишидаги муҳим масалаларни қўйиши ҳисобланади. Бу масалалар санъаткорнинг масъулиятини чуқур англаши, унинг шахсияти, фуқаролик ва инсоний нуқтаи назарига талабларни шаклланишига олиб келади.

Театрдаги мулоқот ниҳоятда хилма-хил ва кўпқирралидир, шунинг учун биз таъсирчан схема деб номланган тегишли ёндашувдан фойдаланишни таклиф қиламиз, ундан схема бўйича нутқ фаолияти назариясида фойдаланилади. Унга кўра ҳар бир алоқага киришувчини субъект сифатида тасаввур қилиш мумкин, у партнёрни таъсир объекти сифатида англаб лисоний ва нолисоний белгилар ёрдамида таъсир қилади. Ўз тасаввури доирасида унинг партнёри ҳам ўзини нутқий таъсир субъекти деб ҳисоблайди. Шунга кўра мулоқотнинг айни бир ҳолати партнёрларнинг турли алоқавий нуқтаи назаридан шаклланадиган икки тасаввур кўринишда тасвирланиши мумкин. Бу схемага мурожаат қилишининг моҳияти шундаки, бу ерда объект онгини ўзгариши кўринишидаги мулоқотнинг барча натижаси, мақсади, воситаларидан иборат элементларини батафсил ўрганиш имконияти бор. Таъкидлаш жоизки, амалий ёндашув доирасида шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир мулоқот қандайдир ўзи мансуб бўлган қайсидир фаолиятга хизмат қилади. Театр - бу санъат, шунга кўра ундаги мулоқот бадиий эстетик соҳага ва тегишли фаолиятга “хизмат қилади”, аммо айни пайтда театр ижтимоий институт ҳамдир, шунинг учун унга алоқавий, ижтимоий сингари яна кўплаб вазифалар юклатилган бўлади. Шундай қилиб, театрда жамият-драматург-режиссёр-актёр-томошабин ва танқидчи – жамият сингари “айлана занжир” фаолият кўрсатади.

¹ Велехова Н. О хлопков и театр улиц. –М., 1970. 22-23 с.

Театр ижтимоий институт сифатида жамият онгининг шаклланишини таъминлайди. Унинг аъзоларининг ғояси, мақсадлари, ахлоқий ва мулоқот усуллари, шаклларига таъсир қилади. Табиийки, бу мулоқотдан барча алоқа партнёрлари бир пайтнинг ўзида мулоқот субъекти ҳисобланади, негаки улар барчаси маълум жамият ва маълум касбий муҳит аъзолари ҳисобланади.

Занжирни батафсилроқ таҳлил қиламиз.

“Жамият-драматург” алоқаси. Драматург ўз асарини яратишдан аввал жамиятнинг таъсирини ҳис қилади, бу баъзан унинг ўзига, ҳаётий фаолиятига оғриқли бўлиши мумкин. У бутун бир ижтимоий гуруҳ ва айрим шахслар, ҳокимият вакиллари, яқин одамлар ахлоқини оғриқли қабул қилади.

Шу билан бирга у маданият ва санъатнинг аввалги ва замонавий қатламларини англайди, маълум адабий, театр асарлари унга кучли таъсир қилади, ўз асарларини яратади. Жамият кучли таъсир қиладиган атрофдаги одамларнинг фарқли драматург таъсири натижасида вужудга келган ўз кечинмалари ва фикрларини вазиятлардаги образлар тўқнашувларда анланган, муаммолар, мавзулардан ўрин олган персонажларда акс эттиради. Унинг узоқ, мураккаб, оғир изланишлари якуни дастлабки фикрлари, ғоялари, монологлари, диалоглари, умуман пьесаларида ўз аксини топади. Драматургнинг иқтидори кўпқиррали: у нафақат кучли ижтимоий қарашга эга бўлиши керак, балки жамиятда ўз кучини йиғётган жараёни кўриш учун унинг ривож таъминини англаши, амалий тафаккурлаш иқтидорига эга бўлиши керак. У ўз даври учун типик бўлган вазиятларни, ижтимоий ёки психологик ҳодисаларни, кўз олдида намоён бўлаётган жараёнларни англабгина қолмасдан, айтиш пайтда вазият-схемани, пьесадаги воқеа ва тўқнашувларни персонаж образига айлантириш учун санъаткор бўлиши керак, бунинг учун эса, табиийки адабий сўз санъатини англаши зарур.

“Драматург-режиссёр” алоқаси. Қаҳрамонлар луқмаси, муаллиф изоҳи ва бошқаларни ўз ичига олувчи пьеса матни режиссёр касбий фаолиятини юритиб юборувчи асос ҳисобланади. Драматург яратган ғоялар ва образларни

режиссёр томонидан идрок этилиши сифати, муаллифга “вафодор” бўлиш (бўлмаслик) даражаси, “ҳамфикр” бўла олиш турлича бўлиши мумкин.

Баъзи режиссёрлар (М.Уйғур, Т.Хўжаев, А.Гинзбург, Б.Йўлдошев, Р.Хамидов, О.Салимов ва бошқалар) пьесаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, имкон қадар спектаклда драматург ғоясини чуқур ва ҳар томонлама тасаввур қилишни ўз вазифаси қилиб қўяди. Бундай ёндашувда ҳаракат муҳитига кириш рўй беради, кўпинча тарихий маълумотлар, тегишли безак қисмлари, предметлар, либослар ва бошқалардан фойдаланилади. Бу ҳолатда пьеса талқини драматург онгидаги образларни тўлароқ қайта яратишга интилиш сезилади, режиссёр муаллиф билан ҳамкорлик қилиб пьеса ғоясига таъсир қила олган пайтда натижа мўлжалдагидан ҳам яхши чиқади.

Аммо драматургик материалга эркин мурожаат қилиб ўз фикрини айтиш учунгина пьеса матнини қўлга оладиган режиссёрлар ҳам бор.

Ўзини маълум бир “мактаб”га, йўналишга, шунингдек К.С.Станиславский мактабига мансуб деб ҳисоблайдиган режиссёр бутун ижоди давомида “янги воқеликнинг ижодкори” сифатидаги ўз ноёб фикрини ишлаб чиқади ва такомиллаштириб боради, ушбу касбий фаолиятнинг ўзига хос мазмунини акс эттирувчи ўз тушунчавий аппаратини аниқлаб олади. Бу ерда гап адабий асарни (пьесани) спектакль “ҳаётига” айлантириш жараёни ҳақида кетмоқда.

“Режиссёр (плюс драматург) - актёр” алоқаси. Театрнинг бутун ички ҳаёти, унинг сеҳри ва драмаси мана шу алоқада намоён бўлади, айнан шу ерда қарама-қаршилиқлар, муваффақият истаги кўпроқ, улар қийинчиликлар, баъзан қувончли ҳам пайдо қилади, аммо доим янги муаммолар вужудга келаверади. Замонавий театр танаси худди шундай тузилган, унда режиссёр-етакловчи, актёр-етакланувчи маъносидаги ролларнинг ижтимоий иерархияси вужудга келди. Аммо ҳаққоний ҳаётда ҳамма бўладиган нарса бўлавермайди, кўпгина актёрлар “рози бўлиш” имкониятини ҳисобга олмайди, негаки касби режиссёр бўлган одамларнинг бадиий онгини ўзи учун қизиқарли ҳисоблайди. Режиссёрнинг актёр билан ишлашининг икки хил усули мавжуд, деган фикр бор. Биринчи усули ижрочи билан ўйин шаклини ҳамкорликда излаш учун

мўлжалланган режиссёр томонидан яратилган образ репетицияга қадар аввалроқ амалга оширилиш лозим бўлган актёрга ёндашувдан иборат, иккинчи усул актёр билан бирга ҳақиқий диалогда барча жиҳатлар яратиладиган ёндашувдир. Таъкидлаш жоизки, томошабин учун ҳар иккала ҳолатда ҳам натижа ажойиб бўлиши мумкин, ижодкор сифатидаги актёр учун иккинчи вариант маъқулроқ.

Ҳар қандай мулоқотда унинг аниқ тури, тили муҳим ўрин эгаллайди. Бир томондан театрға яхши, негаки унинг К.С.Станиславскийси бор ва бизнинг театр олий ўқув юртимиз унинг “системаси”га таянади. Аммо, бошқа томондан, театрнинг “тушунчавий аппарати”, у ҳақидаги билимларни “бериш”нинг методлари ва усуллари, театрнинг “ичидан” билимларни бир авлоддан бошқасига беришни янада аниқлаштириш лозим. Талабалар томонидан театр тилини онгли эгаллашни аввалроқдан бошланиши зарур, негаки уларни эгаллаш бўлажак актёр, режиссёр касбининг ажралмас қисми ҳисобланади!

Репетиция мулоқотида лисоний қийинчиликлардан ташқари яна бошқа кўплаб психологик қийинчиликлар учрайди. Театрда актёрнинг драматург, режиссёр, гримёр ва либосчига боғлиқлиги табиий, унинг ихтиёрида эса ўз ҳаракати, энг муҳими томошабин бор.

Бу ҳодисанинг аксил моҳияти шундаки, у актёрлик касбини психологик жиҳатдан энг мураккаб касблардан бири қилиб қўяди. “Ижодкор”, янги “оламни” яратувчи сифатидаги режиссёрда ҳам бошқача хусусиятдаги, лекин янада қийинроқ бўлган қийинчилик бўлади, негаки нафақат умумий бадий маҳсулот бўлган спектакль, балки бошқа одамлар тақдири ва бошқалар унга боғлиқ бўлар. Бундай мажбуриятлар санъаткор ва инсон сифатидаги режиссёрға қарама-қарши талаблар қўяди.

Режиссёрнинг актёр билан муносабати этикасини тарбиялаш ҳам театр мактабидан бошланади. Агар педагог талабани камситса, бу бўлажак режиссёрлар, актёрлар томонидан давом эттирилиши мумкин. Репетиция жараёнининг сирлилиги, қалтислиги, ҳиссиётларга тўлалиги фақат ўзаро ҳурмат, яқинликка таянилгандагина самарали бўлиши мумкин.

“Актёр (плюс режиссёр, плюс драматург) – актёр алоқаси”. Саҳнада актёрларни образлар орқали мулоқотига К.С.Станиславский системасининг анчагина қисми бағишланган, унинг учун ҳақиқий саҳна мулоқоти механизмларини очиш муҳим бўлган, юзаки, аҳамиятсиз мулоқотни фарқлаш лозим бўлган: “Агар артистлар залда ўтирган минглаб оломон эътиборини ўзидан соқит бўлишини хоҳламаса, тасвирлаётган роли ҳиссиёти, фикри ва ҳаракатига мос бўлган ўз ҳиссиёти, фикри ва ҳаракатларини партнёрлар билан мулоқот жараёнида узлуксизлигини таъминлаши лозим. Бунда албатта, мулоқот учун ички материал тингловчилар ва томошабинлар учун қизиқарли бўлиши керак”¹.

Шуни ҳисобга олиш муҳимки, актёрнинг фаол бадиий онги репетиция ва спектаклларда турлича намоён бўлади. Репетиция жараёнида роль курилади, бу пайтда тўхташ, ниманидир ўзгартириш мумкин, спектаклда эса роль шаклланган, партнёрлар ва томошабинлар муносабатига киритилган бўлади. Айнан шу жараёнлилик, ундаги ва у биланлик театр санъатини бетакрор қилиб қўяди.

Актёрнинг соф инсонийлик ҳислати партёрликда ўзини намоён қилади. Замонавий театр ҳам “театр-тасаввур” ва ҳам “театр-кечинма” тажрибасидан фойдаланади, албатта бу турли режиссёрларда турлича бўлади, аммо ҳар қандай ҳолатда саҳна партнёрларининг жонли алоқаси назарда тутилади ва моҳиятан театр санъатининг ажралмас қадрияти, мафтункорлигидан бири бўлиб қолади.

Мана шу ўзгариш сеҳри, партнёрларнинг “тўёки мулоқоти”, қаҳрамонларнинг ишонмаслик мумкин бўлмаган ҳақиқий, мафтункор, поэтик жиҳатдан яратилаётган мулоқоти, стихиянинг ҳар қандай “энергия кучига” тортилаётган барча жиҳат “давом этаётган натижаси” бўлади, аслида эса ажойиб сеҳрли жараёндан бошқа нарса эмас.

“Актёр (плюс режиссёр, плюс драматург) - танқидчи” алоқаси. Танқидчи, табиийки, томошабин ҳамдир, аммо ўзига ҳос томошабиндир. У

¹ Станиславский К.С. Собрание сочинение. В 8 томах. Т. 2, - М., 1936, 253 б.

жамият ва санъат олида жавобгардир, унинг мақсади юксаклик, иқтидорлиликни қарор топишига ёрдам бериш, иқтидорсизлик, бемаъноликни кўрсатиш, унга ҳаққоний баҳо беришдан иборат. Спектакль аслида томошабин яратилаётганлигини ҳисобга олиш зарур, лекин оммавий ахборот воситаларидаги танқидий мақолалар ва чиқишларни актёрлар ва режиссёрлар эътиборига тушмаяпти деб бўлмайди, ҳатто улар бунга қарама-қарши фикр айтаётган бўлса ҳам.

Жамият ва театр ўртасидаги воситачи, компетентли талқинчи ролини ўз устига олган танқидчи спектаклни онгли равишда маданий контекстга киритади, унинг шаҳар, мамлакат, баъзан дунёдаги ижтимоий ва бадиий ҳаётдаги роли ҳақида фикр юритади, унинг афзаллиги ва нуқсонларини маълум маданий анъана нуқтаи назаридан очиқ беради. Баъзан танқидчи санъатдаги янги воқелик, янги шахс, бадиий тил, услуб ва бошқаларнинг ривожига янги тенденциялар қабиладарни биринчи бўлиб сезади.

Танқидчиларга тегишли бўлган баъзи муаммолар ва масалаларни қуйида кўрсатиб ўтаемиз:

- Янги театр ахлоқини миллий ва жаҳон театр маданияти контекстига киритиш муаммоси;
- Санъатда, шунингдек маълум актёр, режиссёр, театр ижодида эстетик ва ахлоқийликнинг мутаносиблиги муаммоси;
- Спектакллар, уларни услубий безалишини жанрий тўхтами масаласи;
- Ҳозирги пайтда “Театр “уй” ёки антеприз сифатида”ги ишларни ташкил қилишда етакчи тенденциялари муаммоси;
- Маълум режиссёр, актёр ижоди динамикаси таҳлили, маълум драматургга мурожаати, маълум пьесани танлаш, уни комплектли талқин қилиш қабиладарни англаш;
- Замонавий китобхонлар ва томошабинларга турли мамлакатлар ва даврлар театр санъати ҳақида маълумот бериш;
- Ифодавий воситалар орқали танланган спектакль яратувчилар билан бадиий ижод принциплари таҳлили ва қиёси;

- Айнан танқидчилар театрнинг бадиий ва ижтимоий феноменлиги нуктаи назаридан муаллиф ва режиссёрнинг янги самарали фикрини биринчилар қаторида тушуниб олади.

- Улар янги ходисаларни белгилаш мумкин бўлган зарурий сўз ва тушунчаларни топади, негаки театрда, бошқа санъат турларидаги каби образни, сўзни талқин этишни қийинлаштирувчи вазиятлар кўп бўлади.

“Актёр (плюс режиссёр, плюс драматург) - томошабин”. Табиийки, айнан шу алоқани бутун санъатлар учун маъно бағишловчи дейиш мумкин, лекин бу фикрни барча театр одамлари учун аксиома деб бўлмайди, кейинги йилларда, танқидчилар таъкидлаганидек, актёрнинг ўзи жараёндан баҳра оладиган сахнадаги ижронинг “ўз-ўзига маъқуллигининг” янги тенденциялари ҳақидаги маълумотлар пайдо бўлмоқда.

Шунга қарамай театрнинг асосий йўли томошабиннинг бирлашиши, умумий ижодкорлик йўлидан ўтади. Театр санъати асарлари инсоннинг сезгиси, ҳиссиёти, фикри, маънавияти кабиларнинг “барчасига” қаратилган бўлади, у томошабини бойитади ва ривожлантиради, унинг маънавий тажрибасини бойитади ва спектакль мазмунини шахсий ҳаётий тажриба билан синтезлайди. Томошабин ўз-ўзини ҳис қилиши ҳам ўзгача, у “ўз-ўзича” ва бошқа томошабинлар билан биргаликда бўлиши мумкин. У ўзини ва яқинларини персонажлар билан солиштириб кўради (“мен ботирманми ёки қўрқоқманми?”, “мен саҳийманми ёки бахилманми?” ва ҳ.к.), ўйга ботади, тарозига солади, хулоса қилади.

Ҳаёт худди спектаклда таклиф этилган моделда жонланади, томошабин эса ўзига яқин бўлган ва шу билан бирга “ижтимоий барпо этилган” ҳаётга кириб қолади. Чуқур онг остидан ўзи ҳақида, атрофидаги олам ҳақида дилида ёруғлик пайдо бўлади, оламни ва унда ўзини англаш ҳисси сўзларда ўз ифодасини топади. Санъатга бўлган эҳтиёж шундай туғилади ва ривожланади, у шу билан чекланиб қолиши ҳам мумкин, санъатнинг бошқа турлари ва жанрларига тарқалиши ҳам мумкин, шунда инсон театр, мусиқа, назм, рангтасвир билан мулоқотсиз ўзини тасаввур эта олмай қолади.

Ўқув–бадий машғулотлар турлари

Ўқув–бадий машғулотлар - таълимни ташкил этиш шаклларида бири сифатидаги батафсилроқ талқинига қайтамиз.

Машғулотларнинг ўқув-таълимий тури (кўпинча машғулотнинг бир қисмини эгаллайди холос) педагог–санъаткор раҳбарлигида талабаларнинг бадий-образли, ақлий ҳаракатларнинг маълум қисмини эгаллаши, дунёқараш, қадриятлар нуқтаи назаридан уларнинг онгини шакллантириши, театр санъаткори нуқтаи назаридан жаҳон ва албатта юртимиз театр маданиятининг ичидан танишиши бўйича ўзаро боғлиқ ҳаракатларидан иборат бўлади.

Машғулотларнинг ўқув-бадий тури ўқув-репетиция кўринишини ҳам ўз ичига олиб, талабаларда актёр ва режиссёр касбининг технологик, техник ва ижодий соҳаларини амалга ошириш кўникмаларини ишлаб чиқишга йўналтирилади. Касбий фаолиятнинг “билим асосини” таъминловчи машғулотларнинг аввалги тури билан мувофиқлаштирилган ҳолда бу ерда талабалар томонидан “спектакль тайёрлаш ёки роль яратишнинг умумлашма усуллари” ҳаққоний эгалланиши амалга оширилади (тўғрироғи амалга оширилиши керак).

Ўқув-машқ машғулотларида, биринчидан, талабанинг ўзи бутун ҳаёти давомида чалиш лозим бўлган “асбоб” деб англайдиган вазиятга олиб кирилади, иккинчидан, бу машғулотларда актёр, режиссёрнинг жисмоний аъзоларини такомиллаштиришнинг дастлабки кўникмалари, шунингдек бу иш амалга ошириладиган машқлар “банки” асосини яратиш ҳолати рўй беради. Бу ерда санъаткорни бошқа оддий одамлардан ажратиб турадиган онг фрагментлари вужудга келади. Масалан, у ўз танаси кўринишини шакллантира, овоз аъзоларига ишлов бера, ўзининг бадий индивидуаллиги яратиладиган ўзига ҳос ички оламини қура бошлайди, ҳиссиётлар ўзгарувчанлиги, тафаккурлаш ва тасаввур қилиш қобиляти шаклланади, ҳиссий хотиранинг зарурий багажига асос солинади.

Машғулотларнинг ҳар бир тури талаба онгига “янгилик” олиб киради, актёр, режиссёрнинг касбий вазифавий органларини шакллантиради, талабани

санъаткор сифатидаги янги психикаси ва “физикаси”ни вужудга келтиради. Бу янгиликларнинг тез намоён бўлиши ёки кечикиши талабанинг қобилиятига, шунингдек ўқув-бадий жараён қанчалик компетентли ташкил этилганлигига, яъни педагог малакаси ва ҳаракати, шунингдек уларнинг ҳар иккаласининг мотивациясига боғлиқ. Гап шундаки, “янгиликларни” пайдо бўлишининг ўзини ҳар бир ўқитувчи томонидан овоз чиқариб таъкидланмайди, улардан баъзилари талабаларни кўр-кўрона, гўёки уларга ҳам, ўз-ўзига ишонмасдан ўқитишни маъқул кўради, бу бўлажак санъаткор арбобларини “боқимандачилигини” оширишга олиб келади, шунингдек улар ўз имкониятини билолмай қолади. Янги билимларни фаол ва онгли ўзлаштираётган талаба меҳнатдан қочмаслиги билан ажралиб туради, топшириқларга масъулият билан муносабатда бўлади, ўзининг ўқишга бўлган янгидан-янги ёндашувларини топади ва касбий маҳоратини такомиллаштириб боради.

Шу ўринда талабалар томонидан уларнинг бўлажак касбининг кўплаб жиҳатларини тушуниш муаммоси ҳақида сўз юритиш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу муаммо осонлик билан шунчаки ҳал қилинадиган эмас. Бизнинг кўплаб кузатишларимиз ва талабалар билан суҳбатларимиз шуни кўрсатадики, театр олий ўқув юрти талабаларининг кам қисмигина ўзларини нимага ўқитилаётганини билади холос, кўпинча уларнинг онгида бўлажак касби ҳақида умумий, ноаниқ тасаввур ҳосил бўлади. Энг аввало ўқитувчи талабаларга уларнинг бўлажак касби учун қандай кўникма ва билимлар лозимлигини бутун педагогик маҳоратини ишга солиб тушунтириши керак. Негаки, “тушунтириш – бу янги билим бериш жараёни билан тенгдир, у билим объекти моҳиятини очиқ беради, билим фаолиятини амалиётнинг янги даражасига кўтаради, ҳам билимнинг, ўзининг ва индивидуал билишнинг, ҳам амалиётнинг ривожига хизмат қилади”.¹

Санъаткор-педагоглар талабаларга тушунтирмайди деб бўлмайди, нимани ва қандай ўзлаштириш зарурлигини тушунтиради, аммо бундай педагогик таъсирида аниқ камчилик кузатилади, ҳеч ким ҳамма нарсани тушунтириш

¹ Ляудие В.Я. Формирование научного и дидактического объяснения// Формирование учебной деятельности студента.- М., 1989. 134 с.

зарур деб айтмайди. Талабалар ниманидир ўқитувчининг эътиқоди ва ишончи асосида эгаллайди, аммо самарали таълим фақат нимага ишониш ва нимани тушуниш нисбатида иккинчиси илғорроқ бўлсагина бўлиши мумкин.

Таълимнинг бош жиҳатларини тушуниш талабалар томонидан ўқув-бадий материални эгаллаш мотивациясини оширади, негаки “тушуниш тушунчаси нафақат тушунтириш жараёнида қўлланаётган маъноларни изоҳлашга, балки маънони очиш бўйича унинг ишини англатади... Тушуниш субъект онгининг шундай ишидан иборат бўладики, бунинг натижасида у ўз онги мазмуни доирасидан чиқади, нафақат билимларнинг янги мазмунини тузади, балки воқеликка, ўз фаолиятига янги муносабатни ҳосил қилади”¹.

К.С.Станиславскийнинг матнларга мурожаат қилмай туриб, унинг системаси элементларини эгаллаб бўлмайди. Аммо педагоглар уларни ўқиётганда талабалар олдида қийинчилик пайдо бўлаётганини тўғри таъкидламоқда. Шунга қарамай агар санъаткор-педагог талаба олдида матн мазмунини ўзлаштириш лозимлиги ҳақидаги талабни қўйган бўлса, бутун кучини сарфлаб ўзлаштиради, шунда албатта бош касбий муаммоларини тушунишнинг янги юқорироқ даражасини эгаллаб олади ва уларни осонроқ ҳал қилади.

Биз талабанинг ўқув-бадий ҳаракатларида репродуктив ва ижодий ҳаракатларини фарқлаш ҳақида кўп бора эслатган эдик. Афсуски, кўпгина педагоглар ҳаракатнинг бу турларини кўп ҳам фарқлай олмайди, уларнинг кўпчилиги имтиҳонда парчалар, диплом спектакллари кўринишида тақдим этаётган бадий маҳсулот аслида педагогнинг деярли барча “кўрсатмалари” асосидаги талабаларнинг репродуктив ҳаракатларинигина такрорлайди. Табиийки, актёр ва режиссёрни ижрочи сифатида репродуктив ҳаракатларга ўргатиш зарур, аммо уларнинг ўзи ўқув-бадий вазифаларга ечим топаётган вазиятларга қўйиш ҳам муҳимдир ва у ёки бу ижодий ҳаракат ёки ҳаракатлар занжирини, мустақил равишда кичикроқ бўлса ҳам ўз бадий кашфиётини амалга оширади.

¹ Ляудие В.Я. Формирование научного и дидактического объяснения// Формирование учебной деятельности студента.- М., 1989. 134 с.

Масалан, санъаткор-педагог талабалар парчада етарли даражада ифодали эмаслигини кўради, бу уларнинг пластикасининг соддалигида, муносабатларнинг ночорлиги ва бошқаларда кўринади. Бу ҳолатда кўпгина педагоглар дарҳол персонажларнинг ҳаракатларини ўз тасаввуридагига кўра амалга оширишини тавсия қилади, талабаларнинг уни такрорлашдан бошқа иши қолмайди. Бадий-педагогик жараёни ақл билан стратегик тузиш доирасида шунинг ўзи талабалар К.С.Станиславский таклиф этган усуллардан бирини яхшироқ ўзлаштиришлари учун сабаб бўлиши мумкин. “Тавсия этилаётган вазиятларни” ҳисобга олишга эришишга мурожаат этиш мумкин.

Агар талабалар фантазияси ишга солинса, уларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган шароит ва ҳаёт тарзига боғлиқ равишда ўз персонажларининг қандайдир янги жиҳатларини ўйлаб топади, бу машғулот икки ёқлама мазмун касб этади. Биринчидан, талабанинг янги ҳаракати чин дилдан, ўта шахсий бўлиши мумкин, педагог дидига тўғри келмаслиги ҳам мумкин, лекин иккинчидан уларнинг ижроси такомиллашган актёр маҳорати элементи чуқур ўйланган бўлади. Янги тажриба олган талаба учун машғулотларнинг бадий томони шундай таъминланади, энг муҳими машғулотнинг педагогик моҳияти ҳам таъминланади, негаки бунда талаба янги билимни ўзлаштиради, янги ижодий кўникмалар шаклланади. Дарҳақиқат,бу бадий-педагогик вазиятда педагог кўникмани чуқур эгаллаш вазифасини ҳал қилиши мумкин, “ҳақиқий, самарали” таъсир кўрсатади, мулоқот қилади, персонаж образи характери элементларини яратади ва ҳ.к. Бошқа тематик туркумда (ёки шакллантирилган ўқув-бадий вазифага боғлиқ равишда шунинг ўзида) М.Уйғур, Е.Бобожонов, Т.Хўжаев кабилар таклиф қилган усуллар ва методлардан фойдаланиш мумкин.

Маълум ўқув-бадий вазифани бажариб, талаба нафақат семестр охирида маълум этюдлар, парчалар, спектакллар ўйнайди ёки қисман (педагог билан бирга) сахнага кўяди, балки бўлажак касбий муаммоларни ҳал қилиш бўйича билимлар ва кўникмаларни эгаллайди. Ўзлаштирилган янги тушунча, термин, ҳаракат усули кабиларнинг барчаси театрда фаолият кўрсатиш куралига айланади. Онг орқали англамаган, кўп бора талқин этилмаган, шунга кўра

чукур тушунилмаган бу куроллар санъаткорнинг мулки бўла олмайди, унга етарли даражада хизмат қилмайди. Нуқсонлардан ҳунармандлик ва санъат азият чекади, у фақат ҳунармандлик устига қурилиши, унинг мавжуд даражасини, актёрнинг техник даражасини тўлатиши мумкин.

Актёр ва режиссёрни касбга ўқитиш соҳасида “ўйин”нинг қизиқарли феноменига мурожаат қиламиз. Талабанинг ўйин фаолияти бир неча планларда намоён бўлади:

а) бу ёшларга яна ўйнаб қолиш, тўполон қилиш, озроқ бўлса ҳам кўп талаб қўядиган “катталар” ҳаёти оғирлигидан қутулиш ва бошқалар, жараёндан баҳра олиш (талабаларнинг бир қисми айнан шунинг учун театрга боради);

б) театр, актёр ўйини;

в) ўйин “тадбиркорлик ўйини” методи, юқоридаги касблар нуқтаи назаридан муҳим бўлган кўпгина ҳаракатларни эгаллаш усули (унинг бу моҳияти педагогик жиҳатдан анчагина бўш талқин қилинган). Ўйиннинг юқорида номлари келтирилган уч турининг ўзаро алоқасидан бугунги кунда етарли фойдаланилмаяпти. Аслида эса болалик актёрнинг қонида бўлади, у бундай янгилик, интилувчанлик, шўхлик каби хислатларни унутмаслиги керак, ўйин жараёнида бу хислатлар уйғониши зарур. Ўқув гуруҳида талабалардан кимдир бундай “таълимнинг” натижасини ўйламай фақат жараёнга шўнғиши мумкин; кимдир театр ўйинини меҳнат ва касб сифатида англайди. Кимдир на унга, на бунга ўзини баҳшида этади, фақат қатнашади холос, жараёнга киришмайди, ўзида янги мураккаб психофизик хусусиятлар ва кўникмаларни ривожлантириб ўзгармайди, ўзидаги ижодий ташаббускорликни юзага чиқармайди. Фақат педагогнинг талабаларни, ўқув-бадий жараёнини ўзлаштириш хусусиятларини чукур тушуниш, унинг моҳирона ва нозик мувофиқлаштириш ҳаракатлари туфайли талабани педагог билан бирга “ўз-ўзига таълим бериш” жараёнида уйғун иштирок этишга эришиш мумкин.

Саволлар ва топшириқлар

1. Инсон учун ўйиннинг бош моҳияти нимада?

2. Актёр ўйини ва боланинг ролли ўйинини нима кўпроқ яқинлаштиради?
3. Кўриб чиқиладиган ўйин турларининг ҳар иккаласининг қайси бири иштирокчилар учун энг муҳим деб ҳисоблайсиз?
4. Нима учун кучли ва фаол ўйинсиз, тегишли қобилиятларсиз актёр шакллана олмайди?
5. Ўйин импровизация билан қандай боғлиқ?
6. Педагог билан ҳамкорликда роль устида ишлаётган пайтда “вазифанинг тўғрилигига ишонч” ёки бу жараёни тушуниш жараёни муҳимми?
7. Қуйидаги топшириқларни бажаринг: ҳозирнинг ўзида атрофингизга 5-6 ёшли бола нигоҳи билан боқинг. Меҳмондорчиликка кетаётган ўзингизнинг ёшингиздаги бошқа болалар билан ўйнаш учун мослаштириш мумкин бўлган предметни топинг. Қандай ўйин ўйнашни аввалдан ўйлаб топинг. Танланган предметни қўлингизга олинг ва уни ўйнанг, уни ўзингиз учун янгича кўришга ҳаракат қилинг.
8. Театр қандай воситалар билан бошқаларни ва ўз-ўзини тушунишга ва одамларни мулоқот қилишга ўргатади?
9. Театрдаги мулоқотда асосий алоқаларни номланг. “Драматург-режиссёр” алоқаси ҳақида сўзлаб беринг.

Резюме

Актёр ва режиссёрга таълим беришнинг бутун даври давомида инсон фаолиятининг ўйин, ўқув ва касбий сингари барча асосий турлари етакчи фаолият мақомига эга бўлади. Ўйиндан баҳра олиш, театр олий ўқув юртида “ўқишга ўрганиш”, касбни эгаллаш сингари турли мотивлар етакчи мотив бўлиб қолади. Уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлади ва ҳайратомуз тарзда уйқашиб кетади. Айниқса “ўйин” ва касб мотивларини оладиган бўлсак улар ниҳоятда яқин, лекин педагогларнинг ўзи “болаларга хос ўйин” ва “театр ўйини” хусусиятларини билиши, уларни маълум ўқув мақсадлари билан тўлатиши ва фойдаланиши лозим.

Умуман олганда, у ёки бу талаба касбга эга бўлишга интилиб таълим олаётган айни пайтда айнан нимага амал қилаётганини педагоглар чуқур билиши лозим. Айниқса талабанинг дангасалиги тутганда, дарсларга келмай қўйганда ва бошқа негатив вазиятларда педагог унга тўғри ёндашиши керак бўлади. Талабани санъат ёки томоша сифатидаги театрми, ёхуд “бизнес сифатидаги театрми” – қайси бири ўзига жалб қилади? Буни тушуниш ҳеч қачон педагогни “ташкилий хулосага” дарҳол олиб келмаслиги керак. Аммо талабани қайсидир даражада йўлга солиш учун ўз вақтида ва ниҳоятда моҳирона ёндашиш зарур бўлади, аммо буни талабалар орасида ҳақиқий обрўга эга бўлган педагоггина амалга оширади.

Таянч иборалар:

Роль устида ишлашнинг умумлашма усули, мулоқот “полифонияси”, машғулотнинг ўқув-таълимий тури, машғулотнинг ўқув бадиий тури, машғулотнинг ўқув-машқ тури, қадриятлар йўналиши, дастлабки кўникмалар.

Илмий тадқиқот фаолияти

Бобнинг қисқача мазмуни:

✓ Олий таълим муассасасидаги таълим жараёнида талабаларнинг илмий тадқиқот иши.

✓ “Илмий тадқиқот” тушунчаси ва унинг таснифи.

✓ Илмий тадқиқот ишлари тушунчаси ва ўзига хос хусусияти.

✓ Илмий фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишлари.

✓ Илмий тадқиқот ишлари турлари.

Талабаларнинг илмий тадқиқот иши ўқув жараёнининг муҳим шаклларида бири ҳисобланади. Ушбу бобнинг мақсади талабаларнинг илмий тадқиқот ишлари турларини аниқлашдан иборат бўлди.

Вазифалар:

- “илмий тадқиқот” тушунчасини очиш ва уни тавсифлаш.
- талабалар илмий тадқиқот ишлари тушунчасини кўриб чиқиш ва хусусияти.
- талабалар илмий тадқиқот ишлари турларини тавсифлаш.

Олий таълим муассасасидаги таълим жараёнида талабаларнинг илмий тадқиқот иши. Жамиятнинг ҳозирги даврдаги ривожининг инсон ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқли бўлган ўзгаришларга дахлдор бўлмоқда. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг жадал суръати, жамиятда кадриятларнинг алмашилиши, ахборот хажмининг кўпайиб бориши ва касбий фаолиятда бошқарув фаолиятининг кенгайишига қаратилган таълим олий касбий таълим тизимида бўлажак мутахассисларни тайёрлаш масаласига қўйилаётган талабларни ўзгаришига олиб келди.

Бугунги кунда мутахассиснинг ҳаётдаги мураккаб вазифаларни идрок этиш, уларга тўғри баҳо бериш, янги билим вазиятларига тез мослашиш, мавжуд ахборотни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқиш, етишмаганларини топиш ва тўлатиш, ундан оптимал фойдаланиш қонуниятларини билиш,

Ўзининг интеллектуал ва ижодий имкониятлардан фойдаланиб фаолият натижалар истикболини белгилаш кўникмаси амалий аҳамият касб этмоқда.

Болонья семинари (Словения, 2004 й., Берлин, 2005 й. ва бошқалар) материалларида таъкидланишича, олий таълим рақобатбардош бўлиб боравериши керак, негаки билимлар тез эскирганлиги туфайли бу қарама-қаршилиқни таълимнинг ихчам тизими ёрдамида енгиб ўтиш мумкин. Таълимнинг ҳар бир даражасида талабаларнинг ижодий тафаккури, тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириб бориши зарур, уларсиз ҳам таълимни давом эттириб, ҳам меҳнат бозорида сотиб бўлмайди.

Шу муносабат билан замонавий мутахассис нафақат фундаментал ва махсус билимларга, балки амалий вазифаларни ижодий ҳал қилишнинг маълум ижодий кўникмаларига эга бўлиши, малакасини доимий ошириб бориши, ўзгараётган шароитларга тез кўника олиши лозим. Бу барча хислатларни олий таълим муассасасида шакллантириш лозим. Улар ҳозирги босқичда янада муҳимроқ аҳамият касб этаётган ва бўлажак мутахассисни касбий тайёрлашнинг асосий таркибий қисми бўлиб қолаётган илмий тадқиқот ишларига фаолроқ жалб қилиш орқали ҳосил қилинади.

Талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига тайёрлаш таълим стандартларида кўрсатилган ва олий касбий таълим мутахассис моделининг зарурий ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Олий таълим муассасасидаги кўп йиллик иш тажрибаси шуни кўрсатадики, амалиётчи талабаларнинг кўпчилигида таълим олиш пайтида тадқиқот фаолияти кўникмаси шаклланмаган. Айни пайтда талабаларда тадқиқот кўникмаларини шакллантириш муаммосининг муҳимлигини шакллантириш ва ҳал қилиш, тизимли таҳлил, абстрактлаш, шакллантириш сингари кўникмалар киритилган турли йўналишдаги мутахассислар профессиограммасининг кўпчилиги тасдиқлайди. Шу муносабат билан олинган таълимий, илмий ва техник билимларни амалда қўллашга ижодий ёндашув асосида ўқитиш олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот тизими ишини ишлаб чиқиш заруратини вужудга келтиради.

“Талабалар илмий тадқиқот иши” анъанавий кўникмаси талабаларни кафедра, шунингдек кафедра ва олий ўқув юрти лабораториясига жалб қилиш, ўқув тадқиқот ишлари, аниқ курс ва диплом ишларини бажариши, конференция, семинар, танлов, кўргазма ва бошқаларда иштирок этиш шакллари билан аралаштириб юбориляпти, бу умуман нотўғри... Ишлар таҳлили шуни кўрсатадики, тизим сифатидаги ИТИни ташкил қилишнинг етакчи принциплари илмий ва ўқув жараёнининг органик бирлигини таъминлаш ва шу асосда мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини кучайтириш, илмий-техник тараққиётни тезлаштириш кабилардан иборат бўлади.

Кўпинча илмий тадқиқот иши талабаларнинг ижоди билан қориштириб юборилади. Бизнингча, илмий ижод ИТИга қараганда кенгроқ тушунча. Назаримизда, қандайдир янгиликни яратиш, номаълумликни тадқиқ этиш ижоднинг пировард натижаси ҳисобланади. “Илмий тадқиқот иши” тушунчасини белгилашда бошқа яна қийинчилик мавжуд, у олий ўқув юртларида ИТИни дарсдан ташқари ва дарс жараёнида ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишига тегишли.

Талабалар илмий тадқиқот иши – бу кенг тушунча. У қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ОТМ, факультет ва ихтисосликни ҳисобга олиб (шу мақсадда шакллантирилади) курсдан курсга талабаларда илмий тадқиқот фаолияти ҳислатлари, кўникмалари, малакаларини шакллантириш жараёни;

- мазкур ҳислатлар, кўникмалар, малакаларни шакллантириш (нима орқали шакллантириш каби) методлари шакллари ва воситалари тизими;

- ҳислатлар, кўникмалар, малакаларни шакллантириш жараёнида субъектив-объектив алоқалар тизими ва таркиби (ким шакллантиради ва кимда шакллантирилади, шакллантирувчи ва шаклланувчининг қандай ўзаро алоқаси);

- жараён самарадорлиги, ИТИ тизими ва тизимчалари (қандай самара билан).

Ушбу таркибий қисм қуйидагиларга бўлинади:

- талабаларни ИТИ билан оммавий қамраб олиш самарадорлиги;
- ИТИни ижодий қобилиятларни ўсишига ва индивидуал ҳамда жамоа самарадорлиги;
- талабаларни фанга ҳиссаси ва сифати мазмуни самарадорлиги;
- ИТИ хусусиятлари, кўникмалари, малакаларини шакллантириш жараёни субъекти ва объекти ўзаро таъсири самарадорлиги;
- ижод субъекти шаклланиши жараёни методлари, шакллари ва воситалари самарадорлиги.

Бизнинг тадқиқотимизда талабаларнинг илмий тадқиқот иши тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- талабаларни тадқиқот меҳнати асосларига ўргатиш, уларга маълум кўникмаларни сингдириш;
- ўқитувчилар раҳбарлигида илмий тадқиқотларни бажариш.

ОЎЮдаги таълим жараёнида талабаларнинг тўғри режалаштирилган ва ташкил қилинган илмий тадқиқот иши қуйидаги вазифаларни бажаради:

- таълимий: назарий (илмий маълумотлар) ва амалий (тадқиқотнинг илмий методи; тажрибалар ўтказиши методикаси; илмий билимларни қўллаш усуллари), билимларни эгаллаш;
- ташкилий-ориентирли: манбалар, адабиётларда ориентир олий кўникмасини шакллантириш; ўз фаолиятини ташкил қилиш ва режалаштириш кўникмасини ўстириш; ахборотга ишлов бериш методларини танлаш;
- таҳлилий-тузатиш: талабанинг рефлексияси, унинг ўз-ўзини таҳлил қилиши, ўз фаолиятини режалаштириши ва ташкил қилишни такомиллаштириши; ўқув-билим фаолиятини тузатиш ва ўз-ўзини тартибга солиш билан боғлиқ;
- мотивацияли: илмий тадқиқот фаолияти, билим эҳтиёжларини амалга ошириш, ишлаб чиқиладиган илмий билимни назарий ва амалий аҳамиятига ишонч жараёнида фанга қизиқишини ривожлантириш ва кучайтириш; илмий билимнинг ўрганиладиган соҳаси муаммоси, нуқтаи назарларнинг хилма-

хиллиги билан чуқурроқ танишиш хоҳишини ривожлантириш; мустақил таълим, мустақил ривожланишни рағбатлантириш;

- ривожлантирувчи: танқидий, ижодий тафаккур, стандарт ва ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаси, ўз нуктаи назарини асослаш, ҳимоя қилиш кўникмасини ривожлантириш; мотивация ривож (билимга қизиқиш, интилиш), қобилиятлар (билим, алоқа, махсус қобилиятлар ва бошқалар) ривожини тушуниш;

- тарбиявий: ҳуқуқий ва ахлоқий онгни шаклланиши; ўзгараётган ижтимоий муҳитга мослашиш қобилиятини тарбиялаш; ўз-ўзига баҳо бериш, масъулият, мақсадга интилиш, иродасини бошқариш, қийинчиликларни енгишга интилиш сингари қобилиятлар ва ҳислатларни шакллантириш. Тарбиявий вазифа шунингдек касбий фахр, мутахассислик этикасини тарбиялайди.

Олий таълим тизимида талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятининг турлари ва шакллари кўллаш ва татбиқ этиш бўйича бир неча йўналишларини белгилаш мумкин:

- тадқиқот туридаги вазифаларни бажариш орқали ўқув жараёнини (маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулоти) ташкил этишнинг анъанавий академик шакллари бойитиш;

- талабаларни илмий фаолиятга жалб этишнинг дарсдан ташқари (масалан, илмий маърузалар, мақолалар ёзиш, ахборотлар тайёрлаш; олимпиадалар ва илмий конференциялар ўтказиш; грант олиш учун лойиҳалар ишлаб чиқиш; таълимнинг факультатив шакллари; ОЎЮ – ишлаб чиқариш ва бошқаларнинг илмий ҳамкорлиги шакллари) шакллари ривожлантириш;

- олий таълим учун хос бўлган, камроқ тарқалган талабалар илмий-амалий фаолиятининг жамоа шакллари (илмий тадқиқот тўғараклари, ёш тадқиқотчилар жамоалари ва бошқалар) татбиқ этиш.

Дарс жараёни доирасида ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шакллари бойитиш, талабаларнинг тадқиқот кўникмалари ва қобилиятларини ривожлантириш муаммоли, тадқиқот, лойиҳавий, эвристик сингари

ривожлантирувчи таълим воситаларидан фойдаланилгандагина мумкин бўлади, у ёки бу фанни ўрганиш жараёнида билиш қарама-қаршиликларини қўйиш уларнинг бош вазифаси ҳисобланади.

Шу муносабат билан талабаларни илмий ижодга жалб қилиш шакл ва методларини ўқув режаси ва ишчи дастурлар асосида дарс пайтида ўтказиладиган ва шунга кўра ўқув жараёнига киритилган (илмий тадқиқот асослари бўйича махсус маърузалар, илмий тадқиқот элементлари билан ўқув машғулотларининг хилма-хил турлари, талабаларнинг ўқув тадқиқот иши), шунингдек дарсдан ташқари вақтда талабалар бажарадиган илмий тадқиқот ишлари кабиларга бўлиш мумкин.

Лаборатория ишларига илмий тадқиқот элементларини татбиқ этиш дарс пайтида бажариладиган талабалар илмий тадқиқот ишининг муҳим шакли ҳисобланади.

Бундай ишни бажаришда талаба мустақил равишда иш режасини тузади, зарурий адабиётни танлайди, натижаларга ишлов бериб таҳлил қилади, ҳисобот тузади.

Кичикроқ курс талабалари учун илмий изланиш элементлари бўлган рефератлар, индивидуал уй вазифаларини тайёрлаш, фан тўғаракларида қатнашиш ўқув жараёни доирасидаги ИТИнинг асосий шакллари ҳисобланади.

Талабалар тадқиқот кўникмаси ва ижодий имкониятини фаоллаштирувчи самарали метод ва шакллар сифатида талабалар билан бахс-мунозаралар ташкил этиш, уларга мутахассислар иштирокини таъминлаш; талабаларни тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқишга жалб қилиш; талабаларни таълим лойиҳаси доирасида кичик тадқиқот гуруҳларига жалб қилиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Таълимнинг бундай метод ва шакллари талабаларни махсулдор тафаккурини ривожлантиришга, уларни мустақил изланишга, янги ғояларни илгари суришга имкон беради.

Шундай қилиб, агар талабалар илмий тадқиқот фаолиятининг турли шаклларида жалб қилинса, бўлажак мутахассисларни илмий ишга тайёрлаш

жараёни самарали бўлади. Шунинг учун талабаларнинг бутун таълими жараёнида бўлажак мутахассисларни тизимли ва мақсадли равишда илмий фаолиятни бажаришга жалб қилиш; талабаларнинг илмий ишга қизиқишлари, қобилиятлари, имкониятлари ва тажрибасини ҳисобга олиб ижодий гуруҳлар ташкил қилиш; илмий тадқиқот базасини таъминлаш; уларни илмий иш методикаси билан қуроллантириш; илмий натижаларни амалиётга татбиқ этишда мақбул вазиятини яратиш; илмий муаммоларни ҳал қилишда тадқиқотчиларнинг ижодий фаолияти ва мустақиллигини рағбатлантириш кабилар зарур бўлади.

“Илмий тадқиқот” тушунчаси ва унинг таснифи. Илмий тадқиқот – илмий билим олиш билан боғлиқ бўлган ўрганиш, тажриба ўтказиш, концептуаллаш ва назарияни текшириш жараёни.

Илмий тадқиқот турлари:

1. Фундаментал тадқиқот – истиқболда қўлланишдан қатъи назар янги билимларни ишлаб чиқувчи бош тадқиқот йўналиши.
2. Амалий тадқиқот – янги билимларни амалий мақсадларга эришиш, аниқ вазифаларни бажаришга қаратилган тадқиқот йўналиши.
3. Изланишли тадқиқот – мавзу устида ишлашни истиқболли эканлигини белгилаш, илмий вазифаларни ҳал қилиш йўллариини излашга қаратилади.
4. Илмий тадқиқот ишланмаси – аниқ фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижасини амалиётга татбиқ этиш.

Шу нарса маълумки, ўтмишда “тадқиқот” тушунчаси фақат ихтисослаштирилган илмий фаолият билангина боғлиқ бўлди. Жамият ва инсон тараққиётининг замонавий тамойиллари янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлганлигини кўрсатади.

Бир томондан, инсон касб фаолиятининг кўпгина турлари бугунги кунда илмий ёндашувни талаб қилмоқда, шунга кўра тадқиқот оддий амалий фаолиятга ҳам кириб келаётгандек туюлади.

Бошқа томондан, фаолиятнинг турли соҳаларида касб маҳоратининг ривожланиши тадқиқотни амалий самаранинг қонуний ва табиий элементи

сифатида тушунишга олиб келмоқда. Бу ҳолатда тадқиқот энди фақат илмий фаолият ва ҳатто илмий ёндашув билан ҳам боғлаб қўйилмайди. Бу касб маҳорати, таълим ва санъат омилидир.

Шу муносабат билан “тадқиқот” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Тадқиқот – бу қуйидагилардан иборат бўлган инсон фаолияти туридир:

- а) муаммо ва вазиятларни англаш;
- б) уларнинг келиб чиқиши, хусусиятлари, мазмуни, йўналиши ва ривож қонуниятларини белгилаш;
- в) тўпланган билимлар тизимида бу муаммолар ва вазиятларнинг ўрнини белгилаш;
- г) ушбу муаммоларни амалда ҳал қилишнинг янги тасаввурлари ёки билимларидан фойдаланиш йўллари, воситалари ва имкониятларини топиш.

Шундай қилиб “илмий тадқиқот” тушунчаси ниҳоятда кенг қамровлилиги таъкидланади, унинг моҳияти ўрганиш ва тажрибадан ўтказиш жараёни билан боғлиқ.

Илмий тадқиқот ишлари тушунчаси ва хусусияти. Илмий (илмий тадқиқот), илмий техник фаолияти ва тажриба ишланмаларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни илмий тадқиқот ишлари деб юритилади.

Қўлланишга йўналтирилган фаолият (агар тадқиқот амалий мақсадларга эришиш ва аниқ вазифаларни бажариш учун янги билимларни қўллашга қаратилган бўлса, у амалий илмий тадқиқот деб номланади).

Илмий техник фаолият – технологик ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, фан, техника ва ишлаб чиқаришни яхлит тизим сифатида таъминлаш учун янги билимлар олиш ва қўллашга қаратилган фаолиятдир.

Тажриба изланишлари – илмий тадқиқот ёки амалий тажриба ўтказиш натижаларида олинган ва янги материаллар, жараёнлар яратишга ёки уларни янада такомиллаштиришга йўналтирилган билимларга асосланган фаолиятдир.

Технологик ишлар – мақсади янги технологиялар яратишдан иборат бўлган ишлар ҳисобланади.

Тажриба ишлари – илмий тадқиқотлар ўтказишга асосланган ёки амалий тажриба асосида олинган натижаларда намоён бўлган, шунингдек янги материаллар, жараёнларни яратиш ва уларни янада такомиллаштириш билан боғлиқ билимлар асос бўлиб қолган фаолият ҳисобланади.

Шундай қилиб, илмий тадқиқот фаолиятининг хилма-хил турлари мавжуд экан. Улар асосан янги билимлар олиш ва уларни амалиётда қўллашга қаратилади.

Институтдаги илмий тадқиқот ишларининг асосий вазифалари ва йўналишлари. Илмий тадқиқот ишларининг асосий вазифалари:

- долзарб илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- ўқув жараёнини энг яхши илмий тадқиқот натижалари билан бойитиш;
- олий ўқув юрти талабалари ва профессор-ўқитувчилар таркибини илмий тадқиқот муаммолари билан амалий таништириш ва уларни илмий тадқиқот ишларини бажаришга жалб қилиш;
- профессор-ўқитувчи кадрларнинг илмий малакасини ошириш;
- илмий педагогик кадрлар тайёрлаш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар ва маърузалар ёзиш ва тайёрлаш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар ва маърузаларни тақриз қилиш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монографиялар, илмий мақолалар ва маърузаларни таҳрир қилиш;
- талабалар илмий жамиятига раҳбарлик;
- ОЎЮ кутубхонасини ахборот таъминоти;
- мамлакат илмий нашрлари билан ҳамкорлик.

Илмий тадқиқот ишининг асосий йўналишлари:

- илмий назарий муаммоларни ишлаб чиқиш;
- юртимиз ва хорижий фан соҳасида долзарб вазифаларни хал қилиш;
- бошқа ОЎЮ, илмий тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг ИТИ тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш;

- дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр қилиш;
- илмий-методик хусусиятга эга бўлган тадқиқот ишларини бажариш.

Илмий тадқиқот ишларини юритиш учун институт қуйидагиларни амалга оширади:

- илмий тадқиқот ишларининг (ИТИ) моддий базасини замонавий илмий-техник даражасини яратади ва таъминлайди;
- ИТИни бажаришнинг мақсад, вазифа ва асосий йўналишларига мос келувчи илмий тадқиқот бўлинмалари таркибини яратади;
- ИТИ зарурий ахборот таъминотини яратади;
- монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, илмий ишлар тўпланмалари, бошқа илмий нашрларни тайёрлайди ва чиқаради;
- институт базасида халқаро, ҳудудий, олий ўқув юртлариаро конференциялар ва семинарлар ўтказишни ташкил қилади;
- ўқитувчилар ва талабаларнинг энг яхши илмий ишларига олий ўқув юртида ва очиқ танловларни ташкил қилади ва ўтказади;
- ИТИни самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Ҳозирги пайтда институтда ижодий лаборатория яратилди ва самарали ишламоқда. Интернет тармоғи ресурслари, шунингдек инглиз тилида гаплашадиган мамлакатлар ресурслари ва бошқа мультимедиа манбаларидан самарали фойдаланилаяпти.

Институт талабалари муҳити илмий тадқиқот фаолияти учун база ҳисобланади. ОТМда илмий иш олиб бориш таълим фаолиятига замонавий методика ва педагогик технологияларни тайёрлаш ва татбиқ этишнинг тегишли йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнини узлуксиз такомиллаштиришни таъминлайди. Илмий иш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, институт устави ва илмий иш ҳақидаги низомга кўра ташкил этилган ва олиб борилмоқда.

Талабалар илмий тадқиқот ишлари турлари. Талабалар илмий тадқиқот ишининг икки асосий тури мавжуд.

1. Амалдаги ўқув режасида кўзда тутилган талабалар ўқув илмий тадқиқот иши.

ОТМда ўқиш муддати давомида бажариладиган курс ишлари, рефератлар, маърузалар, шунингдек ёзма диплом ишлари кабиларни биринчи турга киритиш мумкин.

Маъруза – тингловчилар, томошабинлар олдида ўқиладиган қандайдир мавзудаги кенгайтирилган оғзаки ахборот.

Реферат – маълум илмий материалнинг ёзма шаклдаги қисқа баёни.

Лойиҳа – талабалар томонидан мустақил режалаштирилган ва амалга ошириладиган иш.

Курс лойиҳаси (иши) – ўқув фани (фанни) ва касбий модулларни ўрганиш чоғида якуний босқичда қўлланадиган таълимнинг ташкилий шакли.

Диплом лойиҳаси (иши) – ўқув жараёнининг якуний босқичида қўлланадиган таълимнинг ташкилий шакли.

Тадқиқот иши – янги билимлар олишга йўналтирилган талабалар ижодий фаолияти тури.

Вақтинчалик ижодий гуруҳлар таркибида ўқитувчи (илмий раҳбар) раҳбарлиги остидаги иш талабалар илмий тадқиқот фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади ва турли даражадаги илмий-амалий конференцияларда иштирок этиш бу ишнинг якуни бўлиб қолади.

Курс ишларини бажариш пайтида талаба мустақил илмий ижодга биринчи қадамни қўяди. У илмий адабиёт билан ишлашни ўрганади, зарурий ахборотни танқидий танлаш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлади. Агар биринчи курсда курс ишига талаб унчалик қаттиқ бўлмай, талабага учун уни ёзиш қийинчилик туғдирмаса, кейинги йилдан талаб кучаяди ва иш ҳақиқий ижодий жараёнга айланади. Шу аснода йилдан-йилга курс ишига талабни ошира бориб, ОТМ талабани тадқиқотчи сифатида ривожланишига ёрдам беради, бу амалда сездирмасдан ва уни мажбурлашсиз амалга оширилади.

Диплом ишини бажариш талабаларнинг ижодий ва билим қобилятини янада ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди ва ОТМда талаба таълим

олишининг якуний босқичи сифатида назарий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда танланган мавзуни чуқур ўрганишга қаратилади. Катта курсларда кўпгина талабалар мутахассислиги бўйича ишлай бошлайди ва бу курс иши учун мавзу танланганда кўпинча ҳисобга олинади. Бу ҳолатда адабиёт таҳлилидан ташқари диплом ишига ушбу масала бўйича шахсий амалий тажриба ҳам жалб этилиши мумкин, бу ишнинг илмий қимматини янада оширади.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича реферат ёзишни ҳам талабалар илмий тадқиқот иши сифатида баҳолаш мумкин. Бунда шу нарсани ёдда тутиш керакки, реферат кўпинча кўчирилган мақола ёки янада ёмонроғи, қандайдир дарсликнинг бобидан олинган конспект бўлиши мумкин. Буни илмий иш дейиш қийин. Лекин бир неча ўнлаб мақолалар ва манбаалар асосида ёзилган баъзи рефератларни илмий иш дейиш ва уларни илмий тадқиқот ишлари турларига бемалол киритиш мумкин.

2. Ўқув режасидан ташқари бўлган талабалар асосидаги тадқиқот иши.

Бу шакл талабаларда тадқиқот ва илмга бўлган қобилиятларини ривожлантириш учун самарали ҳисобланади. Буни изоҳлаш осон, негаки агар талаба бўш вақти ҳисобига бирор фан масалалари билан шуғулланишга тайёр бўлса, ўқитувчи талабани машғулотларга жалб қилиш билан боғлиқ бош муаммони ҳал қилишдек бош масалалардан биридан озод бўлади. Бу ҳолатда талаба анчайин мустақил бўлиб қолади ва у билан шогирд билан эмас, балки ёш ҳамкасб сифатида ишлаш мумкин бўлади. Яъни талаба манба қидирувчи эмас, балки унинг манбасига айланиб қолади. У адабиёт янгиликларини кузатиб боради, ўзи танлаган фанларда рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлишга интилади, энг муҳими, фанни англаш жараёни ОТМдан ташқарида амалий машғулотлар ва имтиҳонларга тайёргарлик пайтларида ҳам давом этади.

Талабалар илмий тадқиқот иши ёш мутахассис ва олимни тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Талаба қайси соҳада ишламасин бутун ҳаёти давомида керак бўладиган мустақил фикрлаш, фикрини бир жойга жамлаш, ўз билимини доимий бойитиб бориш кабилар билан боғлиқ кўникмаларга эга

бўлади, вужудга келаётган муаммоларга кенг қамровда қараш, мақсадли ва ақл билан ишлаш қобилиятини эгаллайди.

Шунга кўра, юқорида кўрсатилган хислатларга эга бўлиб, унинг олдига қўйилган вазифаларни самарали ҳал қила оладиган жамият аъзоси шаклланади. ОТМнинг ҳар бир ўқитувчиси талабаларнинг илмий тадқиқот ишига кўп вақт ва куч талаб қиладиган аудитория машғулотларидан кам эътибор бермаслиги керак. Негаки, ёшлигида олган дарсларини бир умрга эслаб қоладиган ҳақиқий баркамол инсон ўқитувчи учун катта мукофот бўлиб қолади.

Саволлар ва топшириқлар:

1. ОТМ таълим жараёнида талабалар илмий тадқиқот иши.
2. “Илмий тадқиқот” тушунчасини белгиланг ва уни тавсифланг.
3. Илмий тадқиқот иши хусусияти нимада кўринади?
4. Илмий фаолиятнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгиланг.
5. Талабалар илмий тадқиқот ишларининг асосий турларини белгиланг.
6. Талабалар ўз-ўзини назорати механизми ҳақида сўзлаб беринг.
7. Мақсадли бахс-мунозарани ташкил қила оладиган, тўғри ва нотўғри жавобларни ҳамда талабалар чиқишларини ташкил қила оладиган фанлар ва педагогларни номланг.
8. Талабаларнинг психологик хусусиятлари ва уларнинг ОЎЮда ўқишга психологик тайёргарлиги (17-25 ёш).

Резюме

Фаол таълим шакли, методлари ва воситалари ёрдамида анъанавий таълимда ҳал қилиш қийин бўлган бир қатор вазифаларни самарали ҳал қилиш мумкин. Талабалар ва ўқитувчининг муаммоли маъруза, тадбиркорлик ўйинида мутахассиснинг иши, аниқ муаммо бўйича диплом лойихасини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, талабалар илмий тадқиқот ишида иштирок этиш ва бошқаларга диалектик муносабати сингари таълим олаётганларнинг фаоллигининг барча шакллари ҳам таълимот сифатидаги хусусиятларга эга бўлади, ҳам анъанавий

педагогикада қиёси бўлмаган янги тарихий воқеликдан иборат анъанавийликни уйғунлашувидан ташкил топади. Олий мактабдаги таълим тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим анъанаси ижтимоий-тарихий амалиёт натижаси сифатидаги фанлар асосини баён қилиш йўлидан боради, ўқув ахбороти сифатидаги белги тизими амалиётнинг ўрнини босади.

Талабалар томонидан фанлар асосини фаол, онгли, мустахкам ва тизимли равишда ўзлаштирилишини таъминлаш олий ўқув юртларининг биринчи галдаги вазифаси ҳисобланади. Психологик нуқтаи назаридан ўзлаштириш турли билиш вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ фаол жараёндир. Шундай қилиб агар талабалар илмий тадқиқот фаолиятининг турли шаклларига жалб этилса, бўлажак мутахассисларни илмий ишга тайёрлаш жараёни самарали бўлади. Шунинг учун талабаларга таълим беришнинг бутун жараёнида бўлажак мутахассисларни илмий фаолиятга тайёрлашни тизимли ва мақсадли равишда амалга ошириш, илмий ишга қизиқиш, қобилият, имконият ва тажрибаларни ҳисобга олиб ижодий гуруҳлар яратиш; илмий тадқиқот базасини яратиш; талабаларни илмий иш методикаси билан қуроллантириш; илмий натижаларни амалиётга татбиқ этишнинг муваффақиятини таъминлаш; илмий ижодий фаолият мустақиллигини рағбатлантириш лозим бўлади.

Таянч сўзлар:

Илмий тадқиқот иши, илмий тадқиқот иши турлари, фундаментал тадқиқот, амалий тадқиқот, изланиш тадқиқоти, илмий тадқиқотни ишлаб чиқиш.

Машғулот мавзуси: “Диққат, диққат объектлари”

Машғулот мақсади: талабаларда ўз ички ва ташқи техникасини, сахна ҳаракатини бошқариш воситаси сифатидаги ихтиёрий диққатидан фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

Ўқув-бадий вазифалар: ўзининг ва “бегона” (бошқа талаба-ўқувчи) ҳаракатини идрок этиш, англаш, бажариш ва амал қилишни ҳисобга олган ҳолда барча фазалардан ўтиб, “намуна бўйича” машқларни тушуниш ва бажариш; б) атрофдагилар ва ўз-ўзи билан “ўйинга” киришиш; в) аниқ машқларни эслаб қолиш ва ўзлаштириш; г) таклиф этилаётган “намуна бўйича” янги машқлар ўйлаб топиш, кашф этиш.

Ўқув-бадий воситалар: педагог сўзи, айрим машқларни кўрсатиш, намойиш қилиш; машқларга тузатиш киритиш, нозик томонларини тушунтириш ва бажариш деталлари (зарур бўлганда).

Ўқув-бадий методлар: актёрнинг ички ва ташқи техникаси тренинги, шунингдек қисман муаммоли суҳбат методи.

Ўқув-бадий материал: педагог ихтиёридаги ва бошқа турли муаммолардан олинган материаллар; талабаларнинг психофизик аппарати.

Машғулотнинг бориши. Педагог ва талабалар ўзаро саломлашгандан кейин талабалар мустақил тайёрлаши лозим бўлган топшириқ кўриб чиқилади. Масалан, мушакларни ҳаракатга келириш ва бошқариш кўникма ва малакалари, мушакларни озод қилиш ва уларни назорат қилиш машқлари ўзлаштирилади.

Тегишли машқлар педагогнинг кейинги тузатишлари билан талабалар томонидан бажарилади, деталлари аниқлангандан кейин машқлар такроран бажарилади (талабалар машқни у ёки бу даражада аниқроқ бажарганларига қадар қанча керак бўлса шунча бажаради). Талабаларга уларнинг ўзлари ўйлаб чиққан ёки уларга аввалги тажрибадан таниш бўлган машқларни бажариш таклиф этилади, улардан яхшироқлари етарли даражада аниқ бажарилгунига қадар ишлашда давом эттирилади.

Тренингдан парча бажарилгандан кейин педагогнинг “фикрингизча, машқни аниқ ва тўғри бажарилишига нима сабаб бўлди, нима эса тўсқинлик қилди?” деган саволга талабалар “яхши эслаб қолинмади”, “яхшироқ ишланмади”, “эътиборли бўлинмади” деб турли сабабларни кўрсатади. Бу машғулот учун “диққат” сўзи асосий сўз ҳисобланар экан, у эслаб қолинади, сўнгра актёрнинг ҳам касбий фаолиятга тайёргарлик пайтидаги, ҳам сахнада роль ижро этаётган пайтидаги “эътиборсизлиги” оқибати қисқа муҳокама қилинади; шундай қилиб, талабалар актёр учун ривожланган, мустаҳкам ва ижодий диққат моҳиятини чуқурроқ тушуниб олади. Бирор объектга диққат қилиб уни эслаб қолиш таклиф қилинади, талабалар буни бажаради, сўнгра объектни тасвирлаб, у ҳақда ҳисобот беради.

Педагог “сахна диққати” кўникмасига ишлов бериш учун бир неча машқни таклиф қилади, масалан, “товушни эшитиш” ва энг баланди ва пастини танлаш; “томоқ оғриётганлигини” ҳис қилиш; узоқроқдаги объектдан яқинроқ жойлашганига диққатни буриш; сўнгра ичдан такрорлаш ва бошқалар тавсия қилинади.

Педагогнинг “талаба бутунлай таниш предметда қандай янгилик кўрганлигини” сўрайди (негаки, “янгиликни” кўриш ва уни эслаб қолиш ривожланаётган онг соҳиби бўлган иқтидорли инсоннинг хислатларидан бири ҳисобланади, шунингдек у мустақил таълим олишга ҳам қобилияти бўлади). Талабалар батафсил жавоб беришга интилади. Уларга диққатга ва тананинг у ёки бу қисмида қисқаришни келтириб чиқарувчи мушаклар назоратини ишлаб чиқишга тегишли бўлган бир қатор машқлар тавсия қилинади, негаки кўпгина машқлар ўзаро боғлиқдир.

Машғулотга ёки унинг бир қисмига якун ясалади: талабалар ўқитувчи билан бирга актёрнинг “иқтидорли диққати” аҳамияти ҳақида хулоса қиладилар, дафтарга машқлар қисқа ёзиб қўйилади.

Уйга вазифа: а) янги машқлар ишлаб чиқиш, уларни тренингнинг “эски” машқларига бирлаштириш; б) диққат объектини танлаш жараёнида ўзини ва бошқаларни кузатиш, у нимага боғлиқлиги, нимани келтириб чиқаришини

тушунишга ҳаракат қилиш; г) ўзлаштирилган намунага кўра янги машқлар ўйлаб топиш, кашф қилиш.

Қисқа шарҳ. Агар кўникма фақат “дрессировка қилинаётган” жонзот мақомидагина машқ қилинса, фақат тренинг жараёнида расман киритилган бу кўникмага ўргатиш билан боғлиқ моҳиятини йўқотади. Шунини таъкидлаш жоизки, бу кўникмани мустақил ривожлантириш мумкин эмас, акс ҳолда у яхши англалмаган ва мотивацияланмаган бўлиб, ниҳоятда суст бўлади. Бошқача айтганда, ўқув-бадий фаолиятнинг (бу ҳолатда ўқув-машқ фаолияти) маълум босқичида талаба бу фаолият мақсади мақомини олади.

2-илова

Машғулот мавзуси: Персонажларнинг тавсия этилаётган вазиятни ўзлаштириш билан боғлиқ адабий-бадий асарни актёр ва режиссёр томонидан талқин этиш соҳаларидан бири

Машғулот мақсади: Актёр роль устида ишлаётганда персонажнинг “тавсия этилаётган вазиятни аниқлаш ва ўзлаштириш” усули ҳақидаги тасаввурни эгаллаш.

Ўқув-бадий вазифалар: маълум ролни ўйнашга ўзини тайёрлаётган актёр бу ролда муаллиф тасвирлаган “одам”дан нимаси билан фарқ қилишини англаш; б) ролнинг тавсия этилаётган вазиятни белгилаш усулини эгаллаш заруратини ўзлаштириш; в) ўз персонажи “ҳаёти” вазиятини бутун пьесада англашдан персонаж сахнада бўлмаган вақт оралиғида пьеса ҳаракати вақтигача услидан фойдаланиш босқичини эгаллаш; г) ўзлаштирилган усул ҳақидаги тасаввурни маҳкамлаш.

Ўқув-бадий воситалар: педагог сўзи, унинг изоҳи, муаммони талабалар томонидан муҳокама қилиниши; К.С.Станиславский асарларидан парчалар.

Ўқув-бадий методлар: муаммоли суҳбат методи; бадий матн ортида турган вазиятни бадий тиклаш методи; бадий-изланиш методи, ўқув репетицияси.

Ўқув-бадий материал: А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан парчалар инсценировка қилиш; жараённинг барча иштирокчилар бадий онги, нутқи, талабалар пластикаси.

Машғулотнинг бориши. Парча матни билан танишгандан, “режиссёр” ва “актёрларга” ишлаш учун нимага улар шу материални олганлигини тушунтиргандан, айнан шу материал устида ишлашнинг афзаллигини ўқитувчи томонидан қўшимча асослангандан кейин, ундаги ижрочилар – иштирокчи шахсларга тавсиф берилади. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари очилади. “Тавсия этилаётган вазият” таянч сўз бирикмаси пайдо бўлади, унга таъриф берилади, унинг самарадорлиги сабаби муҳокама қилинади.

Аста-секин ҳамкорликда персонажларнинг юриш-туриш, пластика, нутқ усуллари қидириб топилади, бунда гўёки талабалар “озодликка” чиқарилади, уларнинг юриш-туришини тузатишга шошилтирилмас эди, уни “санъатдаги” маъқул шаклга олиб келинади.

Тажрибага эга бўлмаган талабаларга айнан талабаларнинг тасаввури ва фантазияси билан яратилган “янги” макон вазиятида ҳаракат қилиш имкониятини бериш, санъаткор-педагогнинг эстетик идеалига бўйсундиришга шошилмаслик керак. А.Қодирий қаҳрамонларнинг нутқига эътибор бериш ниҳоятда муҳим, негаки унинг нутқи замонавий қаҳрамонлар нутқидан кескин фарқ қилади, уларнинг эътиборини ўз нутқи турини ҳосил қиладиган шароитга, ўз қаҳрамонининг “тавсия этилаётган вазият” контекстига қаратилади.

Машғулотга якун ясаб, талабалар нимани тушунганлиги ёки қандайдир янгиликни кўрганлиги, ушбу мавзунини ўзлаштиришда яна қандай муаммолар борлигини аниқлаб оламиз. Талабалар хотирасида қолиши лозим бўлган бош хулоса шундаки, қабул сахна санъаткорининг чақириққа жавоб имкониятини яратади, яъни унга ўтмиш ва ҳозирги дунёда ҳам ҳаёт маконида, ҳам театр санъатида йўл топишни таклиф қилади.

Чақириқ персонажнинг ички ва ташқи ҳаётида долзарброқ ва қизиқарлироқ вазиятни, шароитни танлашдан ҳам иборат ва драматург,

режиссёр ва роль ижрочиси актёрнинг томошабин билан мулоқоти рўй берадиган образ сифатида ҳам тузиш мумкин.

Бу усул қотиб қолган эмас, балки тўлалигича ижодга қаратилади, аммо уни чуқур эгаллаш ва ривожлантириш, санъаткор шахсиятининг ботиний мазмунини аста-секин ўрганиб бориш зарур бўлади.

Бизнинг шарх. Театрнинг бошловчи санъаткорлари К.С.Станиславский системаси элементларини “ўзлаштириш” жараёни шунчаки осон эмас, баъзи педагоглар бунинг аксини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан санъаткор-педагог талабалар бу ўзлаштиришнинг бир неча босқичини ўташлари учун уларнинг кўпгина мақсад ва вазифаларининг бойлиги билан бу элементларни ўзлаштириш жараёнини шундай ташкил этиши керак. Дастлаб педагог муаммоли вазиятни яратади, унда усулдаги янги билимга бўлган эҳтиёж аниқланади, у ўз персонажи билан чуқур танишишга ёрдам беради, сўнгра усул, элемент, унинг дастлабки тушунчаси, фойдаланишни англаш фазаси вужудга келади. Кейин баъзи вазифаларни чуқурроқ англаш, ундан мустақил фойдаланиш, усулни бошқача ўргатиш кўникмаси фазаси бошланади. Аста-секин усулнинг “ҳаёти” актёр ва режиссёрда ривожланиб бораверади, улар усулни янгичасига ёки ўзи очади, ёки ўзининг янги ёндашуви ва ҳаракатлари асосида иш кўрсатади.

Уйга вазифа: Қаҳрамонларнинг янги тавсия этилаётган вазиятни фантазия қилиш, излаш ва танлашни давом эттириш, мустақил репетиция қилиб топилган вазиятларга боғлиқ равишда қаҳрамонларнинг юриш-туриши усуллари ва ҳаракатларини топиш; сўнгра машғулотларда бир неча вариантларни кўрсатиш мумкин.

ХУЛОСА

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. “Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир. ...Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ”¹ – деб таъкидлайди Президент И.А.Каримов.

Бугунги кунда мустақил тараққиёт йўлида бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш, давлат сиёсати даражасига кўтариш “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди.

Маълумки, қайси давлатда кадрлар тайёрлаш сиёсати тўғри ва омилкорлик билан ташкил этилса, ўша давлатда ҳар доим тараққиёт бўлади.

Таълим ҳар бир жамиятнинг ажралмас қисми, маданияти ва ривожланишнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳар қандай мамлакат истиқболли режалар тузар экан, аввало таълимга эътиборни кучайтиради.

Мазкур дарслик ҳам «Махсус фанларни ўқитиш услубияти» фанидан тузилган бўлиб, дарслик аввало узоқ йиллардан бери шаклланиб келинаётган театр педагогикаси анъаналарига, педагогика ва дидактика қонуниятларига асосланиб тайёрланди.

Дарслик фан юзасидан илк маротаба тайёрланаётганлиги боис педагогика, психология, режиссура, актёрлик санъати соҳаларининг йирик

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. 60-61-б.

номаёндалари тадқиқотларидан, шу соҳа мутахассисларининг илмий-амалий тажрибаларидан фойдаланилди.

Дарсликда қуйидагилар ўрганилди ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилмоқда:

- олий таълимнинг давлат таълим стандарти асосида бўлажак педагог-мутахассисларда мутахассислик фанларини ўқитиш методикасига доир илмий тушунчалар ҳосил қилиш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўқув жараёнининг моҳияти, таълимнинг илғор технологиялари, интерфаол усуллари билан таништириш, талабаларнинг мустақил таълимни эгаллаши, уларни баркамол шахс сифатида шакллантириш назарияси, методикаси ва технологияси билан қуроллантиришни, эстрада ва оммавий томошалар режиссурасининг назарий асослари ва тарихий шарт-шароитлари, режиссуранинг назарий асослари ҳақида, байрамнинг режиссёрлик таҳлили, эстрада ва оммавий томошаларни сахналаштириш режаси, режиссёрлик ғоясини яратиш, адабий-муסיқий композиция, тематик томоша каби оммавий томошаларнинг турли жанрларида ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари, оммавий хатти-ҳаракатнинг серқирра жанрлари, оммавий байрам турлари, режиссура фанининг тизимли ривожланиш босқичлари, Ўзбекистон ва хорижий байрамларини билиши;

- олий таълимнинг давлат таълим стандарти ва мустақиллик мафкураси асосида мутахассислик фанларини ўқитиш методикасининг назарий масалаларини, педагогика фанининг тадқиқот йўналишларини, педагогик илмий ахборотлар билан ишлаш усуллари эгаллаши, сценарийнинг чуқур ва ҳар томонлама таҳлили асосида байрамнинг бадиий-ғоявий жиҳатдан режиссёрлик таърифини, бадиий маданиятга режиссёрлик нуқтаи назаридан ёндошишни, замонавий ахборот технологияларини режиссёрлик фаолиятида қўллай олишни билиши, педагогик технологияга оид кўникмаларига эга бўлиши;

- махсус фанларни ўқитиш услубияти асосида илмий дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, ижодий тадбир, ижодий

кечаларда чиқишларнинг мақсадларини шакллантириш, сценарий устида ишлаш, оммавий байрамларни сахналаштириш, оммавий театрлаштирилган томошаларни сахналаштириш, режиссёрлик ғоя ва сахналаштириш режасини амалга ошириш, техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланиш малакаларига эга бўлишига эътибор қаратилди.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мутахассислик малакаси деб нимага айтилади?

- А) Мутахассислик фан ўқитувчиларининг мутахассислик соҳа бўйича кўникма ва малакаларига айтилади.
- Б) Педагогларнинг мутахассислик соҳа бўйича кўникма ва малакаларига айтилади.
- С) Мутахассислик фан ўқитувчиларининг мутахассислик соҳа бўйича кўникма ва малакаларига айтилади.
- Д) Мутахассислик фани юзасидан йиллар давомида йиғилган билимлар мажмуига айтилади.

2. Мутахассислик фан ўқитувчисининг лавозим вазифалари тўғри келтирилган қаторни топинг.

- А) Ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллигини, маҳорат ва малакасини ривожлантириш вазифаси
- Б) Таълим жараёнида ўқитишнинг самарали усуллари, воситалари ва шакллари, янги педагогик технологияларни кенг қўллаш вазифаси
- С) Танланган касб ва ихтисослиги ўқув фанлари бўйича чуқур билимларни, илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаси
- Д) Барча жавоблар тўғри

3. Ўқитиш бу?

- А) Икки томонлама жараён
- Б) Талабаларни мустақил таълим олиши
- С) Ўқитувчи ва ўқучи фаолиятини ўз ичига олади
- Д) А ва С жавоблар тўғри

4. Ўқиш бу?

- А) Талабаларнинг дарс давомида Ўқитувчидан мунтазам равишда олган билимлари
- Б) Талабаларнинг мустақил равишда билим олиш
- С) Талабанинг ўқув фани материалларини ўзлаштириш борасида қиладиган мунтазам ва онгли меҳнати
- Д) Талабаларнинг берилган топшириқни адабиётлардан фойдаланган ҳолда бажариши

5. Семинар дарсларининг афзаллакларини кўрсатиб ўтинг

- А) Бир вақтнинг ўзида бир неча ўқувчиларни баҳолаш мумкин
- Б) Тинглаш маданияти ортади
- С) Ўқувчилар кўп маълумот оладилар
- Д) Ҳамма жавоблар тўғри

6. ДТС, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида белгиланган, миллий мафкура ғоялари сингидирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштиришга қаратилган ҳамда турдош таълим йўналишларида фойдаланиш имкониятлари ҳисобга олинган нашр қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Ўқув фани
- В) Ўқув фани дастури
- С) Ўқув фани тамойили

Д) Дарслик

7. Узлуксиз таълим тизимидаги мажбурий, мустақил таълим тури қайсилар?

- А) Мактаб
- Б) Академик лицей, коллежлар
- С) Қўшимча тўғараклар
- Д) Турли курслар

8. Академик лицейлар асосан қайси муассасалар қошида ташкил этилади?

- А) Турли ташкилотлар қошида
- Б) Мактаб интернатлар қошида
- С) Олий ўқув юртлари қошида
- Д) Тўғри жавоб ёъқ

9. Таълим муассасаси нима асосида ўқув жадвалини тузади?

- А) Ўқув режанинг модули
- Б) Ишчи дастур
- С) Ишчи режанинг модули
- Д) Ўқув режа

10. Ўқув режаси нима асосида тайёрланади?

- А) Ишчи дастур
- Б) Давлат таълим стандарти
- С) Календарь мавзу
- Д) Ҳамма жавоб тўғри

11. Академик лицейлар ва касб–хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган қандай ҳужжат тақдим этилади?

- А) Шаҳодатномалар
- Б) Сертификат
- С) Диплом
- Д) Ҳамма жавоб тўғри

12. Фойдаланувчилар эътиборини жалб қилувчи турли ранглардан, мультимедиа, аудио ва видео анимациялар, гипермуружаатлардан ўринли фойдаланган ҳолда тузилган ёхуд дастурлаштирилган дарсликлар фанда нима дейилади?

- А) Электрон дарслик
- Б) Мультимедиа китоб
- С) Кибернетик китоб
- Д) Электрон вариант

13. Амалдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган бўлиб, неча моддадан иборат?

- А) 1997-йил 29-августда, 34 моддадан
- Б) 1997-йил 2-мартда, 44 моддадан
- С) 1992-йил 18-июлда, 27 моддадан
- Д) 1995-йил 29-августда, 34 моддадан

14. Ишчи ўқув режа нима асосида яратилади?

- А) Намунавий ўқув режа асосида
- Б) Дарслик асосида
- С) Дарс жадвали асосида
- Д) Ҳамма жавоб тўғри

15. Бир академик соат неча дақиқадан иборат?

- А) 40 дақиқа
- Б) 45 дақиқа
- С) 60 дақиқа
- Д) 50 дақиқа

16. Қайси жавобда Кадрлар тайёрлаш миллий модели тўғри кўрсатилган?

- А) Шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш
- Б) Давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, маданият
- С) Оила, узлуксиз таълим, фан, маданият, ишлаб чиқариш
- Д) Маданият, шахс, давлат ва жамият, ишлаб чиқариш

17. Маъруза бу ...

- А) Савол-жавоб тариқасида ўтказиладиган дарс жараёни
- Б) Катта ҳажимдаги ўқув материалига нисбатан узок вақт давомидаги монологик эшиттириш
- С) Фикрларни сода тилда баён этадиган дарс
- Д) Барча жавоблар тўғри

18. “Маъруза” методи босқичлари ёзилган жавобни кўрсатинг?

- A) Кириш қисм, асосий қисм, якуний қисм
- B) Асосий қисм, кириш қисм, якуний қисм
- C) Якуний қисм, асосий қисм,
- D) Тўғри жавоб ёъқ

19. Маъруза дарслари нима асосида ташкил этилади?

- A) Таърибали, юксак даражада педогогик маҳоратга эга бўлган таълим берувчининг интеллектуал салоҳияти асосида.
- B) Режа асосида
- C) Маъруза асосида
- D) B ва C жавоблар тўғри

20) Маъруза қандай шаклда ифода этилади?

- A) Режа шаклда
- B) Ёзма шаклда
- C) Диолог шаклда
- D) Тўғри жавоб A ва C

21. Маърузадан кўзланган асосий мақсад?

- A) Таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш билим ва малакасини ошириш
- B) Фақат дунё қарашини шакллантириш
- C) Фаоллигини ошириш
- D) Барча жавоблар тўғри

22. Маъруза ким томонидан тайёрланади?

- A) Декан томонидан
- B) Дарс ўқитувчиси томонидан
- C) Замдекан томонидан
- D) Гуруҳ раҳбари томонидан

23. Якка машғулотлар неча дақиқа давом этади?

- A) 30 дақиқа
- B) 40 дақиқа
- C) 45 дақиқа
- D) 50 дақиқа

24. Маданият ва санъат институтлари мутахассислик фанларининг ўзига хос хусусияти нимада?

- A) Ижодийлигида
- B) Маъруза асосида таълимни ташкил этишда
- C) Семинар асосида ташкил этиш
- D) Тўғри жавоб берилмаган

25. Якка машғулотнинг асосий мақсади нимада?
- А) Талабанинг жамоа билан ишлашида
 - Б) Талабанинг индивидуал маҳорати утида ишлаш
 - С) Спектаклга тайёргарлик ва нутқи устида ишлаш
 - Д) Талабанинг пластик маҳоратини ошириш
26. Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бойича қуйидаги қайси услубларни ажратиб кўрсатиш мумкин?
- А) ўқитишнинг маъруза (суҳбат), амалий, лаборатория ишлар илмий-тадқиқот услуби
 - Б) оғзаки усул
 - С) кўргазмали усул
 - Д) амалий усул
27. Семинар сўзни қандай сўздан олинган бўлиб нима маънони билдиради?
- А) (лот.семинариум- манба, кўчма маънода –мактаб)
 - Б) (рус.семинариум- манба, кўчма маънода –мактаб)
 - С) (франсусча.семинариум- манба, кўчма маънода –мактаб)
 - Д) ҳамма жавоблар тўғри
28. Олий таълимнинг белгиланган соҳаси бўйича таянч маълумот берувчи йўналиш:
- А) магистратура
 - Б) бакалавриат
 - С) аспирантура
 - Д) докторантура
29. Бакалавриат таълим босқичидан кейинги таълим босқичини топинг?
- А) Мактабгача таълим
 - Б) Бошланғич таълим
 - С) Магистратура
 - Д) Аспирантура
30. Ким мустақил илмий-тадқиқот ва илмий-педогогик бошқарув фаолиятига тайёр?
- А) Дипломли мутахассис
 - Б) Бакалавр
 - С) Магистр
 - Д) Кичик илмий ходим
31. Бакалавр йўналишидаги таълим тизимининг қайси блоки мутахассисликнинг профессионал билим ва кўникмалари билан таъминлайди?

- А) Аниқ фанлар блоки
- Б) Умумкасбий (махсус) фанлар блоки
- С) Қўшимча фанлар блоки
- Д) Гуманитар фанлар блоки

32. Мактабгача, умумтаълим, махсус таълим, профессионал ва олий таълим тизимларида қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд?

- А) Давлат таълим стандарти
- Б) Давлат талаблари
- С) Ўқув режалари
- Д) Намунавий ўқув дастурлари

33. Компьютер технологиялари асосида таълим олишга асосланган ўқув материаллар ва ўқув адабиётлари, ўқув қўлланмалар.

- А) Электрон адабиётлар
- Б) Ўқув қўлланмалари
- С) Босмадан чиққан адабиётлар
- Д) Тушунчалар

34. Ишчи фан дастури нима асосида яратилади?

- а. Давлат таълим стандарти
- б. Календарь режа
- С) Намунавий фан дастури
- Д) Тўғри жавоб берилмаган

35. Давлат олий таълим стандартининг умумий талаблари қайси давлат органи томонидан тасдиқланади.

- А) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
- Б) Олий таълим муассасаси
- С) Ўз тасарруфида олий таълим муассасаларига эга бўлган бирлашма ва вазирликлар
- Д) Ректорлар кенгаши

36. Мактабдан ташқи таълимга қайси муассасалар киради?

- А) Олий таълим
- Б) Тўғараклар
- С) Бошланғич таълим
- Д) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги координацион кенгаш

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Дарс – 1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли;

2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантикий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми.

Дарс жадвали – ўқув режасига кўра ўқув ҳафтасининг ҳар бир кунда синфлар бўйича ўқув машғулотларининг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ кетма-кетлигини белгиловчи ҳужжат.

Дарс таҳлили – ўқув машғулотида бир бутун яхлит ҳолда ёки муайян бўлақларга бўлиб баҳолаш.

Дарслик – муайян фанга доир билим асосларини маълум тартибда баён этадиган ва юқори маънавий-ғоявий, илмий-услубий савияда ёзилган, ўқувчилар ва талабалар учун мўлжалланган ўқув адабиётининг асосий ва етакчи тури.

Дастур – ўқув фаолиятини амалга ошириш режаси ва ушбу фаолиятнинг мазмунини ифодаловчи меъёрий ҳужжат.

Дидактик материал – ўқувчиларга таълим-тарбия беришга йўналтирилган махсус ўқув материаллари.

Дидактик талаблар уйғунлиги – ўқитувчиларни ўқувчилар ўқув фаолиятини бошқариш, машғулотларни уюштириш ва ўтказиш жараёнига уйғунлик тарзда ёндашуви.

Дидактик тизим – таълим мазмуни, уни ташкил этишнинг шакл, метод, жараёнлари ва ўқитиш мақсадларидан иборат тизим.

Касбга йўналтириш тизими – турли давлат ва ижтимоий ташкилотлар, муассаса, мактаблар, шунингдек, оиланинг ташкилий ва бошқарилувчан фаолияти бўлиб, у жамият манфаатлари ва таълим олувчиларнинг шахсий қизиқишларига кўра касбий ва ижтимоий ўз-ўзини аниқлаш жараёнидир.

Касбий маҳорат – таълим жараёнида педагогик стратегия, стратегик мақсад ва вазифаларни тўғри белгилаш, қарорлар қабул қилиш, таълим жараёнини лойиҳалаштириш, инновацион педагогик фаолиятни ташкил этиш, таълимни бошқариш жараёнига тизимли ёндашувларни лойиҳалаш технологияларини жорий этиш ҳамда бошқарув усуллари, методлари ва тамойилларидан самарали фойдаланишдан иборат касбий техника даражаси.

Касбий тажриба – авлодларнинг ижтимоий тажрибасини ўзлаштириш ва уларни бошқарув амалиётида қўллашни таъминлаб берувчи тушунчалар тизими бўлиб, раҳбарнинг ўз фаолияти давомида фан-техника янгилигига, илғор тажрибаларга таяниш ҳамда мазкур тажрибалар асосида ўзининг кўникма ва малакаларини шакллантириб бориши билан бир қаторда жамоа фаолиятини бошқариш тажрибаси.

Касбий тарбия – инсон касбий маданиятига оид стратегия, усул, малака, касбий-шахсий сифатларни шакллантириш жараёни.

Касбий таълим — муайян соҳага оид иш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

Касб-хунар коллежи (КХК) – 1) муайян касб-хунарни эгаллашга ихтисослаштирилган ўрта махсус таълим муассасаси; 2) ўқувчиланинг касб-хунар мойиллигини, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб танлаш имконини берадиган таълим муассасаси.

Кичик мутахассис – умумтаълим ва касб-хунар таълими дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ЎМҚХТ ўқув муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражаси.

Тарбия – 1) шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; 2) ёш авлодни мужассам ривожлантиришга йўналтирилган умуминсоний ҳамда миллий ижтимоий тажрибани ўқувчи ва талабаларга узлуксиз тақдим этиш жараёни.

Тарбия мазмуни — қўйилган мақсад ва вазифаларга кўра ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган қатъий хулқ-атвор меъёрлари, билим, этиқод, кўникма, малака ва шахсга хос ахлоқий-маънавий сифатлар ҳамда хусусиятлар тизими.

Тарбия мақсади – жамиятнинг алоҳида шахсга нисбатан эҳтиёжларининг акс эттирилиши, унинг моҳияти идеал талабларининг назарий умумлашмаси.

Тарбия методи — тарбиявий таъсирни амалга ошириш ва тарбия вазифаларини ҳал этишнинг умумий мажмуи.

Тарбия методлари – шахсни шакллантириш учун тарбияланувчида эҳтиёж ҳиссини уйғотиш, ўзини тутиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуаси.

Тарбия психологияси – педагогик психологиянинг шахснинг ақлий, ахлоқий ҳамда эстетик жиҳатдан таркиб топиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганувчи бўлим.

Таълим – ўқувчи ва талабаларга билим бериш, уларни тарбиялаш, ривожлантириш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш жараёни, ёшларни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси.

Таълим бериш, ўқитиш – 1) таълим жараёнининг асосий томонларидан бири, ўқувчининг тезкор фаолияти, билимлар заҳирасини ўзлаштириши, уларни мустақил эгаллаш усуллариини ўрганиши ҳамда амалда қўллашни билишига йўналтирилади; 2) ўқитувчи томонидан ўқувчи ва талабаларга билим бериш, ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жараёни.

Таълим воситаси – муайян ўқитиш методи ёки усулларида муваффақиятли фойдаланиш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари

Таълим муассасалари – турли даража ва йўналишлардаги таълим дастурларини амалга татбиқ этувчи муниципал, хусусий давлат муассасалари.

Таълим муассасаси Низоми – муассаса ёки унинг таркибий бўлинмалари тузилиши, ҳуқуқи, вазифалари, бурчлари, таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат.

Таълим стандарти - муайян таълим жараёнининг модели, намунаси, этолони, меъёрлари, қоидалари, талаблари, давлат томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжат.

Таълим технологиялари – 1) таълимнинг янада самаралироқ шаклига эришиш учун, инсон заҳираларини ва улар ўртасида ўзаро таъсирни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш, таълим жараёнини баҳолаш, амалга ошириш, тизимли режалаштириш методи; 2) таълимнинг техник воситалари ва компьютерларни шунчаки қўллаш эмас, балки таълим самарадорлигини оширишга қаратилган омилларни таҳлил этиш асосида лойиҳалаш усули, материал (ўқув методик) ва мақбул методлар ёрдамида таълим жараёнини қулайлаштириш усуллари ишлаб чиқиш ва унинг тамойилларини аниқлаш; 3) аниқ мақсадга кўра ўқув жараёнини бошқаришга оид дидактик муаммоларни ҳал қилиш, бунда эришиладиган ютуқлар аниқ тавсиф ва таърифларга асосланишига эришиш методи.

Таълимнинг миллий модели – Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини янгиланган соғлом педагогик тафаккур асосида тубдан ислоҳ қилиш, таълим-тарбия муассасаларида тайёрланадиган кадрларни интеллектуал, маънавий ва ахлоқий савиясига кўра ривожланган мамлакатлардаги даражага етказиш бўйича белгиланган назарий-методологик, амалий-педагогик ёндашувлар мажмуи. Таълимнинг миллий моделида маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол шахснинг ўз ижодий қобилиятини тўла намоён этишини таъминлаш кўзда тутилади.

Тизим (система) – 1) тартибга солинган, ўзаро боғланган ва таъсир кўрсатиб турадиган педагогик ҳодиса; 2) тартибга солинган тушунчалар йиғиндиси.

Узлуксиз таълим – ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

Ўқув қўлланма – дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларини чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларини кенг ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимига мўлжалланган педагогик ўқув наشري.

Ўқувчи - умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таълим оловчи ёшлар.

Дидактика - грекча «дидакцион» сўзидан олинган бўлиб, ўқитаман, ўқишни ўргатаман маъноларини англатади. Дидактика бу ўқитиш назариясидир. Дидактика ўқитиш жараёнининг шакллари, методлари, тамойиллари, мазмуни, вазифаси ва мақсадларини ишлаб чиқади.

Методика— педагогиканинг ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларни назорат қилиб, баҳолаш метод ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғидир. Ҳар бир ўқув фани, ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкил этиш шакллари методика асосига қурилган.

Ўқитиш методикаси - бу турли усуллар тизими бўлиб, ўқув-дидактик материаллардан фойдаланиш орқали белгиланган мақсадга эришиш учун назарий ва амалий машғулотлар пайтида қўлланиладиган усуллар мажмуасидир.

Касбий таълим методикаси ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳасида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган билим, амалий иш-ҳаракат усулларини шакллантириш қонуниятлари, қоидалари, шакл, метод ва воситалари ҳамда мазмуни ҳақидаги педагогиканинг муҳим тармоғидир.

Метод — ибораси (юнонча-метходас-тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини англатиб) воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод — педагогик жараён элементи сифатида мазмун-мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда тарбия, таълим ривожланиши амалга ошади. Методнинг асосий вазифаси - қобилиятни ривожлантириш. Касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи — унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир.

Методология - «метод» ва «логия» ибораларининг бирлигида билиш фаолияти усули, тузилиши, воситалари ва мантикий тартиби ҳақидаги таълимот маъносини англатади. Демак, методология ҳар қандай фаолиятнинг зарурий ташкилий компонентиدير.

Методологик билимлар, энг аввало, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўзида қамраб олиб, одат ҳамда меъёрлар шаклида амалда бажариладиган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳар иккала ҳолда ҳам билимнинг асосий вазифаси билиш жараёнини тартибли равишда амалга ошириш ёки бирор объектни амалий ўзгартиришдан иборат.

Билим - бир бутунликни ташкил қилувчи қисмларнинг ички заруриятдан келиб чиққан боқлиқликдир. У қонуният деб ҳам юритилади. Чунки бу боқлиқлик нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади ва инсоннинг ихтиёридан ташқарида мавжуд бўлади. Уни ўзгартириб бўлмайди. Билим кишидан кишига маълумот (ахборот) орқали ўтади.

Кўникма ва малакалар. Кўникма ва малакалар деганда бирор шахснинг муайян фаолиятни муваффақиятли бажариши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, ташқаридан кузатиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари ва реакциялари тушунилади. Малакалар онгли равишда амалга оширилган фаолиятнинг таркибий қисмига кирувчи автоматик тарзда юз берадиган хатти-ҳаракатлардир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 4-июндаги ПҚ-1771-сон “Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги ПФ-1869-сон “Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 14 ноябрдаги ПҚ-1426-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

1. 2011 йил 1 мартдаги 52-сон “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

2. 2011 йил 26 августдаги 244-сон “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

3. 2011 йил 14 октябрдаги 280-сон “Болаларни тарбиялашни такомиллаштиришга, соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

4. 2012 йил 25 июлдаги 228-сон “Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Президент И.Каримовнинг 2014 йил 15 майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциясининг очилиш маросимидаги нуткидан. Халқ сўзи. 2014 йил 16 май.
6. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан. Тошкент: “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 7 декабрь.

5. Дарсликлар

1. Мухамедов Г.И., Тўракулов Х.А. Замонавий педагогик тадқиқотларнинг илмий – назарий асослари. – Жиззах: Фан, 2004. – 228 б.
2. Тўракулов Х.А. Педагогик тадқиқотларда ахборот тизимлари ва технологиялари. – Тошкент: Фан, 2006. – 240 б.
3. Олимов Қ.Т. ва бошқалар. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. – Тошкент: Фан, 2004.
4. Семушина Л.Г., Ярошенко Н.Г. Содержание и технологии обучения в средних специальных учебных заведениях. – Москва: Мастерство, 2001.
5. Сайфуллаев Б., Маматқосимов Ж. Актёрлик маҳорати. -Т.: Фан ва технология, 2012.
6. Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. Т.Хўжаев таржимаси. С.Мухамедов муҳаррирлигида. -Т.: Янги аср авлоди. 2010
7. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. -Т.: “Янги аср авлоди”. 2009.
8. Аҳмедов Ф. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. Т.: Алоқачи. 2008.
9. Турсунов Т. Ўзбек театри тарихи. - Т.: 2008.
10. Турсунбоев С. Жаҳон театри тарихи. - Т.: Фан ва технология. 2008.
11. Маҳмудов Ж., Маҳмудова Х. Режиссура асослари. -Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.
12. Мухамедов М. Режиссура асослари. -Т.: ЎДСИ босмахонаси. 2008.

6. Ўқув қўлланмалар

1. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент.
2. Исмоилова З.К. Педагогикадан амалий топшириқлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2001. – 159 б.
3. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2006. – 282 б.
4. Мирсаидов К.Ж. Мутахассислик фанларини ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

5. Ходжабоев А. Хусанов Л. Касбий таълим методологияси. -Т.: Фан ва технологиялар, 2007.
6. Абдуқудусов О. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини ошириш муаммолари. Методик қўлланма. – Тошкент, 2002.
7. Аҳмедов Ф. Оммавий тадбир ва байрамлар режиссураси ва актёрлик маҳорати. - Т.: Чўлпон. 2007.
8. Маҳмудов Ж. Саҳна композицияси алифбоси. -Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
- 9.
10. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М., Мухторов И. Ўзбек Миллий Академик драма театри тарихи. - Т.: 2003.
11. Қодиров М. Ўзбек театри тарихи. -Т.: Ижод дунёси. 2003.
12. “Истиқлол ва миллий театр”. Тўплам. -Т.: Янги аср авлоди. 2002.
13. Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.
14. Ризаев Ш. Жадид драмаси. “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1997.
15. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. -Т.: Фан. 1993.
16. Раҳмонов М. Древний театр Узбекистана (С древнейших времен до XX века). -Т.: Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма. 1986.

7. Интернет сайтлари

1. Ziyonet
2. <http://www.dsmi.uz>
3. <http://www.pedagog.uz>
4. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
5. <http://stanislavsky.by.ru>
6. <http://www.teatr-estrada.ru>
7. teatr.com
8. <http://www.aktor.ru>
9. <http://www.mxat.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш	5
Махсус фанларни ўқитиш услубиятининг мақсади, вазифалари ва предмети	10
“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Миллий таълим модели асоси	19
Эстрада санъати профессионал фаолият сифатида	40
Ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминлашда меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг таснифи	62
Махсус фанларни ўқитишда таълим методларидан фойдаланиш усуллари	87
Эстрада актёрлиги ихтисослигида режиссура ва актёрлик маҳоратини ўқитишнинг назарий асослари	113
Санъаткор-педагог бадиий–педагогик фаолият субъекти сифатида	130
Ўқув-бадиий машғулоти турлари	144
Илмий тадқиқот фаолияти	177
1-илова. Диққат, диққат объектлари	191
2-илова. Персонажларнинг тавсия этилаётган вазиятни ўзлаштириш билан боғлиқ адабий-бадиий асарни актёр ва режиссёр томонидан талқин этиш соҳаларидан бири	193
Хулоса	196
Тест саволлари	199
Таянч иборалар	205
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	209

СОДЕРЖАНИЕ

Введение	5
Предмет, цель и задачи методики преподавания специальных дисциплин	10
Закон об образовании. Национальная программа подготовки кадров. Основы национальной модели	19
Эстрадное искусство как профессиональная деятельность	40
Нормативные документы в организации учебного процесса и их характеристики	62
Методы, используемые в обучении специализированных предметов	87
Теоретические основы в изучении профессий режиссуры и мастерства актёра	113
Художник-педагог как субъект педагогической деятельности	130
Типы учебно-художественных занятий	144
Научно-исследовательская деятельность	177
Приложение №1 Внимание, объекты внимания	191
Приложение №2. Изучение предлагаемых обстоятельств персонажа как обязательная основа интерпритации актёром и режиссёром художественного произведения	193
Заключения	196
Тесты	199
Глоссарий	205
Список используемой литературы	209

CONTENT

Introduction	5
Subject purpose and objectives of teaching methods of special subjects	10
Education act. National training program. Basics of national model	19
Pop art as a professional activity	40
Normative documents in the educational process and their characteristics	62
The methods used in teaching specialized subjects	87
Theoretical foundations in the study of directing professions and actor	113
Artist and teacher as the subject of teaching activating	130
Types of educational and artistic activities	144
Research activities	177
Appendix №1 Attention, objects of attention	191
Appendix №2. The study of offered circumstances character as a mandatory basis Interpretation actor and director of the artwork	193
Conclusion	196
Tests	199
Glossary	205
Bibliography	209